

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЭСКИ ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЛАР:  
МАТН ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ ВА  
СТИЛИСТИКАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ЭСКИ ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЛАР:  
МАТН ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ ВА СТИЛИСТИКАСИ



Тошкент – 2015

Қосимжон Содиков «Эски Туркий Ҳужжатлар: Матн интерпретацияси ва стилистикаси» – Т.: «Тошкент давлат Шарқшунослик институти», 2015. –144 б.

Ушбу китобда туркий расмий услубнинг юзага келиши ва такомили, X–ХІІ юзйилликлардан қолган васиқалар, уларнинг фонетик трансформацияси, морфологик, синтактик интерпретацияси ва матн стилистикаси тўғрисида сўз боради. Шунингдек, китобда қадимги туркий васиқаларнинг илмий матнни келтирилиб, матн талқини масалаларида фикр юритилади.

Китоб манбашунослар, филологлар, тарихчилар ва айни илмий йўналишда изланиш олиб бораётган ёш мутахассисларга мўлжалланган.

Монография Ф-1-136 “Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)” мавзуидаги илмий тадқикот лойиҳаси доирасида ёзилди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Кенгаши нашрга тавсия этган (2015 йил ноябрь ойининг учунчи куни бўлиб ўтган З-мажлис қарори).

Тақризчилар:  
тарих фанлари доктори **М. Исҳоқов**  
филология фанлари номзоди, профессор **З. Арипов**

Уибу китобимни ҳурматли устозларим,  
филология фанлари докторлари, профессорлар  
Губайдулла Айдаров ҳамда  
Алтай Серсенович Аманжоловнинг  
ёрқин хотираларига бағишлайман.  
Уларни Оллоҳ раҳмат қылсун.

## КИРИШ

Ўзбек адабий тили расмий услубининг, ҳужжатчилигининг шакланиши ва такомилини ўрганишда илк ўрта асрлардан қолган васикалар алоҳида ўрин тутади.

*Васика* – кишилар ўртасидаги иктисадий муносабатларнинг ҳуқуқийлигини таъминловчи, яъни олди-бердини, гаровга қўйилган буюмни, сотилган ёки ижарага олинган мулкни, меросни, шунингдек, кулларга берилган эркинликни, сотилган кулнинг бундан бўёнги эгасини, асраб олинган боланинг эндиғи ота-онасини тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат. *Васика* кишилар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иктисадий, ҳуқуқий муносабатларни, давлат томонидан ўрнатилган конунлар, тартиб-коидалар, жамиятнинг уларга бўлган муносабати ва ҳуқукий билимларини акс эттиради.

*Васика* арабча сўз бўлиб, атама сифатида ислом давридан бошлаб ишлатилган. Ўтмишда эса туркий тилда ҳужжатларнинг бари, шулар қаторида *васика* ҳам *bītig* дейилган, турлари эса унга аникловчисини кўшиб ясалган: қарз олиш *vasikasini* *ötüg bitig*, *vasiqatnomani qutaru bitig*, кулга эркинлик берувчи *vasikani boş bitig* аталган ва б. Кейингисидаги *boş* – “эркинлик, озодлик” англамида дидир.

Васика ҳужжат туздираётган кимсаларнинг, олимчи ва беримчининг кўз ўнгига, бунга кўшимча холда, икки-уч киши гувохлигида тузилади; уларнинг кўли, белги-тамғаси билан

тасдиқланади. Сиёсий-иктисодий, хукуқий муносабаглар васиқа тузилган, күл кўйилиб, тамға босилган кундан бошлаб кучга киради, расмийлашади.

Туркий тиллар тарихида яратилган васиқаларнинг энг эскилари илк ўрта асрлардан қолган. Уларнинг катта бир кисми эски уйғур хатидадир. Уларнинг санаси турк-мучал йил билан берилганини учун, ёзилган даврини аник айтиш қийин. Шунга қарамай, матнларнинг тил ва ёзув хусусиятлари, терминология, ундаги айрим маълумотлар улар X–XIII юзйилларда яратилган деган холосага олиб келади. Вақытлар. асосан, турк-будда ва моний жамоалари томонидан яратилган. Илк ўрта асрлардан қолган ушбу васиқалар ҳозирда дунёning йирик кўлёзма фонdlарида нодир қўлёзмалар сифатида сакланиб турибди.

Илк ўрта асрлардан қолган туркий васиқалар дипломатиканинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуби юксак балоғат даражасида, терминлар тизими мукаммал; туркий ҳужжатчилик узоқ услугубий тараққиёт боскичидан ўтганлигини англашиб туради. Яна бир жиҳати, айрим васиқалар ёзувининг оддийлиги демаса, айгарли бари саводли битилган.

Туркологияда туркий тиллар тарихида яратилган расмий ҳужжатларнинг илмий нашрлари, таржималари яратилди, уларнинг муайян бўлаги тарихий-филологик жиҳагдан тадқик этилган. Лекин, ҳужжатларни ўқиш ва уларнинг талкини, тадқики бўйича қилинадиган ишлар анчагина. Ҳусусан, эски туркий ҳужжатларни кайта ўқиб, туркологиядаги янги карашлар, талқинлар билан бойитиб, матнларнинг тўла илмий нашрини яратишнинг вақти етди. Шунингдек, расмий ҳужжатларнинг тил ва услугубий хусусиятлари, уларнинг давлатчилик тарихидаги, иқтисодий-сиёсий, маданий, хукукий

муносабатлар тарихидаги үрни сингари масалалар очислигича турибди. Ана шулардан келиб чиқкан ҳолда, ушбу гадқиқотимизда қуидаги масалаларга зътибор қаратилмоқда:

- Илк үрта асрлардан колган туркий васиқаларни текстологик жиҳатдан үрганиш;
- Ҳужжатларнинг филологик талқини;
- Васиқаларнинг үзига, хос тил хусусиятларини ёритиб бериш;
- Ёзув ва товуш муносабатлари, матнларнинг фонетик-фонологик интерпретацияси;
- Матн стилистикаси;
- Васиқаларда кечган стереотип бирликлар ва уларнинг матндаги функционал хусусиятлари;
- Матнларнинг ўқилиши ва семантик интерпретация масалалари.
- Матн талқини бўйича туркологияда юзага келган қарашлар ва уларга илмий муносабат.

Ушбу монография ўтган йилларда яратилган учта китобимизнинг (*Содиков Қ., Омонов Қ. Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари*. Тошкент, 2012; *Содиков Қ. Олтин Үрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин*. Тошкент, 2013; *Содиков Қ. Туркий хужжатчилик тарихидан*. Тошкент, 2014) давомида турорди.

Ушбу китобда бурунги ишларимизда зътибордан четда колган, тадқиқ этилмаган масалалар ёритилмоқда. Шунингдек, Турфондан топилган васиқаларнинг бир гурухини транскрипцияси, шарҳи ва мазмуни билан биргаликда бурунги монографияларимизга киритган эдик. Ушбу китобда эса унга кирмай қолган васиқалар матни изоҳлари билан келтирилмоқда.

Хужжатларнинг илмий транскрипциясини яратишида уларнинг интернет сайtlарига жойлаштирилган фотонусхалари, илмий асарларга илова қилинган фото ва факсимиль нашрларига таянилди.

## Ёзма манбалардан олинган ўрнакларни транскрипцияда бериш йўли

Туркй ёзма манбалардан олинган ўрнаклар лотин алифбоси асосидаги транскрипцияда берилди. Матнларни транскрипцияга ўтиришда унлилар учун *a*, *ä*, *e*, *i*, *o*, *ö*, *u*, *ü* ҳарфларидан фойдаланилди.

Ундошлар учун туркшуносликда кабул килинган *b*, *p*, *d*, *t*, *q*, *k*, *g*, *g*, *x*, *z*, *ž*, *s*, *č*, *š*, *y*, *l*, *m*, *n*, *η*, *r* ҳарфларини қўлладик. Бу сирадаги *g* – ҳозирги ўзбек имлосидаги [g], *č* – [ç], *š* – [ʃ], *η* эса сонор [n̡] товушини билдиради. Шунингдек, [v] фонемасининг икки хил варианти транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилди: туркй сўзлардаги варианти учун – *w*; ўзлашган сўзларда қўлланиладиган варианти учун эса *v* ҳарфи олинди.

Кадимги туркий битигларда сўз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланмаган [*a*] унлиси кейинчалик “ёпик” [*e*] га ўзгара бошлади: *el*, *erdi*, *kergäk* сингари.

Биз ўрганаётган туркй хужжатларнинг кўпи уйгур хатида. Уйгур ёзувидаги матнни ўқишнинг эса ўзига яраша қийинчилigi бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гурухи полифоник хусусиятга эга бўлиб, [*k*]–[*g*], [*b*]–[*p*], [*t*]–[*d*], кўпинча [*q*]–[*g*]–[*x*], [*s*]–[*z*], [*s*]–[*š*] товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ифодаланади. Бу эса матнни ўқиш, сўзлар талаффузини аниqlашда кишини

чалғитади. Бундай ҳолатларда уларнинг кўк турқ, араб ёзувларидағи манбаларда қандай келишига таянган маъкул.

Ўрнакларда учраган жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилди: *yersulari* сингари.

Ўрнакларда сўз маъносини очиқлаш учун киритилган қўшимча сўзлар қавсга олинди.

Эски матнларни ўқишда гап чегараларини аниқлаб олиш ҳам қийин масала. Чунки қўлёзмада тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхиллик йўқ. Таъкидлаш керакки, классик матнлардаги гап чегарасини аниқлашда бош үлчов – мантиқ, фикр бутунлиги ва унинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир. Ана шу жиҳатларни кўзда тутган ҳолда, матнда гап чегараларини белгилаб чиқдик ва ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини кўлладик.

Ўрнак учун келтирилган гап, унинг таркибидағи атоқли отлар – киши отлари, жой номлари катта ҳарф билан берилди.

## БИРИНЧИ БҮЛИМ. ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Ҳужжатшунослик билимининг юзага келиши ва такомили масаласи.

Васикаларда қўлланган ҳужжатчилик атамалари.

Илк ўрта асрларда яратилган васикаларнинг хозирги сақланганлик ҳолати.

Матн кўрки ва безаклари.

Васикаларда ишлатилган хат турлари ва ilk ўрта асрларда саводхонлик масаласи.

### Ҳужжатшунослик билимининг юзага келиши ва такомили

Қадимги туркий тилда “билим; билим соҳаси; назария”ни *bilig* аталган. Фан соҳаси *bilig* сўзи билан қўшиб айтилган: *et-öz bilig* – вужудни англаш билими; *bilgä bilig* – донолик билими, донишмандлик; *köylü bilig* – будда фалсафасига кўра, ҳис этиш, англаш; *köz bilig* – будда фалсафасига кўра, кўз билан кўриб, ҳис этиш, англаш; *til bilig* – дин. саккиз турли билимнинг бири (=санскр. *jihva-vijnāna*); *tuymaq bilig* – дин. етуклик, тугаллик, комиллик (=санскр. *bodhi*) сингари.

Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарида: *Aytii elig tekma türlüg bilig* (Элиг (*Ойтулдига*) турли-тумани билимлар соҳасидан савол берди) деган жумла бор (QBN.28b,11). Бу жумладаги *bilik* “билим соҳаси”ни, “турлари”ни англатади.

Ёзма манбаларда *bilik* сўзи “китоб; асар” маъносида ҳам келади. “Қутадғу билиг” асарининг отидаги *bilik* айни маънодадир: “*Qutadğu bilik*” – “Қутандигиргучин асар; баҳтга элтүвчи китоб” ёки “Саодат биними” дегани. Шунинг учун муаллиф ўз асарини бир ўринудо “*Qutadğu kitabi*” деб ҳам атаган.

Мұхими, илк үрта асрларда хужжатшунослик ҳам билим соқаси сифатида шаклланған. Хужжатшунослик билимлари бирйұла әмас, жамиятнинг узоқ асрлы тараққиеті, олди-берди муносабатлари, ижтимоий алоказалар расмий тус олиб, кишилар үртасыда хуқуқий муносабатлар үрнатыла бошлаганида хужжатшунослик билими ҳам юзага кела бошлади. Хужжатчилик билимининг юзага келиши давлатчилик тарихи билан бөглиқ.

Илк үрта асрларнинг ёзма ёдгорликларыда хужжатнинг сиёхидан тортиб турларигача – ҳаммасининг үз атамаси бор. Ёзма адабий тиілдеги ушбу ҳодиса үша өзгелдердең хужжатчилик билимлари юзага келиб, үзининг такомил босқычига эришиб улгурганидан далолат беради.

Түркій хужжатчилик атамаларининг әнг эскіларидан бири *söz* дір. Расмий мұлоқотда *söz* “хукумдорнинг байруғи, әлга қарата айттан сүзи”ни англатған. Ёзув юзага келмасдан анча бурун, үзаро расмий мұомаладан бошлаб юрт әгасининг әлга мурожаати ҳам, жамоа орасидеги үзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланған. Хукумдор құл остидеги кишиларға, әлга үз сүзини, байруғини айттан. Ёзма хужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айни вазифада ишлатыла бошлади. Жұмладан, илк ва үрта асрларда яратылған ёрликларнинг унвонларыда *sözüm* калимаси құлланған. У “бу менинг фармоним, ёрлиғим” деган маънени англатади.

Кишилар үртасыдеги оғзаки келишув ҳам *söz* дейилған. Иккі хукумдор орасидеги келишув *'ahd söz'i* аталған.

Сүзлашувда, яғни оғзаки мұлоқотда сүзловчи күзда тутылғанда *sozlədi* дейилади. Бу маънени *aydı*, *tedi* феъллари ҳам ифодалайды. Тінгловчига күра эса *tıyaladı*, *eşitti* дейилади. *Sözlə*- феъли биргалик нисбатда келганида “үзаро келишув” маъносини билдирған. Масалан, хужжатларда *inşa sözlaştıımız* деган бирикма ишлатылади, бу “(баҳосини) шундай келишдік” англамидаадыр.

*Sözlə-, te-, ay-* феъллари сүзлашувни, яъни оғзаки мулоқотни англатган бўлса, расмий ёзма услубни *biti*- ёки *yaz-* феъллари ифода этади: хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdi*, адресат кўзда тутилганда *oqidi* дейилади. Расмий хужжатларнинг кўпи *bitidim*, *bitidimiz* феъллари билан тугайди.

*biti* – хатни, хужжатни ёки китобни “битмак” дегани;

*ayütip biti* – хужжатни унга айтиб [яъни унинг айтганлари бўйича] битмак, сўраб битмак; *ayütip bitidim* – унинг айтганлари бўйича сўраб ёздим; *inčka ayütip biti* – унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз сўраб битмак; *inčka ayütip bitidim* – унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз сўраб битдим.

Кишилар ўртасидаги ёзма расмий келишув *bitim* дейилган. У *biti-* (“битмак”) феълидан ясалган. *Bitim* кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг хукукийлигини таъминлайдиган хужжат турининг энг эскисидир.

*Biti-* феълидан *bitig* сўзи ҳам ясалган (<*biti+g*). *Bitig* нинг илкин маъноси “ёзув”; бундан “хужжат”, “мактуб”, “китоб” сингари маънолари урчиган. Ўтмишда ҳар қандай ёзма хужжат *bitig* дейилган. Бу сўздан бошқа атамалар ҳам ясалган: *bitig-belgü* – давлат тузуги; низоми; *baš bitig* – бош, асосий хужжат; *bitig üsik* – ёзув, хат; *boş bitig* – эрк хужжати; кулга эркинлик хукуқини берувчи хужжат; *boş idmisi bitig* – эркинлик берувчи хужжат; *köylü aytu bitig* – кўнгил сўровчи мактуб; *yatut bitig* – жавоб хати; *büçgas bitig* – қасам битими; *qitamaru bitig* – насиҳатнома; *saqurt bitig* – аралаш сўзлар лугати; *tojqlı bitig* – эълон қилинган асап; *bitigtaş* – битигтош; *bitig-belgü* – давлат тузуги; низоми; *bitig salām* – салом хат; мактуб; *bitig üsik* – ёзув, хат, сингари.

*Bitig* сўзи ўзи боғланган феъллар билан қуйидаги маъноларни англатади: *bitig berdi* – хужжат берди; *bitig bitidi* – хат ёзди; *bitig bitisdi* – хат ёзишди; *bitig bitildi* – китоб ёзилди; *bitig bititti* – хат ёздирди; *bitig köçürdi* – бир нусхадан бошқасига кўчирди; *bitig bürüldi* – мактуб, хат бураб букланди; *bitig yıldi* – хатни кириб үчирди; *bitig yuldi* – китобни кўчириб ёзди; *bitig turıldı* – хат ўралди.

Хат битувчи *bitig bititguci* дейилган.

*Biti*- фельига -*gii* аффикси күшилса, *bitigii* (яъни сиёхдон) бўлади.

Кишилар орасидаги ўзаро расмий муносабатларни англатган энг эски сўзлардан яна бири *kejash* дир. *Kejash* сўзи бошлаб жамоа орасидаги ўзаро оғзаки келишувни билдирган. *Kejash* нинг илкин маъноси “фикрда бир тұхтамга келиш; сўзда ўзаро келишув”дир. Қадимги туркларнинг кенгашни таърифловчи шундай маколи ҳам бўлган: *Kejashlig bilig idrasur, kejassiz biling orausr.* – “Маслаҳатли иш борган сари яхшиланиб боради, бемаслаҳат қилинган иш борган сари бузилишига юз тутади”.

Хужжатчилик атамалари сирасида *yarliq* нинг келиб чиқиши ҳам жуда эски; харқалай, у *car~yar* (яъни “чорлов”) ўзагидан ясалган кўринади. Бу сўз бошлаб, “тангрининг буйруғи; ёрлиғи; марҳамати”ни билдирган: битигларда *tajri yarliqadid* дейди, бу “тангри ёрлакади, марҳамат килди” дегани. Ёки ўзгаларга эзу тилак тиланганда, *tajri yarliqas* дейилган; бундан “худо ёрлакасин”, “худо буюрган бўлсин” эзгу нияти англашилади. Кул тигин ва Билга хокон битигларида Билга хоконнинг ўз ўтмишини хикоя кила туриб: *Tajri yarliqaduqin* *üctin, özütm-qutum bar* *üctin qağan olurtum* деган сўзлари бор (Содиков 2009,32). Бунинг маъниси: “Тангри ёрликағани учун, куч-кудратим бор учун хокон бўлдим” дегани. Кейинчалик бу атаманинг ишлатилиш доираси кенгайиб, “хукумдор буйруғи, фармони”ни ҳам англата бошлаган. *Yarliq* сўзи хукумдор буйруғига нисбатан ишлатилганда, *yarliqa-* (<*yar+liq+a*) фельи қўшиб айтилган: қадимги туркий битигларда *xan yarliq yarliqadid* дейди, бу “хон ёрлиқ берди; буюрди” дегани.

Ўрта асрларда юрт эгасининг ёзма буйруғи, фармони, шунингдек, амирлар, нуфузли кишиларга амал, унвон, ер, молмулк ва турли имтиёз берилганлиги тўгрисидаги расмий хужжат *yarlig-yarliq* аталган. Махмуд Кошварийнинг ёзишича, *yarlig* – хоконнинг хати, фармони (чиғилча) (МК.238b);

Айрим манбаларда, хусусан, “Ўғузхокон” достонида бу атама *jarliq-jarliq* кўринишида қўлланган.

*Yarlıqa* феъли хукумдорга тегишли бўлса, “марҳамат кўрсатди” маъносида ҳам келади.

Битигларда хон буюрганда *yarlıqadī* ёки *yarlıq* *yarlıqadī* дейди, бу “хон буюрди; буйруқ берди; ёрлик берди” дегани. Аксинча, фуқаро ёки кичик даражадаги киши хонга мурожаат қилганда, *ötündi* дейди, бу “хондан ўтинди; ялинди; илтимос қилди” дегани бўлади. *Ötündi* сўзига -*g* кўшимчасини қўшиб, *ötüg* сўзи ясалган. *Ötüg* ёки *ötüg bitig* “илтимоснома; ариза” дегани. Баъзан *ötüg ötundi* ҳам дейди; бу “арз қилди” бўлади; *ötüg bitidi* бўлса “ариза ёзди” англашилади.

Хужжатларда кечган *tamğa* – тамға, муҳр; расмий хужжатларга қўйилувчи белги. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри (МК.107а).

Ёрликларда “муҳр-тамға”ни *al tamğa* дейди. Бу бирикмадаги: *al* – “қизил”, *tamğa* – “муҳр” маъносини билдиради; *al tamğalıq yarlıq* – ол тамғали ёрлик.

*altun tamğa* – олгин тамға; хоннинг тамғаси, муҳри; *kümüş tamğa* – кумуш тамға; тамғанинг бир тури, вазирнинг тамғаси.

муҳрдор, муҳр босувчини *tamğacı* дейилган.

*tamqalıq* – тамға урилган, муҳрланган дегани. Тарих китобларида: *tamqalıq yarlığı tegdi* дейди. Бу жумла “тамға урилган ёрлиғи тегди” деган маънодадир.

*tamğa qaq* – тамға урдирмоқ, тамға бостирмоқ.

*tamğala* – тамғаламоқ, тамға урмоқ. Маҳмуд Кошғарийда шундай ўrnак бор: *ol bitig tamğaladī* – у хатга, китобга хон тамғасини урди (МК.300а).

*ötüg* – ариза; илтимоснома; *ötün-*, *ötünc* сўzlари ҳам айни ўзакдан. Бундан ясалган *ötüg bitig* – ўтинч битиги; илтимоснома, ариза; *ötüg saw* – сурор, илтижо.

Хат битувчи, котибни *bitigci*, *bitkäci*, *ilimşa*, *baxsī* деганлар.

*Baqşı~baxsī* сўзи қадимги турк будда, моний диний жамоалари даврасида “устоз, мураббий” маъносида ишлатилар эди. Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сакланиб қолди.

Масалан, ўрта асрларда уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxši* сўзи күшип айттыган: *Zaynu-l-Ābidin baxši*, *'Abdu-l-razzāq baxši* сингари.

Махмуд Кошгариининг ёзиича, *ilümğa* – шох мактубларини турк хати билан ёзувчи котибдир (МК.42а). Бу атама “Кутадғу билиг”да *bitigci* *ilümğa* шаклида ишлатылган: *Ogdülmış eligkä bitigci ilümğa nekü-teg kerakin ayur.* – Үгдүлмииш элизга хат ёзувчи котиб қандай (бұлтуви) кераклигини айтади (QBN.100a,14); *Beglärgä bitigci ilümğa nekü-teg keräkin ayur.* – Бегларга битигчи-илимга [яъни беглар хизматидаги котиблар] қандай бұлмоги кераклигини айтади (QBН.9,10).

### Васиқаларда құлланған ҳужжатчилик атамалари

باقىشى ~ باخسى ~ *baqshi* ~ *baxsi* – аслида “устоз, мураббий” маъносини англаттган; унвон ҳам булиб келади; котибни ҳам шундай аташган:

“устоз, мураббий” маъносида: *Men, Titsu yetä baxsimqa könitapıñmadın ketäyin tesär-men bu bitigtäki qinqa tegir-men.* – Мен, Титсу ҳам устозимга чин хизмат қылмай, кетаман десам, бу ҳүэжекатда белгиланған жазога тортапшишга розиман (№ 1.18v–20v); унвонни билдиради: *Ara Temür sözüm Turi b(a)qşıqa.* – Ара Темур сўзим Турби баҳшига (№ 10.1).

Кейинчалик хат битувчи котибларни ҳам *baqshi~baxsi* аташган. Ўрта асрларда, хусусан, Темурийлар замонида эски уйғур хатида битувчи котиблар *baxsi* дейилген. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: халқ ижодида “достон айтuvchi, достончи”ни англатади. Айрим ўзбек шеваларида фолбинни ҳам *baxsi* аталади.

بىتىغ ~ *bitig* – “ёзув, хат; китоб; ҳужжат” маъноларида келади:

Масалан, “хужжат” маъносида: *Men, Munsuz Qa(y)a Turmiş Temürkä bitig berür-men.* – Мен, Мунгсуз Қая Турмиши Темурга ҳүэжекат берурман (№ 6.1–2); *Men, Titsu bitig qilmış kün üzä y(i)g(i)rmi s(a)tır kütüs tügal aldäm.* – Мен, Титсу ҳүэжекат түзүлгөн куни ийгирма сатир кумушни тугал олдим (№ 3.7–8).

**баш** *baş bitig* – бош, асосий хужжат: *Cıń üçün Tıňazädin satığın almıš baş bitigin berip.* – Асл (хүэжсат бўлгани) учун Тингазадан сотиб олинган бош хўэжсатни бериб (№ 6.5–6).

**баш** *čın baş bitig* – чин бош хужжат; асл хужжат (№ 10.13).

**баш** *bek bitig* – мустаҳкам, ишончли хужжат: *Anıp taplaşıp, b(e)k bitig qildimiz.* – Шунга келишиб, ишончли хўэжсатни туздик (№ 5.15).

**баш** *ög bitig* – асл хужжат (№ 8.7).

**баш** *idis bitig* – тўлов хужжати, тўлов коғози; квитанция (№ 10.12).

**нишон** – нишон, белги, тамға: *Bu nişan men, Muñsuz Q(a)yanış-ol.* – Бу нишон мен, Мунгсуз Қаяникидир (№ 6.13).

**saw** – сўз; даъво, талаб: *sawlari yorimasun* – сўзлари ўтмасин, даъвоси инобатга олинмасин (№ 1.9).

**söz** – сўз, гап; ёрлик, фармон; хужжат; битим, келишув; даъво, талаб:

“ёрлик, фармон” маъносида: *Ara Temür sözüm Turı b(a)qşıqa.* – Ара Темур сўзим Турби баҳиига (№ 10.1);

“битим, келишув” маъносида: *Bu sözka Qora Qıdar tatuq.* – Бу сўзга Қўра Қидар гувоҳ (№ 6.11);

“даъво, талаб” маъносида: *Çamlasarlar, sözlərimiz yorimasun.* – Даъво қўлсалар, сўзларимиз ўтмасин (№ 6.10–11).

**tatuq** – гувоҳ: *Tatuq – Nom Quli, tatuq – Köküş Qaya.* – Гувоҳ – нўм Кули, гувоҳ – Кўкус Қая (№ 4.16–17).

**tamga** – тамга, белги: *Bu tamga biz ikägünüñ-ol.* – Бу тамга биз, иккимизницидир (№ 1.18v).

**yasa** – яса, давлатнинг бош қонуни: *Apat bir-ök ilgäli-tartgali saqinsar, sawlari yorimasun. Yasadaqı qinqa tegsünlär.* – Агар бирор кимса торттиб олишини хаёл қўлса, сўзлари ўтмасин. Давлат қонунидаги жазога тортмиснлар (№ 1.8–10).

## **Илк ўрта асрларда яратилган васиқаларнинг ҳозирги сақланганлик ҳолати**

Илк ўрта асрларда яратилган туркий васиқалар ўтган юзийликтининг бошларида Шарқий Туркистоннинг турли ўлкаларига уюштирилган илмий экспедициялар чоғидаги кўлга киритилган бўлиб, ҳозирда дунёнинг йирик қўлёзма фонdlарида сақланмоқда. Йирик коллекциялар Берлиндаги Бранденбург Академиясининг қўлёзмалар фондида, Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида, Урумчидаги Тарих музейида жамланган.

Расмий хужжатларнинг ҳозирги кездаги сақланганлик даражаси ҳар хил: баъзилари, қогоzinинг уринганлиги демаса, нисбатан яхши турибди. Айrim битиглар ниҳоятда пароканда, қогози титилиб кетган, матннинг бир парчасигина сақланган, холос.

Матнларнинг ранги бир хил эмас: қуюқ сиёҳ билан тиник ёзилганлари ҳам кўп, орада сиёҳи намиқиб, учиб кетганлари ҳам бор. Лекин, бир жиҳатига тан бермак керак, кўрининг сиёҳи хали хануз тиниқлигича турибди.

Айни чоғда айrim хужжатларнинг оригинални йўқолган. Муҳими шундаки, битигларни топиб келтирган ёки илк бор ўрганиб, нашр эттирган олимлар ўша оригинал нусхалардан фойдаланганлар. Лекин орада нима бўлгани номаълум, айrim хужжатларнинг ўзи йўқ. Яхшики, улар ўша чоғда суратга олиб қолинган экан. Ҳозир ўша суратга олинган нусхаларигина қолган, холос. Ушбу фотонусхалар ҳам Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида бошқа қўлёзмалар орасида сақланмоқда.

## **Матн кўрки ва бадиий безаклари**

Васиқаларда ортиқча безаклар йўқ. Матн бир текис, чиройли хат билан тартибли ёзилган бўлса, ютуғи шунда.

Васиқаларни баъзан саводли, олди-берди қилиб юрган мансабдор кишиларнинг ўзлари битган. Кўпинча бу юмуш билан баҳши (ўтмишда котибни шундай аташган) ёки идора ходими (нотариус) шугулланар эди. Васиқаларнинг хат услубида ҳам бу нарса сезилиб туради: олди-берди қилиб турган кимсалар битган васиқаларнинг хат услуби оддий, баъзан қаторларида изчиллик йўқ, шошиб ёзилгани билиниб туради. Котиблар ёки идора ходими битган васиқалар эса тартибли, айримларининг хати чиройли, инжудай тизилиб туради.

Матндан ташқари, хужжатларга муҳр-тамғалар ёки кишиларнинг ўз тамғалари ёки белгилари кўйиб кетилган. Матнда булар *tamғa*, *nişan* ёки *belgى* деб аталган.

Тамға ва нишонларнинг кўйилиш тартиби бор. Кишиларга тегишли тамға ёки белги-нишон, одатда, васика охирлаганда кўйилган. Матнда унинг кимга тегишли эканлиги таъкидлаб ҳам кўйилади.

Давлат идораси ёки расмий кишиларга тегишли муҳр-тамғаларнинг кўйилиш тартиби бироз фарқли. Бунда васика ёзиб бўлингач, бир бетги бўлса, кўпинча, матннинг учта жойига: биринчи қаторнинг бошланишига, матннинг ўртасига ва сўнгти қаторнинг охирларига тамға босилган. Матн қоғознинг терс бетига ўтган бўлса, у ерда ҳам сўнгти қаторга тамға урилган. Баъзи хужжатларда матннинг бир нечта жойига муҳр-тамға уриб чиқилган.

Кишиларнинг шахсий белгилари беш қиррали, олти қиррали, саккиз қиррали юлдуз, шунингдек, турли чизиклар, геометрик шакллар кўринишида булиши мумкин. Улар ихтиёрий танланган булиб, қоидасини бир тизимга солиш қийин. Бундай белгилар, одатда, кичикроқ нарсаларнинг олди-бердиси учун тузилган васиқаларда учрайди. Нима бўлганда ҳам, улар юридик кучга эга эди.

Муҳр-тамғалар эса тўрт бурчакли, доирасимон, бодомсимон, саккиз бурчакли, яримойсимон ишланган булиб, ичига ўзига

хос услугда ёзув битилган. Мухр-тамғалар йирик олди-берди хужжатларида ишлатилар эди.

## Хат тури ва илк ўрта асрларда саводхонлик масаласи


Расмий хужжатларни, васиқаларни олди-берди қилиб турган кимсалар битадими, маҳсус бахшилар ёки идора ходими битадими, бундан қатъи назар, саводхонликка алоҳида урғу берилган. Афтидан, қўлидан келмаган кишилар бу ишга уннамаган чоги. Хати оддий ёки бир оз кўримсиз булиши мумкиндири, лекин матннинг имлоси, хатосиз, ёзма адабий тил ўлчовлари доирасида булишига эътибор берилган. Шунинг билан бирга, хужжатчиликда расмий матнлар учун ишлаб чиқилган стилистик ўлчов ва қолипларга амал килиниши керак эди.

Васиқалар илк ўрта асрларнинг туркий ёзма адабий тилида, ёзма адабий тилнинг расмий услубида битилган.

Фанда маълум бўлган хужжатларнинг тил ва услубий хусусиятлари илк ўрта асрларда турк жамиятида хужжатчилик ишлари ҳамда хукукий саводхонлик юкори даражада эканидан далолат беради.

Васиқалар учун, уйғур ёзувининг уч хил услуби танланган. Булар фанда яримквадрат (*полуквадратное*), яримкурсивли (*полукурсивное*) ва курсивли (*курсивное*) хат тури деб юритилади (*карасин*: УДД, 13). Ёзув услубларининг генезиси тўғрисидаги қарашлар ҳам қизикарли. Бунга кўра, ёзувнинг биринчи тури Кўчу беклигининг илк даврларида яратилган хужжатларда ишлатилган (X–XI юзийллар), учинчи хили мўғуллар салтанати даврига хос (XIII–XIV юзийллар), иккинчиси эса ўтиш босқичига тегишли эканлиги таъкидланади (*ўша жойда*).

Уч турга бўлинганлиги тўғри, бироқ курсивли (яъни югурик) хат турининг кейинчалик келиб чиқсан, дейилиши бир оз мuloҳазали. Сабаби, Кўчу беклигининг илк даврларида



яратилган деб чамаланаётган васиқаларнинг кўпли югурик хат туридадир. Англашиладики, илк босқичларда яримквадрат кўринишили хат тури билан бир қаторда, курсивли хатдан ҳам кенг фойдаланилган. Ёзувнинг яримквадрат услуби ҳам, курсивли услуби ҳам айтарли бир пайтда шаклланган. Қандай хат турининг танланиши кўпроқ котибнинг маҳорати ва ҳужжатнинг нечоғлиқ муҳимлигига боғлиқ эди. Ёзув техникасининг қийин-унғайлигига қараб, кейинчалик курсивли ёзув оммалашиб кетган.

Бунинг бошқа бир мисоли: Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиги билан Темур Кутлуг ёрлиги бир маданий муҳитда, Олтин Ўрдада яратилган; иккови ҳам ҳужжатчиликнинг классик намуналари саналади, лекин ҳар иккисининг хат услуби бошқа-бошқа. Демак, хат услублари ва унинг танланиши масаласида сўз юритилганда шу нарсалар ҳам инобатта олинмоғи керак.

Ёзув турларининг характерли белгилари қуйидагича:

Биринчиси ва энг оммалашгани ёзувнинг *югурик* (яъни *курсивли хат*) туридир. Бу хатдаги айрим матнлар ниҳоятда чиройли, ҳарфлари майда ва текис. Югурик хатда оддий қилиб битилган висиқалар ҳам кўп. Бу услугуб ҳамманинг қўли келадиган хат тури эди. Одатда, бу хат тури, учли йўнилган қамиш қаламда битилган.

Айрим висиқалар ёзувнинг классик китобий услубида (*яримквадрат / полуквадратное*) бўлиб, лекин уларнинг сони оз.

Ҳужжатчиликда кенг ёйилган яна бир хат услуби классик китобий услугуб билан оддий югурик хатнинг биркувидан келиб чиққан (*яримкурсивли / полукурсивное*). Бундай хат уни тўмтоқ йўнилган қамиш қаламда битилиб, ҳарфларнинг ёзилиш усулида бу нарса яққол кўриниб туради.

## ИККИНЧИ БҮЛІМ. МАТН ЛИНГВИСТИКАСИ

Эътибор қаратилаётгандын масалалар:

Илк ўрта асрларнинг васиқаларида ҳарф ва товуш мұноса-батлары.

Илк ўрта асрлардан қолған васиқалар тилининг фонетик трансформациясы.

Товушлар уйғунлиги ва унинг матнда акс этиш усууллари.

Матнлар тилининг морфологик интерпретациясы.

Васиқалар тилининг синтактик интерпретациясы.

Матнда гапларнинг чегарасини анықладаң олиш масаласи.

Гапларнинг мазмұнига күра турлары ва структураси.

### ВАСИҚАЛАР ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Үйгур алифбосидаги ҳарфлар полифоник хусусиятта эга: муайян ҳарф бир қанча товушни ифодалаш учун ишлатилған. Шунинг учун хам үйгур ёзувли матнларни транскрипцияға үгеришнинг үзігі яраша қийинчилігі бор.

Кузатувларға қараганда, ilk ўрта асрларда яратилған ёдгорликтар, хусусан, васиқалар тилемде түққизта унлы фонема ишлатилған. Булар: [a], [ä], [e], [i], [l], [o], [ö], [u], [ü].

Бу унлилар алифбодаги учта ҳарф – *alif*, *väv* ва *üä* билан ифода этилған. Шунга қарамай, үйгур ёзувда түркій тилнинг унлилар тизимиңдаги мұраккаб, үзігі хос хусусияттарни беріш имкониятлари мавжуд эди. Мұхым белгиси, йүғон ва ингичка унлиларнинг ёзувда фарқланишидір. Масалан, сөз бошида йүғон, орқа қатор [a-] ни ифодалаш учун *alif* құшалоқ ҳолда (ә), аксина, ингичка, олд қатор [ä- (~e)] эса бигте *alif* билан (ä) ёзилған. Еки *väv* ҳарфи барча лаб унлиларини ифодалашға хизмат қылған. Бунда сөз боши ва бириңчи бүғинда келувчи ингичка, лабланған [ü] – [ö] унлиларини ифодалаш учун *väv* га *üä* ҳарфи улаб кетилған: *lävän* *йсүпс*, *lävän* *küs* сүзларидаги

сингари. Йүғон [i] ва [o] унлилари эса бир *vāv* билан ёзилган: *id*, *otuz*, *qutluğ* сўзларидаги сингари.

Бунинг сингари имло хусусиятлари сўзнинг ингичка ёки йўғон ўзакли эканлигини билдириб туради. Бу имло хусусиятлари илк ўрта асрларнинг туркий ёдгорликларида қатъий амал қиласди (Биз тадқиқ этаётган васиқалар ҳам ана шу доирада туради). Бироқ, ўрта асрларга келиб, хусусан, XV юзийлликда Ўрта Осиё ўлкаларида яратилган битигларда бунга кўпда амал қилинмай қўйди: йўғон унлилар ҳам, ингичкалари ҳам бир хил ёзиладиган бўлди.

Махмуд Кошгари туркий тилдаги орқа қатор, йўғон [a] ни ифодалаш учун араб тиљшунослигидаги *išbā'* (яъни “йўғон”), олд қатор [*a~e*] учун эса – *išmāt* (яъни “ингичка”) атамасини қўлланган. Жумладан, *ا* сўзицаги *alif* ҳарфини икки хил талаффуз қилиш мумкин: агар уни йўғон унли сифатида талаффуз қилинса, “от (ҳайвон)” тушунилади, агар уни ингичка ўқилса, “эт, гўшт” бўлади. Ушбу фонетик ҳолат луғатда шундай берилган: *ات* – от; йўғон ўқиладиган *alif* билан (*bi 'išbā'i-l-alifi*) (МК.15a); *ات* – ингичка ўқиладиган *alif* билан (*bi 'išmāti-l-alifi*); эт, гўшт (МК.15a). Яна мисол: *اٹ* – *ew* – уй; ингичка *alif* (яъни [e]) билан (*bi 'išmāti-l-alifi*) (МК.27a).

Унлининг йўғонлигини билдирадиган *išbā'* атамаси билан изоҳланган сўзларга яна мисол: *اچ* *Uč* – йўғон *alif* билан (*bi 'išbā'i-l-alifi*); машхур бир шаҳарнинг оти (МК.15b); *تو* *to* – йўғон унли (яъни [o]) билан (*bi-l- 'išbā'i*), ундан тайёрланадиган овқатнинг оти (МК.268a).

Ёки *vāv* ҳарфи туркий матнларда тўрт хил унлини англаатади [o]–[ö] ёки [i]–[ü]. У ингичка унлиларни англаатганда, муаллиф уларга нисбатан *išmāt* атамасини қўллаган. Луғатда берилишига мисол: *اوٹ* *öt* – девор ва таҳтадаги ёриқ; *vāv* ингичка талаффуз қилинади (*bisammati-l-vāvi*) (МК.17b); *ۋۇد* *öd* – вақт, замон; *vāv* ҳарфи ингичка ўқиласди (*bisammati-l-vāvi*) (МК.17b).

Матнларда 1 ҳарфи [d] ундошини, шунинг билан бирга, [t] ни, ўрни билан, тишора [ð] ҳам ифода этади. Масалан, матнда *bitig* сўзи <-t-> билан эмас, <-d-> билан ~~бидиг~~ деб ёзилган. Биз буни *bidig* эмас, сўзниң талаффузига мос ҳолда *bitig* деб ўқиймиз. Ёки матнда ~~бидиг~~ яъни *bididim* ёзилган. Бу сўздаги биринчи <-d-> ни [t], иккинчисини эса [d] сифатида *bitidim* деб ўқиймиз, маъноси “битдим, ёздим” бўлади.

Ёзувда 2 ҳарфи эса [t] ундошини, шунинг билан бирга, [d] ни ҳам ифода этади.

Алифбодаги 3 ҳарфи жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошларини билдиради. Араб ёзувли туркий матнларда ҳам шундай: ҹ bā ҳарфи ҳар икковининг ўрнида ишлатилган. Айрим ҳоллардагина [p] ни фарқлаш учун уч нуктали ҹ дан фойдаланилган.

Бу борада кўк турк ёзувидаги матнни ўқиш анча кулай: ушбу алифбода уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: Ӑ ва Ӗ ҳарфлари жарангли [b~b] ни, 1 эса жарангсиз [p] ни англатади.

Араб ёзувли матнларда [b] ва [p] нинг bā ҳарфи билан берилгани, айрим сўзлар ва қўшимчаларнинг тарихий талаффузини тиклашда ҳатто мутахассисларни ҳам чалғитиб кўймоқда. Масалан, Алишер Навоий асарларининг ҳозирги нашрларида феълларнинг равишдош шакллари [b] билан берилади. Аслида илк ва ўрта асрларнинг туркий ёдгорликлари тилида равишдошларда жарангсизлашиб кучли бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги -b (-ib, -ib) аффиксли равишдошлар ўтмишда -r (-ir, -ir / -ur, -ur) фонетик вариантида талаффуз қилинган. Буни кўк турк ёзувли битиглар тилида ҳам ёрқин кузатиш мумкин. Шунга кўра, уйғур ва араб ёзувли туркий ёдгорликларни транскрипцияга ўтирганда равишдошларни *bilip*, *kelip*, *aytip*, *bašlap* шаклида жарангсиз [p] билан берилса, тўғри бўлади.

Туркий матнлардаги [b] ва [p] масаласида туркшунослиқда кўп баҳслар бўлган. Ҳатто бир пайтлар В. Радлов “Кутадғу

билиг”нинг уйғур ёзувли нусхасини транскрипцияга ўғирганда матндарги *beg*, *bilig*, *bitig* сўзларини жарангизлаштириб, *rek*, *pilik*, *pitik* деб берганди. Бу хатоликка ўз пайтида чек кўйилган. Ҳозир туркшунослиқда бу нарсалар анча изга тушшиб қолди.

Уйғур алифбосидаги Қ, яъни *kä* ҳарфининг вазифаси ҳам кенг: у жарангси [k] ва жарангли [g] ундошларини англатади. Араб хатида ҳам шундай: туркий матнларда *käf* ҳарфи ҳар иккала ундош учун ишлатилган. Бироқ, Махмуд Кошгариининг “Девону лугати-т-турк” асари кўлёзмасида, “Кутадғу билиг”нинг араб ёзувли Наманган нусхаси, “Хибату-л-хақойиқ”нинг араб ёзувли С кўлёзмасида айрим ўринларда “бу ҳарф жарангли [g] ни билдиради” деган маънода *käf* нинг устига уч нукта кўйиб кетилган. Масалан, “Девону лугати-т-турк” кўлёзмасида: ڭا ئىگە, яъни “доно” сўзида (МК.5a). Ёки چىپتا ли ئى تовуши ҳам ана шундай ҳарф билан берилган: ئى ئەي – янок; قىزلى ئەي – қизилмагиз (МК.16b); ئەي -- күш номи (МК.16b); ئەي ئەي – ўнг, олд (МК.16b); ئەي ئەي – ранг (МК.16b); ئەي ايش اوئى ئەي ئەي – ўнг иш (МК.16b); ئەي اوئى ئەي ئەي – ўнг (“сўл” нинг тескариси) (МК.16b).

Кўк турк ёзувида уларнинг ҳар бири учун айри-айри ҳарф бор: Қ ҳарфи жарангли [g] ни, Ҝ эса жарангси [k] ни англатади. Ёзувнинг кулайлигидан илк ўрга асрларнинг ёдгорликлари тилида *beg*, *bitig*, *bilig* сўзлари [g] билан талаффуз қилинганлигини билиш мумкин. Масалан, Тўнюкуқ битигида: Ҽ beg (Тўн.36), ҼYҬ bilig (Тўн.6); Кул тигин битигида: ҼHҬ bitig (К.И) ва б.

Уйғур ёзувли матнлардаги *kä* ҳарфи, шунингдек, арабий ёзувлардаги *käf* нинг [k] ёки [g] эканлигини аниқлашда грамматик асарларда келтирилган изохлар ҳам муҳим. Масалан, Махмуд Кошгари туркий сўзлардаги жарангли [g] товушини *käfim rakikatim* атамаси билан изоҳлаган. Арабча *rakika* аслида “ингичка” дегани, лекин у *käf* га нисбатан кўлланганда “жарангли” маъносини билдиради. Лугатда берилишига мисол: گۈگ küg – жарангли *käf* (яъни [g] билан)

(*bikäfin rakikatin*); шеър үлчови, вазни; масалан: *bu yür ne küğ üzäol* – бу шеър қандай вазнда? (МК.250b). Жарангсиз [k] га келсак, уни аввалгиси билан қориштириб юбормаслик учун, *käfün Sulbatün* атамаси билан берилган; *Suluba* асли “йүгон” дегани, лекин бу үринде “жарангсиз”ни билдиради. Масалан:  *Kok* – жарангсиз *käf* (яъни [k]) билан (*bi-l-käfi-s-Sulbatı*); “күк, осмон”. Бу сўз куйидаги мақолда ҳам келган: *Kokka südsä, yüzkä tüsür.* – “Күкка тупурса, юзга тушади” (МК.251a).

Демак, уйғур ёзувли битигларда *kä* ҳарфининг [k] ёки [g] эканлигини туркий тилларнинг фонетик-фонологик хусусиятлари, шунингдек, кўк турк ёзувли манбаларда ушбу сўзниң қандай келгани, араб ёзувли манбалардаги айрим ишоратлар ҳамда илмий асарлардаги изоҳларга таяниб тиклангани маъкул.

Ёзувда [q], [g], [x] ундошлари ҳам фарқланмайди: улар бир ҳарф билан ифода этилган: сўз бошида – ۋ, сўз ичида – ۇ, сўз охирида ۋ شаклларида. Лекин шунга қарамай, айрим матнларда, бошка товушлардан фарқлаш учун <q> нинг устига икки нуқта қўйиб кетилган: сўз бошида – ۇ, сўз ичида – ۆ, сўз охирида ۋ шаклларида.

Баъзи матнларда эса <q> нинг устига чизиқчасифат бир нуқта қўйиб кетилган (масалан, № 5- васиқада).

Турфондан топилган илк ўрта асрларда яратилган васиқалар фанда “шарқий диалектлар” деб аталаётган тил гурухига хос хусусиятларни акс эттиради.

Кўк турк битигларидаги *ben*, *tiŋ*, *bäŋü*, *biŋ* сингари [b-] билан бошланган сўзлар васиқаларда [m-] билан келган: *men* – мен (№ 4.18), *Mijsiz Qaşa* – атоқли от (№ 6.14). Ёки яна бир мисол: *mundin soŋgra* – бундан сўнг (№ 6.7–8).

Васиқаларнинг тили [d]- лашган тил. XV юзийлиқда яратилган эски ўзбек тили ёдгорликларида [y] билан келувчи сўзлар васиқаларда [d] билан келган: *ala ud* – ола ҳўқиз (№ 4.5), *ud yil* – сигир йили (№ 5.1), *üliš qıl(i)p qodmiš* – улуши қилиб қўйилган; ҳиссасига тушиган (№ 6.3).

Кўлёзмаларда бу сўзлар ፩ ҳарфи билан берилган. Лекин бу ўриндаги <đ> тишора [đ] нинг ифодаси бўлиши ҳам мумкин: масалан, мучал йил оти ~~عەد~~ *ud yil* (-иđ *yıl*) (№ 5.1); ~~قۇدۇش~~ *qodmış* (~*qođtış*) (№ 6.3) сингари. Чунки Махмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк” асарида ўн саккиз ҳарфли уйғур алифбосини келтириб, ҳар бирининг тагида араб ҳарфларидағи ўқилишини берган. Ўша ерда уйғур алифбосидаги ፩ ҳарфини арабча ظ، яъни <đ> билан изоҳлайди.

Илк ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликларида [d] ёки [đ] билан келган сўзлар, ҳозирги туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида [y] ёки [g] га ўзгарган: *айик*, *қуи*, *қайгу*, эзгу сингари. Лекин, айрим ҳолларда [d] лашган шакли ҳам учраб туради. Масалан, *кудуқ*, *иди* сўзларида. Бу ўринда *кудуқ* сўзи *қуи* дан ясалган (унинг қадимги шакли *qudi*). Қизиги шундаки, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида унинг ҳар учала шакли бор: *quduğ*, *duđıq*, *quuğ*.

Махмуд Кошғарийнинг ёзишича: *quuğ* – кудук. Бу сўзниң *quđıq* шакли ҳам бор (МК.259а).

Ёки бошқа бир ўринда унинг *quduğ* шаклига ҳам мисол келтирилган: *Qowî er quduğqa kirsâ, yel alîr.* – “Бахтсиз киши қудукқа тушса ҳам, қийнаш учун шамол уни қудукдан чиқариб олади” (МК.273а).

### Васиқалар тилида товушлар уйғулиги ва унинг ёзувда берилиши

Туркий тиллар, шу қаторда ilk ўрта асрлардаги туркий тил ҳам агглютинатив табиатлидир. Унда ўзак-морфема сўзниң бош англамиини белгиловчи бўлиб, унга бирикувчи аффикслар ўзакдан англашилган тушунчани аниклаштиришга, чукурлаштиришга хизмат қиласи. Сўзниң ўзаги ўзига қўшилаётган қўшимчаларни маъно жиҳатидангина эмас, товуш жиҳатидан ҳам ўзига бўйсундириб олади (қаралсин: Стеблева 2012,9). Бунга кўра, сўз йўғон ўзакли бўлса, унга қўшимчаларнинг ҳам

йүгон талаффузли варианtlари күшилади, сўз ингичка ўзакли бўлса, унга кўшимчаларнинг ҳам ингичка талаффуз килинадиган варианtlари күшилади. Шундай килиб, илк ўрта асрлардаги туркий тилнинг луғат таркибидаги сўзлар бутунича йўғон ёки ингичка талаффузли бўлади.

Яна, кўшимчалар ўзакдаги унлиниг лабланган-лабланмаган-лигига ҳам боғлик бўлади: ўзакдаги унли лабланган бўлса, кўшимча унлиси ҳам лабланган; ўзакдаги унли лабланмаган бўлса, кўшимча унлиси ҳам лабланмаган бўлади.

Кўшимчанинг жарангли ва жарангсиз ундош билан бошланувчи варианtlари ҳам бўлади. Сўзниг қандай ундош билан тугасига қараб, у ёки бу варианти танланади: сўз жарангсиз ундош билан тугаса, кўшимчанинг ҳам жарангсиз ундош билан бошланувчи варианти; сўз унли товуш, жарангли ундош ёки сонор билан тугаса, кўшимчанинг ҳам жарангли ундош билан бошланувчи варианти кўшилган. Шунга кўра, илк ўрта асрларнинг туркий ёдгорликлари тилида кўшимчаларнинг ози билан иккитадан, кейин тўрттадан, кўпи билан саккизтагача фонетик варианtlари амал қилган (*карапсин: Sodiqov 2009, 122–125*). Масалан, хунар эгасининг оти йўғон ўзакли сўзларга -*ci*, ингичка ўзакли сўзларга эса -*ci* кўшиб ясалган. Ёки қаратқич келишиги кўшимчаси -*pij*, -*pij* / -*pij*, -*pij*; сифат ясовчи кўшимча -*lig*, -*lig* / -*lug*, -*lug*; нарса-буюм отини ясовчи кўшимча -*qič*, -*gič*, -*kič*, -*gič* / -*quč*, -*gič*, -*küč*, -*güč* сингари фонетик варианtlарда ишлатилган.

Кўшимчаларнинг фонетик варианtlари ўзакнинг фонетик табиатига қараб танланган.

Яна бир жиҳати, уйғур хатида сўзниг ингичка ёки йўғон эканлиги маҳсус белгилар билан ҳам фарқланади.

Биринчиси, ингичка ёки йўғон унлиларнинг ёзувда фарқланишипидир. Бу ёзувда ингичка, олд қатор унлиларнинг маҳсус белгилари бор. Масалан, матнларнинг бирида кечган *tüz ülüslüg* сўз бирикмасини олайлик (№ 3.6): бу бирикмадаги *tüz* – “тўғри; текис” англамида; *ülüş* – “хисса, улуш”; *-lüg* эса сифат ясовчи кўшимча; *tüz ülüslüg* – “тенг улушли; баб-баробар” дегани. Ушбу сўз бирикмаси уйғур ёзувли матнда *bağ moğul*

шаклида ёзилган. Ушбу бирикмадаги *tüz* сүзи ҳам, *üluşlüg* ҳам ингичка талаффузли бўлиб, уларнинг ингичка талаффуз этилганлигига қўйидаги график белгилари сигнал бўлиб хизмат қиласди: *tüz* сўзидағи [-ü-] фонемаси [-u-] дан фарқли ўлароқ, ёзувда *vāv* ва *ua* билан () ёзилган; *üluşlüg* сўзида биринчи бўғиндаги [ü-] ҳам шаклидадир. Яна бир белгиси, *ülüs* сўзи ингичка ўзакли бўлгани учун унга сифат ясовчи кўшимчанинг ингичка *-lüg* варианти қўшилган. [i] унлиси эса, [ü] дан фарқли ҳолда, сўз бошида *alif* ва *vāv*, сўз ичидаги ёлғиз *vāv* билан ифода этилган: *id.* *qutluq* сўзларидағи сингари.

Ёки сўз бошида [a-] фонемаси [ä-] дан фарқли ўлароқ, кўшалок *alif* билан ёзилган: *ay*, *alti* сўзларидағи сингари. Чоғиширинг, [ä-] фонемаси битта *alif* билан берилган: *adgi* сўзидағи сингари. Таркибидаги <a-> ёки <ä-> га қараб сўзнинг ингичка ёки йўғон ўзакли эканлигини билиш мумкин.

Булардан ташқари, сўзларга қўшиладиган кўшимчалар ҳам сўзнинг ингичка ёки йўғон ўзакли эканлигини англатиб туради. Яъни йўғон ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам йўғон вариантлари, ингичка ўзакли сўзларга қўшимчаларнинг ҳам ингичка вариантлари қўшилади: *alti otuzqa, tuduqqa, ayaqqa tegimligka, baxsitaqqa, ilgali-tarigallı, yasadaqı qınqa, bitigtäki qınqa* сўзларидағи сингари.

## ВАСИҚАЛАР ТИЛИНИНГ МОРФОЛОГИК ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

**Келишик.** Илк ўрта асрлардан қолган васиқалар тилида еттита келишик ишлатилган.

Васиқалар тилида жўналиш келишигининг қўшимчаси *-qa*, *-ka* дир. Унинг *-ga*, *-gä* варианти илк ўрта асрларда яратилган битиглар учун унчалик характерли эмас. Бу нарса Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида келтирилган туркий ўрнакларда яхши кўринади.

“Девону луғати-т-турк”да келтирилган туркий ўрнакларда жұналиш келишигининг ингичка варианти *käf-u alif* билан ёзилған бўлиб, унинг -*kä* ёки -*gä* эканини аниқлаш қийин. Асарнинг илмий нашрларида жарангсиз ундош билан тугаган сўзлардан кейин кўшилганини -*kä*, жарангли ундош, сонор ёки унлидан кейин кўшилган ҳолдагиси эса -*gä* деб берилаётир. Мухими шундаки, асарда йўғон ўзакли сўзларга қаратқич кўшимчаси изчил ҳолда *qäf-u alif*, яъни -*qa* шаклида кўшилған. Бутун бошли асарда биттагина мисол -*ga* билан келган, холос. Шунга кўра, ингичка сўзларга кўшилған *käf-u alif* ни, жарангсиз ундош билан тугаган сўзлардан кейин ҳам, жарангли ундош, сонор ёки унлидан кейин кўшилған ҳолда ҳам -*kä* деб ўқилгани тўғри бўлади.

“Кутадғу билиг”нинг араб ёзуви Наманган ва Қоҳира нусхаларида ҳам шундай: йўғон талафузли сўзларга қаратқич кўшимчаси изчил ҳолда -*qa*, ингичка ўзак-негизли сўзларга эса -*kä* шаклида кўшилған.

Биз тадқиқ этаётган васиқаларда йўғон ўзак-негизли сўзларда *q*, ингичка ўзак-негизли сўзларда *k* шаклида кўшилған. Бунда [q] товуши кўпинча икки ёки бир нуқтали *q* билан берилади. Шунга кўра, жұналиш кўшимчасини йўғон-ўзак негизли сўзларда *q* шаклида ёзилған бўлса ҳам, транскрипцияда -*qa*, шунга мувофиқ ҳолда, ингичка ўзак-негизли сўзларда жарангсиз ундош билан тугаган сўзлардан кейин ҳам, жарангли ундош, сонор ёки унлидан кейин кўшилған ҳолда ҳам -*kä* деб олингани маъкул. Масалан: *Çimtsu ayağqa tegimligkä birkä iki berip, ağır qinqa tegirbiz.* – Хазрат Чинтсуга бирга икки бериб, ағир жазога тортиласмиз (№ 1-vasiқанинг 14v-16v- қаторлари).

Тушум келишиги -*nî*, -*ni* аффикси билан бир қаторда, -*n* (-*in*, -*in* / -*un*, -*ün*) аффикси билан ҳам ифода қилинган: *Tutquğ*

*kütüšin inča sözləş(i)miz.* – Эвазига түланадиган кумушини шундай келишидик (№ 2.5).

Васиқлар тилида, ўрни билан, тушум келишигининг қадимги *-ğ, -g (-iğ, -ig / -ug, -üg)* аффикси ҳам ишлатилган: *sekiz sütür kütüshüg men, Yuqa altüm* – саккыз сүтир кумушни мен, Юқа олдым (№ 8.6–7).

Чиқиш келишигиги *-iñ, -tin / -dìn, -din* билан бир қаторда, *-ta, -tä / -da, -dä* аффикси билан ҳам ифода этилади. Бу аффикснинг ўрин-пайтми ёки чиқиш келишигими эканлиги контекстта қараб аниқланади: *ayağqa tegimligtä kin tört yoli boş, öz köňülincä barsun.* – ул хазратдан кейин түрт түли очик, ўз истагича кетсин (№ 1.5–6).

Восита келишигиги *-n (-iñ, -in / -un, -üñ)* аффикси билан ифода қилинган: ... *biz, qat(a)ğ on kiçig qur sewig köňülün, seçü biligin* ... – ... биз, барча ўн кичик кур очик күнгил ва соғ ақл билан ... (№ 5.1–2). Бошқа бир мисол: *Bu Tütü atl(i)ğ oğul Čintsu ayağqa tegimligkä bar erginçä könin pişigün tapinip* – Бу Титсу отли ўғыл хазрат Чинтсуга бор эканида [ўла ўлгунича] чин тишиг хизматини қилиб (№ 1.4–5).

Илк ўрта асрларда яратилган васиқалар тилида ишлатилган келишик құшимчалари қуйидаги жадвалда көлтирилген:

№	Келишиклар	Келишик құнимчалари
1	Бош келишик	–
2	Қаратқыч келишиги	<i>-niñ, -niŋ / -niŋ, -niñ</i>
3	Жұналиш келишиги	<i>-qa, -kä</i>
4	Тушум келишигиги	<i>-ni, -ni; -n (-iñ, -in / -un, -üñ); -ğ, -g (-iğ, -ig / -ug, -üg)</i>
5	Урин-пайт келишиги	<i>-ta, -tä / -da, -dä</i>
6	Чиқиш келишиги	<i>-tin, -tin / -dìn, -din; -ta, -tä / -da, -dä</i>
7	Восита келишиги	<i>-n (-iñ, -in / -un, -üñ)</i>

**Сон.** Васиқаларда икki хонали сонлар икki хил тартибда берилған. Бириңчи ва энг кенг құлланувчи тартибга күра, аввал

бирлик айтилиб, ундан кейин шу сон құшилаётган үнлик эмас, балки ундан юқори үнлик айтилади: *alti otuz*, *beş yigirmi* сингари. Бу ерда: *alti otuz* деганда “йигирмадан ошиб, үттис сари олтита сон құшилди”, яғни “йигирма олти”; *beş yigirmi* деганда эса “ундан ошиб, йигирма сари бешта сон құшилди”, яғни “ун беш” англишилади. Бундай тартиб анча эски даврларга тегишли васиқаларда ишлатилған (масалан, № 1, 3-vasiқalap).

Иккінчиси, ҳозир ишлатилаётган тартиб бұлиб, унда аввал үнлик айтилиб, кейин унга құшилаётган бирликка күчилади: *yigirmi alti* сингари. Бу тартиб бир оз кейинги даврларга тегишли васиқаларда ишлатилған (масалан, № 6- васиқа). Аслида бу тартиб ҳам эски. Масалан, күк турк ёзувлы мангутошларда, кадимги будда нұм битигларида *yigirmi artuq i alti* шаклида келади, туркий тилнинг кейинги босқичларида эса үртадаги *artuq i* сүзи тушиб қолған.

Баъзи васиқаларда ҳар иккала тартиб ҳам ишлатилған. Масалан, № 5- васиқада бир үринде “22” сони *iki otuz* шаклида келған бұлса, бошқа бир үринде “17” сони *on yeti* шаклида келған. Бу нарса васиқа битилған даврларда ҳар иккала тартиб аралаш ишлатилғанини күрсатади.

Матнда сонлар тартибининг ишлатилишига қараб ҳам, васиқанинг анча эски ёки кейинги даврларга оид эканлигини аниқласа бўлади.

Ҳозирги “йигирма” сони васиқаларда *yigirmi* шаклида, ҳозирги *ettti*, *muk̄iz*, *üttiz* сингари ундошлари иккиланған сонлар эса *yeti*, *toquz*, *otuz* шаклларида бир ундош билан келади.

Маълумки, араб ёзувлы матнларда ундошлар тақрорланса, ҳарфнинг устига ташдид белгиси қўйиб кетилади. Масалан, *ikki* сүзи бир *käf* билан ёзилиб, устига ҳаракат қўйилади. Кўпинча ўшаниси ҳам қўймай кетилади. Уйғур ёзувлы матнларда эса бундай эмас: сўз бир ундош билан келса, бир ҳарф, ундоши иккиланғанда эса, иккита ҳарф билан ёзилған. Шунинг учун

сонлардаги ундошларнинг битта ёки тақорланган эканини айтиш қийин эмас.

Сонларга тартиб кўрсаткичи *-nč* (*-inč*, *-inc* / *-inč*, *-ünč*) шаклида қўшилган: *sekizinc*, *oninc*, *bir yigirminc* сингари.

Хозирги “иккинчи”нинг ўрнида *ekindi* ишлатилган.

**Феъл.** Ўзгага буйруқ феълга *-zun*, *-zün* / *-sun*, *-sün* қўшимчасини қўшиши билан ифода этилган: *ilmäsün-tartmasun* (*тортшиб олмасин*), *sawlari yorimasun* (*сузлари ўтмасин*) сингари.

Ёзма ёдгорликлар тилида *-zun*, *-zün* / *-sun*, *-sün* аффикси буйруқнигина эмас, истак, тилак, дуони ҳам билдиради. Масалан, *bolsun* феъли ана шундай англамдадир; у яхши маъноси сўзлар билан ишлатилганда, “эзгу истак амалга ошсин; рӯёбга чиқсан” деган маънода келади. Васиқаларнинг бирида *Qutluq bolsun* деган жумла ишлатилган (№ 5.3); бу “кутлуг бўлсин; муборак бўлсин” деган маънони англатади. Хозирги ўзбек тилида ҳам шундай: эзгу ният килиб, муборак бўлсин, *кутлуг бўлсин*, ёки ёшларни дуо қилганда ували-жували бўлсин, янги тугилган чақалокни изли-қутли бўлсин деймиз. Ёки *Худо сақласин*, *Ўзи асрасин* деймиз. Бунинг сингари тилак, дуоларда ҳам буйруқ эмас, истак маъноси бор.

Шарт кўрсаткичи ўзга бирлигига феълнинг бош шаклига *-sar*, *-sär* шаклида қўшилган: *ogrı tew qılsar* (*үргишик қылса*), *taplasar* (*истаса*), *bar ersär* (*бор бўлса*) сингари.

Бу кўрсаткич сўзловчи бирлигига хозирги ўзбек тилидагидек, *-sam* (<-sa+m) шаклида эмас, *-sar-men*, *-sär-men* шаклида қўшилади: *Men, Tıtsu yetä baxsimqa könı tapıtmadın ketäyin tesär-men*, *bu bitigtäki qinqa tegir-men*. – Мен, Титсу ҳам устозимга чин хизмат қилмай, кетаман десам, бу ҳужжатда белгиланган жазога торттишига розиман (№ 1.18v–20v).

Тингловчи бирлигига хозирги ўзбек тилидагидек, *-saŋ* (<-sa+ŋ) шаклида эмас, *-sar-sen*, *-sär-sen* шаклида қўшилади: *Töl(ä)č quruq q(a)lmay(i)n tesär-s(e)n, s(e)ndäki idiş bitigni berip, m(e)ňä cïn baş bitig qiliþ idgil*. – Тўловдан қуруқ қолмайин дессанг,

ўзингдаги тұлов ҳужжатини беріб, менга чин бош ҳужжат қилиб юборғыл (№ 10.11–14).

Бу құшимча тұғрисида Маҳмуд Кошгарий ёзади: *-sa*, *-sä* – шарт маъносини билдирадын құшимчадыр: *ol ewkä barsa* – у агар уйға борса; қачонки борса демақдир; *sen qaṣan barsa-sen* – агар сен борсанғ, каби. Бу фақат феълларға құшилады (МК.268b).

Кейинчалик *-sar*, *-sär* даги <-r> қисқарыб, *-sa*, *-sä* га айланған. Битигларда бунга ҳам мисол бор: *Borluqıñňiñ ornïnta borluq til(ä)sä-m(e)n*, *borluq beräyin tep turur*, *til(ä)m(ä)sä-m(e)n*, *bütip q(a)lip turur*. – Сендаги узумзорнинг ўрнига (жамоадан бошқа) узумзор сұрасам, узумзор берайин деб турибди, сұрамасам, битиб қолиб турибди (№ 10.7–10).

Мұхими, биз сүз юритаётган васиқаларда ҳар иккала шакли мавжуд булып, улар биридан бошқасыга үтиш жараёнини акс эттирган.

## ВАСИҚАЛАР ТИЛИНИНГ СИНТАКТИК ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

### Матнда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш масаласи

Матнни англашда, унинг мазмунини талқын қилишда гапларнинг чегарасини аниқлаб олиш мұхим масала. Құлёзма манбаларда тиниш белгилари ишлатылған эмас, шунинг учун ҳам, матнда гап чегарасини аниқлаш анча қийин иш.

Таъқидлаш үринлиki, үтмишда матндан гап чегарасини аниқлаб олиш үқувчининг билим ва тафаккурига, идрокига юқлатылар эди. Матнни ўқиётган киши унинг мазмуни, фикр тугаллигига таяниб, гап чегарасини аниқлаган.

Ёзма манбаларни илмий транскрипцияға үгирған олимлар, илк матнга таянған ҳолда, құпинча, тиниш белгиларини ишлат-майдилар. Бу тұғри йўл, чунки матнда йўқ нарсани илмий транскрипцияда бериш ҳам маъқул эмас. Бироқ, шундай

жумлалар бұладыки, тиниң белгиларисиз унинг мазмунини илғаб олиш мүшкүл. Ҳозирги үқувчи бундай мәғнни тушунишда адашади, уни тадқиқ этишдә чалғыйди. Шунинг учун ҳам құлөзмани илмий нашрға тайёрлаш жараёнида мутахассиснинг ўзи бирийла тиниш белгиларини күйиб, ғапларни чегаралаб кетгани маъкул. Гап чегарасини аниклашнинг эса ўзига яраша қоидалари, талаблари бор.

Ёзма манбаларда гап чегарасини аниклашдаги бош үлчов – мантық, фикр бутунлиги ва ғапнинг синтактикалық жиҳатдан шаклланғанлығидир (Содиков 2011,24–25). Ёзма ёдгорликларни ўқиётганда фикр тугаллиги, матн мазмуни ва туркій тиленінг синтактикалық хусусиятларини инобатта олган ҳолда ғапларни чегаралаб борамиз.

Мисол тариқасида Берлин құлөзмалар фондида Т.М.75 (U 5252) күрсаткичи остида сақланаётган қарзга күнжит олингандылығы түғрисидеги хужжатни (QTH № 11) күриш чиқамиз. Матн ўн бир қаторлы, уни Қайимту отли киши ёзған. Бир-икки ўринде тузатышлари бор. Масалан: 3- қаторда *qıtmı(r)* ёзіб юбориб, устидан *qayımtu* деб тузатылған; 5- қаторда *yaŋıqa* ёзіб, *-qa* құшымчасининг устидан *-ta* деб тузатылған. Шуларни инобатта олганда, матн куйидагича ўқиласы:

- (1) bičin yıl törtünč ay on
- (2) yaŋıqa meňä qimırqa tüşkä
- (3) künçit kergäk bolup qayımtudın
- (4) tört şıj künçit aldım küz
- (5) yaŋıta sekiz şıj künçit köni
- (6) berür men bergenčä bar yoq bolsa men
- (7) inim itapa anı tegilär bilä
- (8) köni bersünlär tanuq temir
- (9) tanuq seňä bu nišan men ita(pa)
- (10) nüj ol men qayımtu itaba(qa)
- (11) aytıp bitidim

Фикр бутунлиги, матн мазмуни, эски туркий тилнинг синтаксик хусусиятлари ушбу матнни кўйидаги гапларга ва тақтларга ажратишга имкон беради; тиниш белгиларини ҳам шунга мувофиқ тарзда қўйиб чиқамиз:

Biçin yil, törtünç ay, on yaŋıqa meŋä, Qimırqa, tüškä künçit kergäk bolup, Qayimtudän tört şıj künçit aldäm.

Küz yanğıta sekiz şıj künçit köni berür-men. Bergünçä bar-yoq bolsa-men, inim İtapa anı tegilär bilä köni bersünlär.

Tanuq – Temir, tanuq – Seňä.

Bu nişan men, İta(pa)-nij-ol.

Men, Qayimtu İtaba(qa) ayitüp bitidim.

М а з м у н и:

Маймун йили, тўртингчи ойнинг ўнинчи кунида менга – Қимирга, ишлатишга кунжит керак булиб, Қайимтудан тўрт шинг кунжит олдим.

Куз бошида уни саккиз шинг қилиб қайтараман. Бергунча бор-йўқ бўлсам [яъни борман-йўкман], иним Итапа уни уйдагилар билан аниқ берсингилар.

Гувоҳ – Темир, гувоҳ – Сенга.

Бу нишон мен, Итапаникидир.

Мен Қайимту Итападан сўраб ёздим [унинг оғзидан чиқсан сўзи бўйича ёздим].

### Васиқалар тилида кесим ва унинг ифодаланиши

Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида гапнинг кесими кўпинча феълдан тузилади. Урни билан, бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон ва б.) ҳам кесим бўлиб келуви мумкин. Бироқ, исмлар кесим бўлиб келганда, мухим бир ҳодисани инобатга олмоқ керак. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидан олинган *Бу уй чиройли ҳамда Менинг ниятим шу гапларининг тузилишига*

эътибор қаратайлик. Келтирилган иккала гапнинг кесими феъл эмас: биринчиси сифат, кейингиси олмош. Аммо ушбу гапларнинг кесими шуларнинг ўзи билан шакланаётгани йўқ. Уларда биз кесим деб санаётган сифат ва олмошдан кейин мантиқан таъкидни билдирувчи *-dir* боғламаси турибди: *Бу уй чиройли(dir)*; *Менинг ниятим шу(dir)*. Бунинг сингари мисолларни яна келтиришимиз мумкин: уларнинг ҳаммасида ҳам кесим ўрнида *-dir* қўшимчаси талаб этилади ва бундайин “от-кесимли” гапларнинг кесими мантиқан феълга қайтаверади.

Ҳозирги биз қўллаётган *-dir* боғламаси қадимги туркий тилдаги *turur* кўмакчи феълининг қисқарган шаклидир: *turur / durur > tur / dur > dir*.

Ёзма ёдгорликларда *turur* феълининг икки хил вазифаси бор: биринчиси, мустақил феъл бўлиб келади. Иккинчиси, кўмакчи феъл вазифасида ишлатилади.

Махмуд Кошгари феълнинг бу маъноларини яхши берган: “*er yuqaru turdi* – киши юқори турди”. Кошгари бу феълнинг келаси замон ва масдарини ҳам келтирган: *turur, turmaq*.

*Turur* кўмакчи феълига эса шундай таъриф беради: “*turur* – ўтган замон ва масдар шакллари бўлмаган келаси замон феълидир. Бу сўз бир нарса сўзланаётган вақтда ўз ўрнида барқарор эканини англатади. Чунончи, *ol ewdä turur*, яъни у уйда бор, демакдир. Бу гапда бу сўз “тик турмоқ” маъносида эмасдир ёки *er sögäl turur* – киши касалдир, демакдир. Бу ерда “тик турмоқ” маъносида эмасдир (МК.262b).

Ёзма ёдгорликлар тилида ҳам от-кесимли гаплар кўп ишлатилган. Табиийки, бундай гапларнинг кесими мантиқан *turur* феълини талаб қиласди.

Махмуд Кошгариининг “Девону лугати-т-турк” асарида шундай мақол бор: *Kül ürgünčä, köz ürsa yig.* – “Кулни пуфлагунча, чўғни пуфлаган яхши”. Муаллифнинг таъкид-

лалича, бу мақол кичик ишни ташлаб, катта ишга уринувчиларга қарата айтилған (МК.85b). Бу маколда *yig*, яғни “яхши” сұзи кесим вазифасыда. Лекин у мантиқан *turur* феълини ҳам талаб қиласы: *Kül ürgünčä, köz ürsä yig (turur)*.

Ёки бошқа бир мақол: *Neçä munduz ersä, eš eđgï, neçä egri ersä, yol eđgï*. Ушбу мақолнинг маъносини муаллиф шундай изоҳлаган: “Ёлғизлиқдан кўра, қанча аҳмоқ бўлса ҳам, ҳамроҳ яхши. Чўлда боши оққан томонга кетгандан кўра, қанча эгри, қингир-кийшиқ бўлса ҳам, йўл яхши. Чунки [йўлсиз мақсадга етиб бўлмайди] йўл орқалигина мақсадга етилади” (МК.115b). Мураккаб қўшма гап шаклидаги ушбу мақолда биринчи бош гапнинг эгаси – *eš*, иккинчи бош гапнинг эгаси – *yol*; ҳар иккала *eđgï* кесим бўлиб келган: *eš eđgï, yol eđgï*. Ҳар икки кесим ҳам мантиқан *turur* феълини талаб қиласы: *Neçä munduz ersä, eš eđgï (turur), neçä egri ersä, yol eđgï (turur)*.

Кесим сон бўлиб келишига мисол: *Er sözi bir, eđär köki üc*. Кошғарий бу мақолнинг мазмунини шундай изоҳлаган: Киши бир сўзли, қайтмайдиган бўлади. Эгарнинг чилвири учта бўлганидай, унинг ҳам, бунинг ҳам камайиш-кўпайиши ишни бузади. Бу мақол ваъдага вафо қилишга унда айтилади (МК.204a–b). Ушбу мақол ҳам қўшма гап шаклида бўлиб, унда *bir* ва *üc* сўзлари кесимдир; улар ҳам мантиқан *turur* феълини талаб қиласы: *Er sözi bir(tä turur), eđär köki üc(tä turur)*.

*Turur* феъли гапда кесимликни таъминлайди.

Васиқалардаги гувоҳларнинг исми-шарифи қайд этилган компонент, одатда, боғловчисиз қўшма гап шаклида берилиб, содда гапларнинг эга ва кесимлари ўзаро тенг муносабатли бўлади. Масалан: *Tatiq* – *Qutadmiš Qaya*, *tatiq* – *Seyicün* (Гувоҳ – Кутадмии Қая, гувоҳ – Сенгичун) (№ 2.25v–26v). Табиийки, бундай гапларда мантиқан *turur* феъли талаб қилинади.

Шу ўринда мухим бир мисол. Мунгсуз Қаянинг Турмиш Темурга берган тилхатида олди-берди тұғрисидаги маълумотдан сұнг, қоидага күра, гувохларнинг исми-шарифи қайд этилган. Ұша жойда кишилар үртасидаги келишув жараёни *söz*, унда гувоҳ бўлиб қатнашаётганлар *bu sözkä ... taniq* дея тилга олинади: *Bu sözkä Qora Qidar taniq, Küç-Temür, Ač-Buqa, Tügäl Q(a)ya, Buyan Q(a)ya taniq* (Бу сўзга Қўра Қидар гувоҳ, Куч-Темур, Ач-Буқа, Тугал Қая, Буян Қая гувоҳ) (№ 6.11–12).

Шунга биноан, юкорида келтирилган *Taniq – Qutadmış Qaya, taniq – Sejičün* гапининг тұлық тикланган күриниши (*Bu sözkä*) *taniq – Qutadmış Qaya (turur), taniq – Sejičün (turur)* ёки (*Bu sözkä*) *Qutadmış Qaya taniq (turur), Sejičün taniq(turur)* шаклида бўлади.

Битигларда *Qutluğ Čigsi-ben* (E.19.1), *Bilgä Tonuquq-ben* (Тұн.1) күринишидаги жумлалар ҳам ишлатилган. Буларнинг тұлық тикланган шакли: (*Ben*) *Qutluğ Čigsi (turur)-ben*, яни (*Мен*) Құтлуғ Чигси(дир)ман; (*Ben*) *Bilgä Tonuquq (turur)-ben*, яни (*Мен*) Билга Тұнюқұқ(дир)ман.

Матнлар тилида таъкид маъносидаги *-ol* бөгламаси ҳам кесимликни таъминлайды. Унинг вазифаси ҳозирги ўзбек тилидаги *-дир* га тұғри келади.

*Bu tamğa biz, ikagünij-ol.* – Бу тамға биз, иккимизницидир (№ 1.18v).

*Bu tamğa men, Tütsuniň-ol.* – Бу тамға мен, Титсуникидир (№ 1.20v).

## Гапларнинг мазмунига кўра турлари ва структураси

Васиқаларда гап тури хужжатнинг тури, мақсади, матн компонентларига қараб танланади. Яна гап тури ушбу жумла кимнинг тилидан айтилаётганлигига ҳам боғлик бўлади.

Масалан, олди-берди васиқаларида унинг тузилган санаси, сабаби, олди-бердининг микдори, битимнинг бошлангич шартлари, васиқа тузиш жараёнини кузатиб турган гувохлар, хужжат кимлар ўртасида тузилаётганини англатувчи маълумотлар дарак гап шаклида тузилади.

Берлин қўлёзмалар фондида Т.М.86 (U 5255) кўрсаткичи остида сақланаётган, Қайимтудан насияга бўз олинганлиги тўғрисидаги васиқада: *Tağığı yil, üçünč ay, beş yigirmikka meṛä, Marlanqa asığqa böz kergäk bolup, Qayimtudin üç yarım pu taš böz aldim. Yaŋıda yeti taš böz berür-m(en). Bermädin, kecürsär-men, el yaŋıncá asıği bila köni berür-men* (Товуқ йили, учинчи ойининг ийгирма бешинчи кунида менга, Марланга фойдаланиши учун бўз керак бўлиб, Қайимтудан уч ярим пу тош бўз олдим. Келаси ийлнинг бошида етти тош бўз қилиб қайтараман. Бермай, кечиктирсам, эл ийсинича ортиги билан бераман) (QTH № 14.1–9).

Белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг қўшимча кафолатланувини англатувчи маълумотлар эса буйруқ гап шаклида тузилади. Бунда буйруқ ўзгага қаратилган бўлиб, бир киши кўзда тутилганда, гапнинг кесими *-sun*, *-sun*, кўплиги *-sunlar*, *-sünlär* қўшимчаси билан ҳосил қилинади.

Яна ўша Қайимтудан насияга бўз олинганлиги тўғрисидаги васиқада: *Be(r)gincä bar-yoq bolsar-men, inim Sutyaširi anî tegilar bila köni bersünlär* (Бергунча бор-йўқ бўлсан [борман-йўқман], иним Сутяшири уни укалари билан бирга қайтарсанлар) (QTH № 14.9–12).

Қулларга эркинлик берувчи ёки мулкни сотиш билан боғлик ҳолда тузилган васиқаларда эса хужжат тузилаётган сана,

кимга эркинлик берилаётгани ёки мулк кимга сотилаётгани, хужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувохлар, хужжатни тузувчи кимса ҳақидағи маълумотлар дарак гап шаклида тузилади.

Күл ёки мол-мулкнинг бундан буёнги эгасига берилаётган доимий эгаликнинг кафолатланувини англатувчи жумлалар эса буйрук гап шаклида тузилади. Бунда буйрук ўзгага каратилган бўлиб, тасдик шакли бир киши кўзда тутилганда *-sun*, *-sün*, кўплиги *-sunlar*, *-sünlär*, инкор шакли эса бир киши кўзда тутилганда *-masun*, *-mäsün*, кўплиги *-masunlar*, *-mäsünlär* кўшимчаси билан хосил қилинади.

Масалан, Бадрун отли бойдан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги хужжатда: *Bu men satmiş kişikä miň yil, tüman künkä tegi Bädrün erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun. Bu kişikä čam-čarim qılımasun. Apam bir-ök erklig beg işi, elçi-yalawac küçin tutup, yulayin, alayin, tesärlär, bu kişi-teg iki kişi berip yämä (?) sözlari yorımasun. Çamlağuci kişilar qorluq bolsun. Bu bitig tuta Bädrün qorsuz bolsun* (Бу мен сатган кишига минг йил, туман кунга қадар Бадрин эгалик қиласин. Истаса, ўзи тутиб турсин, истамаса, бошқа кишига утказиб сотсин. Бу кишига зўравонлик қиласин. Агар бирор кимса ҳукумдор бекнинг, элчининг кучига таяниб, тортиб олайин, дегудек бўлса, бу одамга тенг келадиган икки киши бериб, яна сўзини утказмасин. Даъво қилувчи кишилар зарар кўрсисин. Бу хужжатнинг эгаси Бадрун зарар курмасин) (QTH № 4.12–20).

Матнда сўзловчининг кимлигини, унинг отини билдириб кўйиш мақсадида изоҳ бўлаклардан кент фойдаланилади. Бу нарса, ўз ўрнида, хужжатнинг легитимлигини таъминлашга ҳам хизмат киласи. Масалан, Бадрун отли бойдан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги хужжатнинг хулоса қисмида хужжатга урилган тамғанинг кимга тегишли экани шундай таъкидланган: *Bu nişan-tamga men, Baçan-tiňj-ol.* (Бу нишон-тамга мен, Бачанникидир) (QTH № 4.22).

Хужжатда хат битувчи ходим тұғрисидаги маълумот шундай берилган: *Men, Alap, Bačanqa yitčä aytüp bitidim* (Мен, Алан, Бачанга сұзма-сұз айтаб [яъни Бачанинг айтгандары буйича сұзма-сұз] битдім) (QTH № 4.23).

Васиқа сұнгыда жараённи кузатиб турған түрт нафар гувох ўз тамғаларини құйған. Бу нарса уларнинг тилидан қуидагича берилган: *Bu nišan men, tatiq Soxaunij-ol. Bu nišan men, tatiq Misir Qara Quznij-ol. Bu nišan men, tatiq Beg Temür Quznij-ol. Bu nišan men, tatiq Čaraq Silqanij-ol* (Бу ниишон мен, гувох Чахайникидір. Бу ниишон мен, гувох Мисир Қора Құзникидір. Бу ниишон мен, гувох Бег Темир Құзникидір. Бу ниишон мен, гувох Чарақ Силқаникидір) (QTH № 4.24–27).

Үтүз ҳамда Түйинчұғ отли кишиларнинг сұровсиз эр-хотин бўлиб олган қул ва жориялари устидан чиқарған ҳукми шундай бошланған: *Bars yıl, toquzuncay, alti otuzqa biz: Otuznij – Baltur atlığ temirci qarabaş; Toyincıgınıj – Aysılığ atlığ ewci-qarabaş bözci, bu ikägү, beg erlärinǵa aytmadın, er-ewci bolmişlar* (Барс йил тұққызинчи ойининг йигірма олтынчисіда биз – Ұтузнинг, Балтур отли темирчи қули, Түйинчугнинг Айсилға отли жория тұқувчиси, бу иккови (биз) бекларига айтмай, эр-хотин бўлиб олибдишар) (QTH № 30.1–6).

Васиқаларда уюшиқ бұлаклы гаплар ҳам кенг ишлатиласы.

Бунда гапнинг эгаси уюшиб келиши мүмкін. Масалан, Күш Темур отли кишининг бұз эвазига әкинлик ер олганини тасдиқловчи васиқада: *Biz, Tolu Qara, Misir Uluğ, İnc Qara, Misir başlap onluqlar, y(ä)mä bir qoymadın, tūgäl sanap aldımız* (Биз, Тұлу Қора, Мисир Улуг, Иңч Қора, Мисир бошчилігіда үн киши бирор нарса қолдирмай, тұғал санаң олдик) (QTH № 5.11–12).

Гапда кесим уюшиб келади. Масалан, Бадрун отли бойдан эллик икки түп бұз олиб, үрнига жория берилгани тұғрисидаги васиқада: *Bu satıǵ bözni bitig qılımıs kün ýzä men, Bädrün, bir eksüksüz tūgäl sanap, arılap berdim. Men (Bač)an yātä bir eksüksüz tūgäl sanap, arılap (a)ldım* (Бу сомылған бұзни ұхжектет түзилған кунида мен, Бадрун, сира қолдирмай, бутунлай санаң,

ажратиб бердим. Мен, Бачан ҳам сира қолдирмай, бутунлай санаб, ажратиб олдим) (QTH № 4.5–9).

Гапда иккинчи даражали бүлаклар уюшиб келади. Масалан, Бадрун отли бойдан эллик икки түп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги васиқада: *Apat bir-ök erklig beg iši, elči-yalawač kūčin tutup, yulayin, alayin, tesärlär, bu kiši-teg iki kiši berip yata (?) sözləri yorımasun* (Агар бирор кимса ҳукумдор бегнинг, элчининг кучига таяниб, тортуб олайин, дегудек бўлса, бу одамга тенг келадиган икки киши берив, яна сўзини ўтказмасин) (QTH № 4.15–18).

Васиқаларда жумлалар содда ва кўшма гап шаклида келади. Гаплар, ўрни билан, мураккаб кўшма гап шаклида ҳам тузилади. Масалан, васиқаларнинг илк компоненти мураккаб кўшма гап шаклида бўлиб, таркибида сабаб эргаш гапли кўшма гап қатнашади. Бунда эргаш гап воқеа-ходисанинг юзага келишига туртки бўлган сабабни кўрсатса, бош гап айни сабабдан келиб чиқкан натижани англатади.

Масалан, Қайимгудан тариқ (*yür*) олингандаги тўғрисидаги васиқа шундай бошланган: *Qoyn yil, ikinti ay, beš yanğıqa meňä, Toqatmaqa tüska yür kergäk bolup, Qayimtudin bir sıq yür aldım* (Кўй иили, иккинчи ойининг бешинчи куни менга, Тўнгамага экиб фойдаланиш учун тариқ керак бўлиб, Қайимтудан бир сик тариқ олдим) (QTH № 12.1–3).

Ёки Бадрун отли бойдан эллик икки түп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги ҳужжатнинг бошланиши: ...(*y*)il, aram ay, bir yanğıqa meňä, (*Baćanqa*) (*yuŋlaq*)lig böz kergäk bolup, Badründin el(ig iki) baǵlıg böz alıp, meniň Asan tigin (at)lig künjümti Badrunkä elig iki baǵlıg bözkä turǵu-tomlulu satdım. (...йил, арам ойининг биринчи куни менга, Бачанга ишлатиш учун бўз керак бўлиб, Бадрундан эллик икки боғлиқ бўз олиб, менинг Асан тигин отли жориямни Бадрунга эллик икки бағлиқ бўзга узил кесил сатдим) (QTH № 4.1–4).

Олди-берди васиқаларида белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг кўшимча кафолатланувини англатувчи, шунингдек, қул ёки мол-мулк

савдоси билан боғлиқ васиқаларда унинг бундан буёнги эгасига берилаётган доимий эгаликнинг кафолатланувини англатувчи жумлалар шарт эргаш гапли қўшма гап шаклида тузилади.

Гапдаги хабар сўзловчи ҳакида кетаётган бўлса, эргаш гапнинг кесими *-sar-men*, *-sär-men*, бош гап эса дарак гап шаклида бўлиб, унинг кесими *-ur-men*, *-ür-men* қўшимчаси билан берилади. Масалан, Қайимтудан насияга бўз олинганилиги тўғрисидаги васиқада: *Bermädin, keçürsär-men, el yañıncä asığı bilä köni berür-men* (*Бермай, кечиктирсан, эл йўсинича ортиги билан бераман*) (QTH № 14.7–9).

Баъзан эргаш гап сўзловчи ҳакида бўлиб, бош гап ўзгага қаратилади ва у буйруқ гап шаклида бўлади. Буйрук бир кишига қаратилган бўлса, кесими *-sun*, *-sün*, кўплиқда эса *-sunlar*, *-sünlär* қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Яна ўша васиқада: *Be(r)ginçä bar-yoq bolsar-men, inim Sutyasiri anı tegilär bilä köni bersünlär* (*Бергуңча бор-йўқ бўлсан [борман-йўқман], иним Сутяшири уни укалари билан бирга қайтарсинглар*) (QTH № 14.9–12).

Ёки Қайимтудан тариқ олингаилиги тўғрисидаги васиқада: *Bermädin, keçürsär-men, el yañıncä tüsü bilä köni bersünlär* (*Бермай, кечиктирсан, эл қоидаси бўйича ошиги билан берсинглар*) (QTH № 12.6–8).

Гапдаги хабар ўзга ҳакида бўлса, кесими *-sar*, *-sär* қўшимчаси билан ҳосил қилинади. Бадрун отли бойдан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги васиқада: *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adın kisikä ötkürү satsun* (*Истаса, ўзи тутшиб турсин, истамаса, бошқа кишига ўтказиб сотсин*) (№ 4.13–14).

Кўни Куз отли хўжайнинг Бурхан Кули отли қулига берган эрк хужжатида: *Bu kïntä minça Burxan Qulïnïj ya örü tağqa, qudi qumtqa barsar, öz köyülincä buyan berip yorisun.* (*Бугундан бошлаб Бурхан Кулининг (эрки ўзиди), юқори тоқقا (борадими), куий қўмга борадими, ўз кўнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин*) (QTH № 29.8–10).

Одатда, хужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувохлар икки-уч, баъзан тўрт кишидан иборат бўлади, шунинг учун улар тўғрисидаги маълумотлар, кўпинча, боғловчисиз қўшма гап шаклида келади.

Масалан, Бадрун отли бойдан эллик икки тўп бўз олиб, ўрнига жория берилгани тўғрисидаги хужжатда: *Bu bitigka taniq Čaxay, taniq – Misir Qara Quz, taniq – Beg Temir Quz, [taniq –] Caraq Sülqa* (*Бу ҳужжатга гувоҳ Чахай, гувоҳ – Мисир Қора Куз, гувоҳ – Бег Темир Куз, (гувоҳ –) Чарақ Силқа*) (QTH № 4.20–22).

Кўпинча бундай гапларда “гувоҳ” (*taniq*) сўзи билан бирга ўша гувоҳнинг исми-шарифи кўрсатиб қўя қолинади. Бунда содда гапларнинг бош бўлаклари – эга ва кесими ўзаро тенг муносабатли бўлади.

Масалан, Қайимтунинг ижарага узумзор олганлиги тўғрисидаги васиқада: *Taniq – Beg Buqa, taniq – Elci* (*Гувоҳ – Бег Буқа; гувоҳ – Элчи*) (QTH № 18.8–9).

Васиқаларда баъзи жумлалар кучирма гап шаклида хам тузилади. Масалан, Қайимтунинг эгалик қилиши учун берилётган ер ҳужжатида: *Bu yerka miy kün, tüman kün(kä t)egi Qayimtu e(rk)lig bolsun. Tapasar, özi tutsun, taplamasar, adin kisiča ötkurü satsun, tep bitig berdimiz* (*Бу ерга минг кун, туман кунга қадар Қайимту эгалиг қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига ўтказиб сотсин, деб ҳужжат бердик*) (QTH № 9.5–9).

## УЧИНЧИ БҮЛІМ. МАТН СТИЛИСТИКАСИ

### Эътибор қаратилаётган масалалар:

Илк ўрта асрларнинг васиқаларидә компонентларнинг берилиш усули.

Васиқаларда сұзловчи нутки ва унинг берилиши.

Васиқаларда расмий ва бадий услублар синкретизми.

Васиқаларда ишлатилған стереотип бирликлар ва уларнинг функционал хусусиятлари.

Стереотип бирликлар интерпретацияси.

Васиқалар қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, кулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун, кунжит сингари нарсаларни қарзға олиш билан боғлиқ, бұзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзға пул ёки олтингумуш олиш билан боғлиқ холатларда тузилған. Ұтмишдан қолған васиқаларни қуидаги түрларға ажратып мүмкін:

- (1) Кулға эркинлик бериш васиқалари;
- (2) Кулни сотиш васиқалари;
- (3) Кимса ёки нарсаны гаровға қўйиш васиқалари;
- (4) Васиятнома ёки мерос бўлиш васиқалари;
- (5) Бола асраб олиш васиқалари;
- (6) Экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш васиқалари;
- (7) Қарз олиш васиқалари;
- (8) Тавар-буюмни айирбошлаш васиқалари;
- (9) Олди-берди васиқалари;
- (10) Бошқа турдаги васиқалар.

Васиқаларнинг қолипи аниқ, уларда стереотип бирликлар, бошқа хужжатларга қараганда, күпроқ ишлатилади. Шунга кўра, васиқани “қолип-хужжат” деса бўлади.

## ВАСИҚАЛАРДА КОМПОНЕНТЛАРНИНГ БЕРИЛИШІ УСУЛИ

Васиқаларнинг компонентлари уларнинг турига боғлиқ.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усуллари тубандагыча:

**Васиқаларда сана(тарих, йил-ой-кун)нинг берилиши.** Юсуф Хос Ҳожиб “сана”ни *yıl-ay-kün* деб атаган: *Yıl-ay-kün keçär-teg tiriglig keçär.* – Тириглик йил-ой-кундек кечади (QBN.50b,8). *Yıl-ay-kün* “календарь, тақвим”ни ҳам билдиради. Шарқ манбашунослигига *yıl-ay-kün* ни *sana* ёки *ta'rix* дейилади.

Васиқалар ҳужжат тузилган кунни, яъни тарихни айтиш билан бошланади. Сана йил-ой-кун кетма-кетлигига, яъни башлаб йил, кейин йилнинг ойи ва ойнинг куни айтилади. Йил эскича турк-мучал тартибида: *ud yıl, it yıl, qoyn yıl* сингари. Ойлар эскича саноқ кетма-кетлигига: *birinc ay, ikinci ay, üçüncü ay, dörtüncü ay* сингари. Икки хонали сонга келганда *bir yigirmincay, iki yigirmincay* дейилади. Айрим васиқаларда ойлар буддавий отлари билан аталған: *aram ay* (биринчи ойнинг оти), *çaxşarat ay* (йил охирдаги ойнинг оти) сингари. Куни айтилганда, күпинча, *uçağıda* сўзи ҳам қўшиб қўйилади (*bir uçağıda* сингари), бу саноқ “(ойнинг) биринчи кунида” деган маънени англатади. Мана мисоли: *Toguz yıl, onuncı ay, altı y(i)g(i)rmikə* – Тўнгиз иили, ўнинчи ойининг ўн олтинчига кунида; *Qoyn yıl, aram ay, bir uçağıda* – Қўй иили, арам ойининг биринчи кунида.

Сана жўналиш қўшимчаси *-qa, -ka* билан қўлланса-да, бироқ “шу санада” деган маънени англатади. Сабаби, бу жумланинг давомида ҳужжат нима учун тузилаётгани таъкидланади ва *teşa* сўзи билан олинаётгандарса олимчига тегишшлилиги билдирилади. *Meşa* олмошидаги жўналиш шакли йил-ой-куннинг айтилишини ҳам ўзига мослайди.

**Васиқада қарз олинаётганилиги ёки мулк сотилаётганилигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-**

**шарифини күрсатиши.** Қарз олаёттан ёки мулкини сотаёттан бир киши бўлса, *teŋä*, икки ва ундан ортиқ киши бўлса, *bizkä* сўзи билан исми-шарифи ва нима учун, кимдан қарз олаётгани ёки кимга мулк сотаётгани кўрсатилади. Жумла сабаб эргаш гапли қўшима гап шаклида тузилади. Бу ўринда “ишлатиш учун” мазмунидаги *tüska*, қайта ишлашга олаётган бўлса, *yuŋlaqlıq* сўзлари ишлатилади; эргаш гапнинг кесими *kergäk bolup* шаклида, бош гапнинг кесими *aldım* (олдим), мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса *satdım* (сотдим) ёки *tuğuru-tumlütu satdım* (узил-кесил сотдим) шаклида тугайди. Сотувчиликар бир неча киши бўлса, кесим ҳам шунга мослашади. *Yuŋlaqlıq* – илк англамида “хом ашё; материал” дегани. Агар *yuŋlaqlıq böz* бўлса, “кийим-кечаклик бўз”; *yuŋlaqlıq tawar* бўлса “қайта ишлаш учун тавар” ва шунинг сингари маънолар англашилади. Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: ... *biziňä* – *Ozmış Toğrılqa, Tığalkä, yuŋlaqlıq böz kergäk bolup, Çöküddäki yerim(i)zni Enicük eçikä tuğuru-tumlütu satdım(i)z.* – ... бизга – Ўзмиш Тўғрилга, Тугалга, кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Чўкудаги еримизни Эничук акага узил-кесил сотдик (ТНТ № 1,2–3).

**Васиқада беримнинг нархини ва қайтимни келишув.** Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда сотилаётган ернинг нархи келишиб олинади. Сотув нархи тилга олинганда, кўпинча *inča sözlastım(i)z* деган ибора ишлатилади, бу “(нархини) шундай келишдик” дегани. Ернинг эвазига олинаётган нарса ўлчамию қийматигача аниқ-таниқ кўрсатилади; буни “(шу нархга) кесишдик” (*kesiştímiz*) деб таъкидлаб ҳам кўйилади. Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: *Satığ (b)özün (inča sözlaş)tim(i)z: Lükçün kedini yorır şıuluğ-(a)mğ(a)lığ yüz yetmiş ikiliğ yoğan bözkä kesiştím(i)z.* – Бўзнинг нархини (шундай битии)дик: Лукчунинг бозорида ўтадиган имзоли-тамгали юз етмиши тўп қалин бўзга кесишдик (ТНТ № 1,3–6).

Фоизи билан қарзга олинаётган нарсалар бўйича тузилган васиқаларда эса дон-дун ёки бошқа бир таварнинг қайтими, яъни унинг неча фоиз килиб қайтарилиши қўрсатиб қўйлади.

**Васиқада беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтаришувининг қўрсатилиши.** Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган дон-дун ва шунга ухшаш нарсалар учун тузилган васиқаларда беримнинг қачон ва қанча қилиб қайтаришуви ҳам қўрсатилади. Бунда гапнинг кесими кўпинча *köni berür-men* (аниқ қайтараман) бирикмаси билан тугайди. Масалан, Қайимту деган бойдан тарик (*yür*) олингандаги тўгрисидаги васиқада беримнинг кузда бир ярим баробар қилиб қайтарилиши қўрсатилган: *Kız yaŋıda bir yarıtm siq yür köni berür-men.* – Кузнинг бошида бир ярим сиқ тарис қилиб қайтараман (QTH № 12,4–6).

Ерни ишлашга олиш бўйича тузилган васиқаларда олинажак ҳосилнинг кимга қанчадан тегиши, улушки ҳам қўрсатилади.

**Беримнин қайтариш бурчининг қўрсатилиши.** Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқаларда қарз вақтида қайтаришмаса, эл қоидасича (*el yaŋıncə*) ошиғи билан берилуви таъкидланади. Мабодо, беримчи ўлиб-нетиб, берим қолиб кетгудек бўлса, унда иниси, бола-чақаси ёки яқинларига юкланади. Бунда шарт эргаш гап *Bergincə bar-yoq bolsar-men* (Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман])шаклида бўлади. Масалан, Қайимтудан тарик (*yür*) олингандаги тўгрисидаги васиқада ўқиймиз: *Bermädin, kecürsär-men, el yaŋıncə tüsi bila köni bersünlär.* *Bergincə bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqı anı tegilar bila köni bersünlär.* – Бермай, кечиктирсан, эл қоидаси бўйича ошиғи билан берсинлар. *Бергунча бор-йўқ бўлсам [борман-йўқман], иним Барчаки уни укалари билан қайтарсинглар* (QTH № 12,6–10).

**Васиқаларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтгалигининг қўрсатилиши.** Ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлиш билан боғлиқ висиқаларда оловчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб

олганини билдиради. Мұхими, бу жумлалар ҳар икки томоннинг ўз тилидан (нұтқидан) берилади. Жумладан, Үзмиш билан Тугалнинг ўз ерини Баса Тұғрилга хатлаб берганлари тұғрисида тузилған васиқада олди-берди шундай күрсатилған: *Bu üç otuz bözüg bitig qilmış kün üzä men, Basa Toğrıl tügäl berdim. Biz, (Ozmis) Tügäl birlä bir eksügsüz tügä(l) (aldı)m(i)z.* – *Бу йигирма уч (тұм) бұзни ҳұжәсат түзілған куни мен, Баса Тұғрил тұғал бердім. Биз, (Үзмиши) Тугал билан сира қолдирмай, тұғал олдик* (ТНТ № 2,6–9).

Мұлкнинг бутунлай сотилғанлыгини далилловчи жүмла. Мұлкнинг олди-бердиси билан boglyk васиқаларда ер ёки қулнинг бутунлай сотилғанлыгини билдириш учун *tiň yil tütän künkä tegi erklig bolsun* (минг иш туман күнга қадар әгалік қылсун), *tiň tütän yılıq tegi erklig bolsun* (минг туман ишлә қадар әгалік қылсун) сингари жумлалар ишлатилади. Бунда *tiň yil, tütän kün; tiň tütän yil* бирикмалари вактнинг ула-ұлгунча эканлиги, доимийлигини аңлатади. Яна, олувчи кимсанинг бундан бүеғіга эркинлигі ўзида эканини таъкидләш учун юқоридаги жумлага *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adın kişikä ötkürü satsun* (*Истаса ўзи тұтсун, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсан*) деб ҳам күшиб қўйилған. Бунинг билан ер ёки қулнинг янги әгасига бутунлай эркинлик берилмақда.

**Васиқаларда сотилаётган ернинг чегарасини күрсатиши.** Ер олди-бердиси билан boglyk васиқаларда узил-кесил сотилаётган ернинг чегараси (*yerniň sicisi*) ҳам күрсатиб қўйилған. Бунда ернинг тұрт ёғдаги чегараси, унинг кимларга тегишли жойлар билан туташуви аниқ берилади. Ҳужжатларда “тараф, томон” сұзи *үйәq* дейилиб, чегара ёқлари шунга күшиб айтилған: *öndün üyəq* – шарқ томон, *küntün üyəq* – жануб томон, *kedin üyəq* – ғарб томон. Мамлакат шимоли тоғлиқлар билан ұралгани учун, шимолни *tağdin üyəq* дейилған баъзи ҳужжатларда. Жумладан, Үзмиш Тұғрил ва Тугалнинг Чұкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тұғрисидаги ҳужжатда сотилаётган ернинг чегараси шундай

кўрсатилган: *Bu yerniј sičisi: öñdün yüjaq Beki, Bačaq, olarniј ögän, kūntün yüjaq Turmiš tuduňtuň yer, kedin yüjaq yol, taǵdin yüjaq Bekiniј, Bačaqniiј yer adırar. Bekiniј, Bačaqniiј qajlı yolı bu yerniј adaq-atiziňiј iċinta-ol.* – Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Беки, Бачақ, уларнинг ўзани, жсануб тарафдан Турмии тудунгнинг ери, гарб тарафдан йўл, тоз [шимол] тарафдан Бекининг, Бачақнинг ери айради. Бекининг, Бачақнинг арава йўли бу ернинг этагидаги атизнинг ичидадир (ТНТ № 1,17–21).

Йиг Буртнинг ўз ерини Кутлуғ Тапи отли кимсага хатлаб бергани тўғрисидаги васиқада ернинг чегараси қуйидагича белгиланган: *Bu yerniј sičisi: örü yüjaq ögän adırar. Öñdün yüjaq Toyičaq (?) yeri adırar. Qudi yüjaq ögän, Lusay yeriňa bargu ögän adır(a)r. Kedin yüjaq Yanyaq (?) İnal yeri adırar.* – Бу ернинг чегараси: шимол тарафдан ўзан айради. Шарқ тарафдан Тўйичак(нинг) ери айради. Күши (жсануб) тарафдан ўзан, (яни) Лусай ерига борадиган ўзан айради. Гарб тарафдан Яняқ Инал ери айради (ТНТ № 3,9–12).

**Васиқаларда олди-бердини кузатиб турган гувоҳларни кўрсатиш.** Тузилган васиқаларнинг якунида олди-бердини, ҳукуқий жараённи кузатиб турган кишилар ҳам кўрсатилади. Матннинг ушбу бўлаги хужожатнинг легитимлигини таъминлайди.

Гувоҳлар, ҳарқалай, қарз берувчи, мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса мулкни сотиб оловчи томонидан сайланган бўлуви керак. Бундай деяётганимнинг сабаби, Қайимту бахши деган кишининг ўзга кимсаларга қарзга бергтан дон-дуни, экин экиш учун изярага берган ери тўғрисидаги васиқалардан анчагина етиб келган (қаралсин: QTH № 10–12). Қизиги шундаки, уларнинг айтарли ҳаммасида ўша-ўша кишилар гувоҳ сифатида қатнашган.

Гувоҳлар, одатда, икки ёки уч, баъзан тўрт кишидан иборат бўлади. Бунда *taniq*, яни “гувоҳ” сўзи билан гувоҳларнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилади. Масалан, оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг олди-бердиларидан узилишгани

тұғрисидаги васиқада гувохлар шундай күрсатилған: *Tatiq – Alp Turmīš, tatiq – Y(a)rp Toğ[ır]ıl*. – Гувох – Алып Тұрмииш, гувох – Ярп Тұғрил (ТНТ № 6,11–12). Айрим хужжатларга гувохларнинг тамғалари ҳам құйиған.

**Васиқаларда хат битувчини күрсатиши.** Васиқалар сұнгыда олди-бердини хатта туширган, хужжатни битган кишининг оти ҳам күрсатилади. Хат битувчилар үз замонасасининг саводли, расмиятчиликни биладиган кишилари зди. Күпинча, бу юмушни маҳкама ходими (натариус) бәжарған. Айрим хужжатларни қарз берәётгап киши ҳам тузган. Хужжат битувчи охирида үзининг отини ҳам ёзиб құйған. Одатда, бу жумла унинг үз тилидан берилиб, битувчининг отидан кейин *ayüür bitidim*, баъзан *yinčka ayüür bitidim* деб таъкидланади. Бунда *ayüür bitidim* дегани “қарз олувчи ёки хужжат туздираётгап кишининг айтғанлари, айтиб турғани бўйича ёздим; сўраб ёздим”, *yinčka ayüür bitidim* эса “унинг айтғанлари бўйича сўзма-сўз ёздим; айтғанларини сўзма-сўз сўраб ёздим” деган маъноларни англатади; *yinčka ау* – “сўзма-сўз, бирма-бир, шошмай, дона-дона қилиб айтмоқ” дегани.

*Yinčka~yinčka* – “секин, охиста; босик, вазмин” дегани (*yinč~yinč* сўзидан). “Кутадғу билиг”дан чоғишитиринг: *Bulardın biri qazı, yinčka, arığ*. – Булардан бири босиқ ва пок қозидир (QBN.192b,5). Ёки: *Bodun inčka tegdi, yarudi kumi*. – Халқ осойишталикка етишади, куни ёруғ булади (QBN.192b,5).

Масалан, Үзмиш Тұғрил ва Тугалнинг үз ерларини Эничук акага, бошқа бир ерни Баса Тұғрилга хатлаб берганлари тұғрисидаги васиқаларнинг иккаласини Чукый Тұңг деган кимса тузган. *Men, Ciküy Toŋ ayüür bitidim* (Мен, Чикуй Тұңг сўраб туриб [уларнинг айтғанлари бўйича] ёздим) дея таъкидланади васиқаларнинг сұнгыда (ТНТ № 1,24b; ТНТ № 2,23).

**Васиқанинг ҳуқуқийлигини таъминловчи белгилари.** Вақиқа – расмий-хуқуқий хужжат. Қуидаги белгилари унинг расмийлиги, ҳуқуқийлиги, ишончлилигини таъминлашпа хизмат қиласы:

- Васиқаларда унинг тузилган куни, санаси албатта кўрсатилади.
  - Уларда қарз олаётган, қарз бераётган кимсалар, карзниң қайтарилишини кафолатга олаётган киши, шунингдек, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, ҳатто ҳужжатни битувчи кимсанинг оти ҳам кўрсатилади. Бадий асарлардаги персонажлардан айрича ўлароқ, улар ўша замонда яшаб турган кимсалардир.
  - Насияга олинаётган нарса-буюмнинг ўлчови, унинг қачон ва неча ҳисса қилиб қайтарилиши аниқ кўрсатилади. Вақтида тўланмай қолса, юрт қоидасига кўра, кўшимча толовга тортилиши ҳам таъкидлаб қўйилади.
  - Мабодо, бирор кор-хол бўлиб, қарз тўланмай қолғудек бўлса, беримчининг яқинлари уни албатта тўлаши ёзиб қўйилади.
  - Мулк сотувида эса, келажакда олимчидан уни ҳеч кимса, ҳатто бекларнинг кучига таяниб ҳам, даъво қила олмаслиги, олимчининг эрки бутунлай ўзида эканлиги кафолатланади.
  - Ер сотилаётганда унинг майдони, чегаралари аниқ кўрсатилади.
  - Ер ижарага берилаётганда унга кетадиган уруғлиқнинг пулини, ер-мулк солигини кимлар тўлаши аниқ белгилаб қўйилади.
  - Васиқага беримчининг (қарз тўловчининг), гувоҳларнинг нишони, тамғалари босилади. Уларнинг айтган сўзи тамғалар билан тасдиқланади.
  - Ҳужжат тузишда қатнашаётган кишиларнинг сўzlари уларнинг ўз тилидан келтирилади. Ҳужжат бир неча кишининг (юридик кимсаларнинг) нутқидан тузилади. Бу ҳам ҳужжатнинг ишончлилигини, легитимлигини оширади.

## ВАСИҚАЛАРДА СЎЗЛОВЧИ НУТҚИ ВА УНИНГ БЕРИЛИШИ

“Сўзловчи нутки” дейилганда матн кимнинг тилидан битигланилиги тушунилади. Ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликларда нутқ масаласига жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида яратилган Тўнюкуқ битиги муаллифнинг ўз тилидан баён этилган. Ёки тарихчи ва адаб Йуллуғ тигин каламига мансуб Кул тигин ҳамда Билга хоқон битигларида (биринчиси 732 йил, кейингиси 735 йил) матннинг катта бир кисми Билга хоқон тилидан баён этилди.

Расмий хужжатларда сўзловчи нутки масаласи, хужжатнинг турига қараб, ажралиб туради. Жумладан, хон ва сultonларнинг ёрлик ҳамда дипломатик мактублари уларнинг ўз тилидан тузилади (тўғрироғи, баҳши ёки котиб уларнинг айтиб тургани бўйича ёзади. Васиқанинг охирида хат битувчининг ўзи *аутир bitidim*, яъни “сўраб ёздим” деб таъкидлаб ҳам қўяди). Васиқалар эса бундан фарқли. Уларда нутқ матн компонентлари билан боғлик ҳолда танланади. Масалан, қулга эркинлик бериш васиқаларида матн, одатда, эркинлик берувчи кимса тилидан (нутқидан) тузилади. Ёки олди-берди хужжатларида матн беримчи тилидан (нутқидан); ерни сотиши васиқаларида эса сотувчи нутқидан тузилади. Лекин пулни ёки айирбошланаётган нарсани санаб олаётган олимчининг матн орасидаги сўзи, гувоҳларнинг ва хат битувчининг васиқа якунидаги сўzlари уларнинг ўз нутқидан келтирилади. Бу нарсаларнинг бари хужжатнинг легитимлиги, ишончлилиги, ҳаққанийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Васиқаларда сўзловчи нутқининг берилиш тартибини ҳозирда Россия ФА Шарқ кўлёзмалари институтида SI 4716 (SI 0/54) кўrsatкичи остида сақланаётган Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарзга кумуш олиб, эвазига ўз ўғлини ишлаш учун топширганлиги тўғрисидаги васиқа мисолида кўриб чиқамиз (матнлар бўлимидағи № 2- хужжат).

Матндан сўзловчи нутқини белгилаш учун, бошлиб, ушбу битимга аралашаётган кимсалар аниқлаб олинмоғи керак. Масалан, ушбу васиқани тузишда қатнашаётган юридик кимсалар кўйидагилар:

(1) Чинтсу Шиладан кумуш қарз олиб, эвазига ўз ўғлини ишга топшираётган Қайтсу тудунг;

(2) Қайтсу тудунгга кумуш қарз бериб, эвазига унинг ёш ўғлини ишга ёллаётган Чинтсу Шила;

(3) Гувоҳлар икки киши: Қутадмиш Қая ва Сенгичун;

(4) Ҳужжатни тузувчи Буян Қая. Васиқанинг тартибли ва чиройли хат билан ёзилганига қарагандা, ҳарқалай, бу кимса котиб ёки давлат идорасининг ходими (нотариус) бўлуви керак.

Муҳими шундаки, васиқани тузишда қатнашаётган кишиларнинг айтаётган сўзи ҳужжатни тузувчи Буян Қая тилидан эмас, уларнинг ўз тилидан (нутқидан) берилади. Бу нарса васиқанинг легитимлиги билан боғлик: матн компонентларининг олди-берди жараёнида қатнашаётган юридик кимсаларнинг ўз тилидан берилиши ваъданинг ҳаққонийлиги, ҳужжатнинг ишончлилигини таъминлайди. Яна расмий нутқининг таъсири ҳам ошади.

Матн ўз мазмунига кўра кўйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчи компонент: Қайтсу тудунгга олди-берди учун кумуш керак бўлиб, ўз ўғлини Чинтсу Шилага ишга топширганлигининг таъкиди:

*Tojuz yil, aram ay, on yaŋıqa teŋä, Qaytsu tudunqqa yuŋlaqlig kümüs kergäk bolup, özümtä tuğmisi Tüsü atl(i)g oğlumni Čintsu Šilaqa üç yülliq tutquğ berdim. – Тўнгиз йили, арам ойининг ўнинчи куни менга, Қайтсу тудунгга ишлатиш учун [яъни савдо-сотикқа] кумуш керак бўлиб, ўзимнинг туққан Титсу отли ўғлимни Чинтсу Шилага уч йил муддатга ишлатиш учун бердим (матннинг 1–4- қаторлари).*

Иккинчи компонент: Қарзга олинаётган кумушнинг миқдори:

*Tutquğ kümüşin ińča sözlaشت(i)miz: on satır kümüşkä tutquğ berdim.* – Эвазига тұланадиган кумушни шундай келишидик: (үглемни) үн сатир кумуш учун бердим (5–6- қаторлар).

Учинчи компонент: Икки киши орасыда кумуш олди-бердисининг бўлиб ўтганлиги:

*Bu on satır kümüşni bitig qilmiš kün üzə men, Qaytsu tu(dıñ) tügäl tartıp aldım.* – Бу үн сатир кумушни васиқа тузилган куни мен, Қайтсу тудунг тугал ўлчаб олдим (6–8- қаторлар).

*Men, Çintsu Šila, yetə bir eksügsüz tügäl berdim.* – Мен, Чинтсу Шила ҳам ҳеч бир камчилексиз тугал бердим (8–9- қаторлар).

Тўртингчи компонент: Ишга ёлловчи томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури:

*Bu oǵulq(i)yaqa bir yulta bir üm, köküsmäk, bir qay, bir iyuq c(a)ruq, iki yulta bir căkräk, üç yulta bir böرك bilä berür-men.* – Бу ўғилчага бир йилда бир шитон, нимча, бир жуфт этик, бир жуфт чориқ; икки йилда бир пахта матоли қўйлак; уч йилда бир бўрк билан берурман (9–12- қаторлар).

Бешинчи компонент: Ишга топширилаётган ўғилчанинг йўл қўяjak қилмишларига кимлар жавобгар экани:

*Oǵulq(i)ya Çintsu Šilanıň ewindäkilar bilä yorıp, oǵri tew qılsar, tutğı qapğı, yoq itük qılsar, men, Çintsu Šila başıňja bolur.* – Агар ўғилча Чинтсу Шиланинг уйидагилар билан юриб, ўғрилик-эгрилик қиласа, молдан юлиб, зиён етказса, мен, Чинтсу Шиланинг гарданимга бўлади (13–15- қаторлар).

*Yalıňuz yorıp, oǵri tew qılsar, yoq-itük qılsar, men Qaytsu tu(dıñ) başıňqa bolur.* – Ёлғиз юриб, ўғрилик-эгрилик қиласа, зиён етказса, мен Қайтсу тудунгнинг гарданимга бўлади (15–16v- қаторлар).

Олтинчи компонент: Үғилча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқажаги:

*Igläsär, yeti künki tün-as men, Čintsu Šila berür-men.* – Касал бўлиб қолса, етти қунлик куюқ-суюгини [сўзма-сўз: шўрваси билан ошини] мен, Чинтсу Шила берурман (17v–18v-қаторлар).

*Yeti kündin kečsär, men, Qaytsu tu(duñ) egäläp alip, kün eksükin köni berür-men.* – Етти қундан ўтса, мен, Қайтсу тудунг ҳар қунги чиқимини қоплаб, албатта тўлайман (18v–19v-қаторлар).

Еттинчи компонент: Касал бўлиб ўлса, олинган карзни ким ва қай миқдорда қоплаши:

*Igläp ölsär, yarım tawari ölür, yarım tawari tirilür. Tirildäci tawar yana men Qaytsu tu(duñ) ïzä bolup, köni berür-men.* – Касал бўлиб ўлиб қолса, ярим моли ҳам ўлади [қарзнинг ярми ҳисобдан чиқади], ярим моли қолади [ярми тўланади]. Сакланиб қолган моли яна мен, Қайтсу тудунгнинг елкамда бўлиб, (уни) аниқ тўлайман (20v–22v- қаторлар).

Саккизинчи компонент: Уч йилга қадар васиқа ўз кучида қолажаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажак жариманинг миқдори:

*Üç yıl tūgāmagincā, öntürmäz-men. Apam öntür[ür]-men, tesär-men, bu künüs-ök bermis küntin berüki asığı bilä köni berür-men.* – Уч йил тугамагунча, сўзимдан кечмайман. Агар сўзимдан кечдим, дегудек бўлсан, бу кумуш берилган қундаги ҳужжат бўйича фойдаси билан албатта қайтараман (22v–25v-қаторлар).

Тўққизинчи компонент: Олди-бердини расмийлаштиришни кузатиб турган гувоҳлар:

*Tatiq – Qutadmış Qaya, tatiq – Sejicün.* – Гувоҳ – Кутадмиш Қая, гувоҳ – Сенгичун (25v–26v- қаторлар).

Үнинчи компонент: Битимнинг қарз олувчи томонидан тамға билан тасдиқлаб күйилганилиги:

*Bu tamǵa men, Qaytsu tu(dıŋ)niŋ-ol.* – *Бу тамға мен, Қайтсу тудунгницидир* (26v- қатор).

Үн биринчи компонент: Ҳужжатни битувчи кимсанинг оžти:  
*Buyan Q(a)ya bitidim.* – *Буян Қая өздім* (26v- қатор).

№	Матн компонентларининг мазмуни	Матн кимнинг тилидан битилгани
1	Қайтсу тудунгга олди-берди учун кумуш керак бўлиб, ўз ўглини Чинтсу Шилага ишига топширганилигининг таъкиди	Қайтсу тудунг тилидан
2	Қарзга олинаётган кумушининг миқдори	Қайтсу тудунг тилидан
3	Йкки киши орасида кумуш олди-бердисининг бўлиб ўтганилиги	Қайтсу тудунг ва Чинтсу Шила тилидан
4	Ишига ёлловчи томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури	Чинтсу Шила тилидан
5	Ишига топширилаётган ўғилчанинг йўл қўяксак қўшимшиларига кимлар жавобгар экани	Чинтсу Шила ва Қайтсу тудунг тилидан
6	Ўғичча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқажасаги	Чинтсу Шила ва Қайтсу тудунг тилидан
7	Касал бўлиб улса, олинган қарзни ким ва қай миқдорда қоплаши	Қайтсу тудунг тилидан
8	Уч ишга қадар васиқа ўз кучида қолажасаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажсак жариманинг миқдори	Қайтсу тудунг тилидан
9	Олди-бердини расмийлаштиришини кузатиб турган гувохлар	васиқани битувчи тилидан
10	Битимнинг қарз олувчи томонидан тамға билан тасдиқлаб күйилганилиги	Қайтсу тудунг тилидан
11	Ҳужжатни битувчи кимсанинг оти	vasiqani bituvchi tiliidan

Олди-берди учун кумуш керак булиб, Чинтсу Шиладан қарз олингани ва эвазига ўз ўғлини унга ишга топширганлиги тұғрисидаги **бошловчи** хамда қарзга олинаётган кумушнинг микдори күрсатилган **иккинчи компонент** Қайтсу тудунг тилидан берилган:

*Toqız yıl, aram ay, on yaŋıqa meňä, Qaytsu tuduňqa yuylaqlıq kümüs kergäk bolup, özümtä tuğmäs Tıtsu atl(i)ğ oglumni Ćintsu Sılaqa üç yilliq tutquğ berdim.*

*Tutquğ kümüsiniñ inča sözlast(i)miz: on satır kümüşkä tutquğ berdim.*

Икки киши орасыда кумуш олди-бердисининг булиб ўтганлиги тұғрисидаги **учинчи компонент** икки киши тилидан берилган. Бунда Қайтсу кумушни тугал санаб олганлигини таъкидлайды: *Bu on satır kümüsni bitig qılmış kün üzä men, Qaytsu tu(dıñ) tūgäl tartıp aldım.*

Унга кумуш топширилғанлиги эса Чинтсу Шиланинг тилидан берилган: *Men, Ćintsu Sıla, yemä bir eksügsüz tūgäl berdim.*

Ишга ёлловчы томонидан ўғилчага бериб туриладиган кийим-кечакларнинг сони ва тури күрсатилган **тұрткынчи компонент** Чинтсу Шила тилидан берилган: *Bu oğulq(i)yaqa bir yulta bir üt, kóküzmäk, bir qay, bir iuuq č(a)ruq, iki yulta bir cakräk, üç yulta bir böرك bila berür-men.*

Үғилчанинг бундан буёнги килмишларига кимлар жавобгар экани тұғрисидаги **бешинчи компонент** ҳам икки киши тилидан берилади. Чинтсу Шиланинг уй ичидагилар билан билан боғлиқ ҳолда бирор кориҳол бўлса, Чинтсунинг ўзи жавоб беради. Бу шарт унинг ўз тилидан берилган: *Oğulq(i)ya Ćintsu Sılanıñ ewindäkilar bila yorıp, öğrenci tew qilsar, tutğu qapğı, yoq itük qilsar, men, Ćintsu Sıla basıňa bolur.*

Бола ёлғиз юриб, бирор кориҳолга йўлиkkудек бўлса, унга боланинг отаси жавобгар. Келишувнинг бу банди Қайтсу тудунг тилидан берилган: *Yalıňuz yorıp, öğrenci tew qilsar, yoq-itük qilsar, men Qaytsu tu(dıñ) basıtmqa bolur.*

**Олтинчи компонентда** ўғилча касал бўлиб қолса, кимлар уни боқажаги тўғрисида сўз боради. Бу шартнинг ижроси икки кишига юклатилган. Етти кунгача уни ишга ёллаган кимса қарайди. Васиқанинг ушбу банди Чинтсу Шиланинг тилидан берилган: *Igläsär, yeti künki mün-aš men, Cüntsü Šila berür-men.*

Етти қундан ўтса, отасига юклатилади. Битимнинг бу банди отаси Қайтсунинг тилидан берилган: *Yeti kündin kečsär, men, Qaytsu tu(dun) egäläp alip, kün eksükön köni berür-men.*

**Еттинчи компонент** бола касал бўлиб ўлса, қарз олинган кумушни ким қоплаши тўғрисида. Бундай ҳолда, кетган харажат иккига бўлинади: бир қисмидан воз кечилади, иккинчи ярми барибир қайтарилади. Бу банд мажбуриятни ўз елкасига олаётган Қайтсу тилидан берилган: *Igläp ölsär, yarım tawarı olur, yarım tawarı tirilür. Tirıldacı tawar yana men Qaytsu tu(dun) üzä bolup, köni berür-men.*

Уч йилга қадар васиқа ўз кучида қолажаги, битим бузилган тақдирда зиён учун тўланажак жариманинг миқдори кўрсатилган **саккизинчи компонент** ҳам Қайтсу тилидан берилган: *Üç yıl tıgämäginčä, öntürmäz-men. Apat öntür[ür]-men, tesär-men, bu kümüs-ök bermiş küntin berüki asığı bild köni berür-men.*

**Тўққизинчи компонентда** олди-бердини расмийлаштиришни кузатиб турган гувоҳларнинг оти кўрсатилган. Бу компонент васиқани битувчи тилидан берилган: *Tanıq – Qutadmiš Qaya, tanıq – Sejicün.*

Битимнинг қарз оловчи томонидан тамға билан тасдиқлаб кўйилганлиги тўғрисидаги **ўнинчи компонент** Қайтсу тудунг тилидан битилган: *Bu tamğa men, Qaytsu tu(dun)tiŋ-ol.*

Хужжатни битувчи кимсанинг оти қайд этилган **сўнгти компонент** котибнинг ўз тилидан битилган: хат битувчи матннинг охирига *Buyan Q(a)ya bitidim* деб ёзиб қўйган.

## ВАСИҚАЛАРДА РАСМИЙ ВА БАДИЙ УСЛУБЛАР СИНКРЕТИЗМИ МАСАЛАСИ

Одатда, расмий услугуб ўзининг аниқ ва равшанлиги, кўчма маъноли сўзлар, фразеологик бирикмалар, тасвирий ифодалар, кўтариинки жумлалар, турли бадиий воситаларнинг учрамаслиги билан ажралиб туради. Лекин бу ўлчовни, чегарани хеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлардан қолган хужжатларга нисбатан кўллаш ўзини оқламайди, назаримизда. Сабаби, ўша давр хужжатларида, юқорида расмий услугуга тегишли деб қаралаётган белгилардан ташқари, оғзаки услугуга, бадиий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, васиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услубининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадиий воситалардан ҳам фойдаланган. Бир сўз билан айтганда, хужжатлар услугуга оғзаки, сўзлашув услуги билан бир қаторда, бадиий тафаккурнинг, бадиий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган.

Шундай қилиб, васиқаларда оғзаки ва бадиий услугуга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қиласди. Улар расмий матнларга бадиий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсирили ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашга хизмат қиласди. Бу нарсани қадимги туркий ёзма адабий тилидаги услублар синкреметизми сифатида баҳолаш мумкин. Буни бир-икки мисолда кўриб чиқамиз.

Битиглар орасида Кўни Қуз отли хўжайнининг Бурхан Қули отли кулига берган васиқаси бор (QTH № 29). Унда хўжайнининг ўз кулига эрк хужжати (*bos bitig*) берганлиги тўғрисида сўз боради. Матндан ўқиймиз:

- (1) Taqīgū yil, üçünç ay, iki yańıqa men
- (2) Köni Quz ağır igkä tegip, ölüp-yütip
- (3) bargay-men tep, Šılıuy tutuŋ begkä,

- (4) küdägüm Likäkä kejäšip-aytisip,
- (5) Gähşidä tuqmış Burxan Qulï atlığ
- (6) oğulanqa ögkä-qaqqa buyanï
- (7) tegstün, tep boş bitig berdim.
- (8) Bu kündä mînča Burxan Qulinij ya
- (9) örü taqqa, qudi quumqa barsar,
- (10) öz köñülinçä buyan berip yorisun.

Энди матн семантикасига эътибор қаратайлик. 2–3-қаторларда кечган: *ağır igkä tegip, olüp-yitip bargay-men, ter* жумласи “оғир дардга чалиниб, ўлиб-йитиб кетсам, ишм чала колмасин, деган хавотирда” англамидадир.

6–7- қаторлардаги: *buyanï tegsün ter* – “савоби тегсин дея” маъносини билдиради.

8–10- қаторларда: *Bu kündä mînča Burxan Qulinij ya örü taqqa, qudi quumqa barsar, öz köñülinçä buyan berip yorisun.* Ушбу мисолимиздаги *örü taqqa, qudi quumqa barsar* бирикмасидаги *örü tag* – “юкори төг” ҳамда *qudi quum* – “куйи кум”, уларни ўзаро қаршилантириш йўли билан бадий санъат ҳосил килинмоқда; “юкори тоқقا (борадими), қуий кумга борадими” деган маънода, яъни “истаган ерида; ҳамма ерда” англамида келган. Фикрни бу тарзда ифодалаш расмий битиглар услуби учун файри-одатий, лекин матннинг таъсирини ошириш, ифода бадийлигини таъминлаш, “эркинлик” тушунчасини теран англишиш мақсадида ана шу ибора қўлланилган. Шуларни кўзда туттган ҳолда, юкоридаги матнни куйидагича талқин қилиш мумкин:

- (1) Товуқ йил учинчи ойининг иккинчи кунида мен
- (2) Кўни Куз оғир касалликка чалиниб, ўлиб-йитиб
- (3) қолмайин дея Шингуй тутунг бег,
- (4) куёвим Лика билан кенгашиб-сўзлашиб,
- (5) Гангсида туғилган Бурхан Кули отли
- (6) ўғлонга (кулга), онамга-отамга савоби
- (7) тегсин деб, эрк ҳужжатини бердим.
- (8) Бугундан бошлаб Бурхан Қулининг (эрки ўзида),
- (9) юкори тоқقا (борадими), қуий кумга борадими,

(10) үз күнглича йүл тутсин, савоб учун юраверсин.

Ёки қул ёки жорияни бирор нарса эвазига айирбошлангани тұғрисидаги васиқаларда “кулни үзига олаёттан киши минг йил, туман кунга қадар унга әгалик қылсын” (*tiň yil, tūmān künkä tegi erklig bolsun*), яъни “кул үлгунча, умр бүйи унинг хизматини қылсын” деган жумла ҳам бадийидир. Масалан, әллик тош бұз эвазига қулни алмаشتырилғанлик тұғрисидаги ҳужжатда: *Bir eksügsüz, bu Yuңсіqa tiň yil, tūmān künkä tegi Alpiš erklig bolsun* (Хеч бир қаршиликсиз, бу Юңчига минг йил, туман кунга қадар Алтиши әгалик қылсын) (QTH № 2.11–13).

Ёки Бадрун отли бойдан әллик иккى түп бұз олиб, үрнига жория берилған тұғрисидаги ҳужжатда: *Bu men satmīs kisikā tiň yil, tūmān künkä tegi Bādrin erklig bolsun* (Бу мен сотган кишига минг йил, туман кунга қадар Бадрин әгалик қылсын) (QTH № 4.12–13).

Бундай ҳолларда *tiň kün-tūmān kün* – киши тириклигига нисбатан олинади, “доимий; умр бүйи; ұла-үлгунча” деган маънени билдиради.

Дарвоке, *tiň yil, tūmān kün* ибораси тарихий-бадий асарларда “узоқ йиллар; күп аср” маъносида тез-тез учраб туради.

Олди-берди васиқаларда беримни қайтариш шарты қайд этилғанда, *Bergincä bar-yoq bolsar-men* жумласи ҳам ишлатиласи. “Бергунча бор-йүқ бұлсам [борман-йүқман; бирор кор-хол юз берса]” деган маънени англаатади. Масалан, Қайимтудан тариқ олинғанлиги тұғрисидаги ҳужжатда: *Bergincä bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqï anï tegilar bila köni bersünlär* (Бергунча бор-йүқ бұлсам [борман-йүқман], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсингелар) (QTH № 12.8–10).

Шунингдек, ҳужжатларда синтактик паралелизмлар, турли бадийи воситаларга ҳам мурожаат этилади. Айрим жумлалар сажда.

Шаби исмли кишининг Басмилга соттан ери тұғрисидаги васиқада кечгандың күйидеги жумлага эътибор беринг: *Men, Šabïniň oğulum-qızıim, eçim, inim, qam-qadaşım, yägänim, tağayım*

*aytmasun-istamásun, aytıgli-istägли saqınsar, sawları yorımasun, taqı bir-ök erklig beg iși-küçin tutup, alayın, yulayın tesärlär, bu-oq öğän üzä suwaqlıq iki tanrı yer yaratı berip yulup alsun* (Мен, Шабининг ўгил-қизим, акам, иним, қон-қардошим, жияним, тогам сўрамасин, талаб қилмасин, сўровчи, талаб қилувчи ёмон хаёл қиласа, сўзи ўтмасин, агар бирор кимса ҳукумдор бекнинг иши-кучига таяниб, уни олиб қўяман деса, мана шу ўзандан сув ичувчи икки танчу ер топиб бериб, кейин юлиб олсин) (QTH № 6.15–21).

Эски ҳужжатларда расмий ва бадиий услубларнинг қоришиқ ҳолда учраши ёки юридик кимсалар нутқининг бу қуринища уйғунлашуви туркий расмий услубнинг тўла шаклланиб ултурмаганидан эмас, аксинча, унинг ўта тарақкий этгани, фикрни ифодалаш, ҳужжатнинг расмийлигини таъминлаш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

## ВАСИҚАЛАРДА ИШЛАТИЛГАН СТЕРЕОТИП БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

“Стереотип бирликлар” деганда ёзма ёдгорликлар тилида воқеа-ҳодисалар баёни, фикр ифодаси билан боғлиқ ҳолда тез-тез қайталаб турувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар тушунилади. Стереотип бирликлар бадиий матнларда ҳам, расмий ҳужжатларда ҳам ишлагилади. Лекин ҳар икки ҳолатдаги вазифаси бошқа-бошқа. Чунончи, бадиий адабиётда кўлланувчи стереотип бирликлар бадиий бўёққа эга; уларда кишилик турмуш тарзи ва воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабат бадиий услубда баён этилади. Улар бадиий тафаккурнинг маҳсулни бўлиб, асар бадиийлиги, баён тарзининг таъсирчанлигини оширишга ишлайди. Масалан, урхун битигларида хоқоннинг қудрати, давлат ишларини билим ва адолат билан бошқараётгани таърифланганда *qağanı alp ermiş, aygucisi bilgä ermiş* (хоқони алп экан, маслаҳатчиси доно экан) жумласи ишлагилади. Ёки Кул тигин ва Билга хоқон битигида юрт эгаси

ўзининг эл равнаки, улус фаровонлиги йўлида олиб борган эзгу ишларини таърифлаб, ўз ютуқларидан фахрланиб, *čiğan bodunuğ bay qiltim, az bodunuğ öküş qiltim* (йўқсил ҳалқни бой қилдим, оз ҳалқни кўпайтирдим) жумласини кўллади. Битигларда тез-тез учраб гурувчи *tört buluŋ qop yağı ermiş* (тўрт томон бутунлай душман экан) жумласи мамлакат танг ахволда экани, тўрт ёқдан куршовда қолинганини англатади. Кўшиннинг кудратли юриши, аёвсиз жанглар, ёв устидан қозонилган зафарлар баёнида *elligig elsiratdimiz, qağanlıgig qağansıratdimiz, tizligig sökürtimiz, başlıgig yüküntürtimiz* (эли борни элидан айирдик, хоқони борни хоқонидан айирдик, тиззаси борни чуктиридик, боши борни юкунтиридик) жумласи ишлатилган ва б.

Хужжатлардаги стереотипларнинг мазмуни ва вазифаси булардан бир оз фарқ қиласди. Улар мазмуни ва вазифасига кўра икки хил.

Биринчиси, *хўжжатнинг тузилиши*, матн компонентлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар. Масалан, олди-берди васиқалари хужжатнинг тузилган санаси, карз олинишининг сабаби, кимдан ва қанча қарз олинаётганлиги билан бошланади. Якунида эса олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, васиқадаги белги-тамғаларнинг кимга тегишли эканлиги ва хужжатни ким тузганлиги қайд этилади. Стереотиплар ҳам ана шунга мос ҳолда шаклланади. Бундай стереотиплар, хабарнинг аниқ ва лўндалигини таъминлайди, матннинг расмий мавқенини ошириб, хужжат қолипининг шаклланувига хизмат қиласди.

Иккинчиси, *фикр ифодаси*, баён тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланган стереотиплар. Матн битувчи фикр ифодаси учун нутқ жараёнида ишлаб чиқилган, тилда мавжуд бўлган тайёр қолип бирикмалардан фойдаланади. Уларнинг эмоционал бўёғи ҳам, таъсири ҳам кучли. Бундай стереотиплар бадий

тафаккур маҳсули бўлиб, матнда расмий ва бадиий услуб синкетизмини юзага келтиради.

Қуйида васиқаларда кечган стереотип бирликларнинг айримлари ва уларнинг услубий, бадиий-эстетик вазифаларини кўриб чиқамиз:

### *毋 ҳуққос муржон бергинга bergingčä yoq-bar bolsar-men*

Бу ифода “қарзни бергунча борман-йўқман, беролмасам (қарзни узолмасам)” деган маънони билдиради. Қонунга кўра, ҳар қандай берим кафолатлануви керак. Ана шундай ҳолатни расмийлаштириш учун хужжатда айни жумла ишлатилиди.

Туркшуносликда *yoq-bar bol-* ёки *bar-yoq bol-* ифодаси “ўлим” билан боғлиқ эканлигини кўпчилик эътироф этган. Бироқ, бу масалада бошқача қарашлар ҳам бор.

Жумладан, япон олими М. Морининг таъкидлашича, *yoq-bar bol-* ифодаси “ўлим”ни эмас, қарз тўлаш чоғида беримчининг “бу ерда бўлмай қолиш эҳтимоли”ни, яъни унинг ўлиб кетиши эмас, балки қарзни тўламай, қочиб кетиши ёки бу ердан кўчиб кетишини назарда тутади. Ушбу ифоданинг бошқа хужжатларда *içtin-taştin bol-*, *örü-qudī bol-* сингари парадигматик қаторларда келишига таяниб, олим ана шундай хulosага келган (Тугушева 1975(2),32).

Кейинги чоғларда М. Морининг ушбу хulosаси фанда оммалаша бошлади. Тўғри, ушбу ифодаларда ҳар қандай шароитда қарз албатта қайтарилиши кафолатланган. Лекин бу ифоданинг ҳар учала вариантини бир маънога бирлаштириш уқадар тўғри эмас, назаримизда; уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос маъноларга эга. Шу ўринда ушбу ифоданинг ҳар учала кўриниши ва уларнинг маъноларини кўриб чиқамиз.

### *毋 ҳуққос bar-yoq bol- ва унинг маъноси:*

Хозирги ўзбеклар *Беш кунлигим борми-йўқми?* деймиз, бунда, табиийки, “ўлим” назарда тутилади. Ёки узокроқ вакт

тұғрисида сұз кеттанды: Уңгача ким бор-ким йүқ? дейилади. Бунинг: Уңгача нима ғап-нима сұз? варианти ҳам бор. Бу жумлаларнинг барида кишининг үлими құзда тутилади. Шуларга таяниб, васиқаларда кечган *bar-yoq bol-* ни ҳам кипининг үлимига боғлаган маъкул. Бу үринде *bar bol* – “бор бұлмоқ; яшамоқ”; чоғишириңг, үзбекчада *бор бұлинг* – “яшанг” дегани; *yoq bol* – “йүқ бұлмоқ; үлмоқ”; *bar-yoq bolsar-men* деганда “(мабодо) үлиб кетсам” деган маъно англашилади.

Масалан, Қайимтудан тарық олинганлиги тұғрисидаги васиқада: *Bergincä bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqı anı tegilär bilä köni bersünlär* (Бергүнча бор-йүқ бұлсам [борман-йүқман], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсинглар) (QTH № 12.8–10).

**129** *ори-күді* *örü-qudī bol-* ва унинг маъноси:

П. Займе *örü-qudī* ни кутбларга (Жануб ва Шимолга) нисбат берган, яъни матндағи *örü-qudī bolsar-men* бирикмасини “Жанубда бұламанми, Шимолда бұламанми, (қатын назар)” дәя талқын қылған (УДД, За.4: 41, икки юлдузли изохга қаралсın).

Бунда у *örü taǵqa, qudī qiumtqa bar-* бирикмасидаги *örü taǵqa* ни “жанубға” деб тушунған, шунга boglik ҳолда, *örü* ни ҳам “жануб”, унинг антоними бұлмиш *qudī* ни эса “шимол” дәя талқын қылған.

Таъкидлап жоизки, ёзма манбаларда *taǵ* сүзи шимолга нисбатан ҳам ишлатылған: *öndün yïjaq* – шарқ, *kündün yïjaq* – жануб, *kedin yïjaq* – гарб, *tagdün yïjaq* – шимолни англатади. Масалан, Сада отли кишининг Сүлда оғадан бұз олгани ва эвазига үз узумзорини сотғанлиги тұғрисидаги васиқада: *Bu borluqnij sīcīsi: öndūni Qara Temürniј borluq adırar; kündūni yïjaq sīcīsi ögän adırar; kedin yïjaq sīcīsi ögän-ök adırar; tagdün sīcīsi Suriqa tegmiš borluq adırar* (Бу узумзорнинг чегараси: шарқдан Қара Темурнинг узумзори айради; жануб томондаги чегараси үзанга тақалади; гарб томондаги чегараси ҳам

үзанга тақалади; төз томондан яъни шимолдан чегараси Сурига теккан узумзор айради) (QTH. № 21.6–9).

Шимолга нисбатан *tag* сўзининг ишлатилиши, харқалай, Турфонликларнинг тасаввури билан боғлиқ. Чунки Турфон воҳасининг шимоли тоғлар билан ўралган.

Васиқаларда кечган *örü tagqa*, *qudī qumtqa barsar* жумласини кўзда тутадиган бўлсак, бу жумлада “шимол” ва “жануб” тушунчаси йўқ. Ундаги *örü tag* – “юқори тог” хамда *qudī qumt* “куйи кум” ифодаси “тўрт томон; ўзи истаган ер” маъносида; “юқори токқа (борадими), куйи кумга борадими”, яъни “истаган ерида; хамма ерда” англамида келган. Мана унинг мисоли: *Bu künṭä tünčä Burxan Qulinij ya örü tagqa, qudī qumtqa barsar, öz köyülincä buyan berip yorisun.* (Бугундан бошлиб Бурхан Куланинг (эрки ўзиди), юқори токқа (борадими), куйи кумга борадими, ўз кўнглича ўйл тутсин, савоб учун юраверсин) (QTH № 29.8–10).

Шунинг сингари, *örü-qudī bol-* ифодасида ҳам “жануб” ва “шимол” тушунчаси йўқ.

Васиқаларда кечган *örü-qudī bol-* ифодаси, бизнингча, икки хил маънони англатади. Биринчиси, “қашшоқлашиш”ни билдиради: *örü* – асли “юқори”, кўчма маънода бойликка нисбатан ишлатилади; *qudī* – асли “куйи”, кўчма маънода қашшоқликка нисбатан ишлатилади. Васиқаларда *Bergincä örü-qudī bolsar-men* деган шаклда келади. Бу жумла “(қарзни) бергунча қашшоқлашиб қолсан ҳам, уни тўлашни кафолатлайман” деган маънони англатади (№ 11- васиқанинг изохига қаралсин).

Иккинчиси, “ўлим” маъносида: *örü bol* – “юқорилашмоқ”, яъни “яшамоқ”; *qudī bol* – “куйи бўлмоқ; инмоқ”, яъни “ўлмак”; *örü-qudī bolsar-men* – “(мабодо) ўлиб кетсан / борман-йўқман” дегани. Матн ҳам шунга яраша талқин қилинади.

Мана мисоли: *Bergincä örü-qudī bolsar-men, inim Bilär könî bersün* (Бергунча юқори-куйи бўлсан [яъни борим бор, ўзим

*бор / бой ёки қашшоқ бұларман / бирор кориҳол бұлса], иним Билир албатта қайтарсын) (№ 11.5–6).*

### 129 ictin-taştin bol- ва унинг маъноси:

Ифоданинг бу вариантида ҳам “улим” маъноси йўқ: *ictin* – “ичкарида”, яъни “уз уйимда”; *taştin* – “ташда, ташқарида”, яъни “уокроқ бир ерда”; *ictin-taştin bol* – “узоқ ерда бўлмоқ” маъносига ишлатилади. Матнларда *Berginča ictin-taştin bolsartmen* шаклида ишлатилган, бу “(қарзни) бергунча узоқ юргларга кетиб қолгудек бўлсам” деган маънони англатади. Беримчи бирор сабаб билан кўчиди кетадими, қочиб кетадими, қатъи назар, қарзни тўлаш мажбуриятини олганда, ана шу жумла ишлатилади.

Масалан, Булмиш отли кишининг Кўсунчидан кумуш қарз олганлиги тўғрисидаги васиқада: *Berginča ictin-taştin bolsartmen, inim Ayqt(a)sī (?) köni bersün* (Бергунча ичкарида ё ташқарида [уз уюмда – узоқ жойларда] бўларман, иним Айқтачи (?) албатта қайтарсын) (№ 12.5–6).

Демак, *bar-yoq bol-* / *örü-qudī bol-* / *ictin-taştin bol-* бир қолипдаги ифодалар бўлишига қарамай, учаласи уч хил маънода ишлатилади: шулардан *bar-yoq bol-* “улим”га ишора қиласди; кейингиси “бойлик ва қашшоқлик”, бир пайтнинг ўзида, “улим”га ҳам ишора қиласди: *örü-qudī bol-* “ҳеч вақосиз қолмоқ; қашшоқлашмоқ” ҳамда “улиб кетмак” дегани; сунгги *ictin-taştin bol-* “бу ерда яшамаслик; узоқ юргларга кўчиб кетиш” маъносидадир. Лекин ҳар учаласи ҳам, олинган қарз тўла-тўкис кафолатланувини билдиради.

Ушбу ифодаларни талқин қилишда, уларнинг асосини буддизм таъсирида бошқа халиқлардан ўтган дея қарамаслик керак. Улар қадимги туркий тилнинг ички имкониятлари, туркий халиқларнинг миллий минталитети, ўз қарашлари таъсирида шаклланган.

## *Жорияниң өңірдең өңірдең erklig beg işin-küçin tutup*

Жорияни сотиб, үрніга бұз олинганлығы тұғрисидаги васиқада *Erklig beg işi, elçi-yalawac küçin tutup*, деган жумла ишлатылған (QTH № 22.18–19). Бу жумладаги *beg işi* ни С.Е. Малов *beg eşi*, яъни “бекнинг хотини” деб түшунған, шунинг учун бу жумлани русчага: “Если же кто, употребив силу влиятельного бега и жены его, посланников и вестников ...” деде таржима қылған (Малов 1951,213). Аслида эса бу мисолдаги *isi-küci* – жуфт сұз, “хукми; кудрати” маъносида. Шунга күра, ушбу жумлани: “Хукумдор бекнинг, элчининг куч-кувватига таяниб” деб талқын қилинса, тұғри бўлади.

## *Жорияниң өңірдең miğ yil, tūmān kün*

Ушбу бирикмадаги *tūmān* – ўн минг, *tūmān kün* – ўн минг кун.

Махмуд Кошғарий *tūmān* сұзининг бадиий функциясини яхши күрсатған. Уннинг ёзишича: *tūmān* – ҳар нарсанынг купи; *tūmān-türliğ sözладı* – ҳар хил сұзлар сұзлади; турли-туман сұзлади; *tūmān miğ* – минг-минг, минг туман, минг марта минг, бир миллион; *tūmān miğ yarmaq* – бир миллион танга (МК.101b).

Саноқда *tūmān*, *miğ* энг йирик сонлардир. Улар вақтни англатувчи *kün*, *yıl* сұzlари билан келғанда давр узокълигини билдиради. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда, вақт узокълигини таърифлаш учун улардан кенг фойдаланылған. Битигларда кечган *miğ yil*, *tūmān kün* бирикмаси вақтга нисбатан “доимий; умрбод, бир умр” маъноларини англатади.

*miğ yil*, *tūmān kün* бирикмаси күк турк ёзувлы битигтошларда ҳам ишлатылған. Жумладан, уйғур хоқонлиғининг хукмдори Мұюн-чұр шарафига үрнатылған битигда яхши бир мисол бор (Малов 1959,30–44). Битигда 750 йил воқеалари тұғрисида сұз борар экан, Мұюн-чұр тилидан: “Уша йили ... оқ үрда

чодирини тиктирдим, мудофаа деворларини қурдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат қилдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттиридим (*belgümìn-bitigimin anta yaratütídım*)” дея таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқын мазмунли жумлаларни ўқыймиз: “Ушанды ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва түкүш (дарёларининг) қуилишида ёзни ўтказдим. Ушада ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда курдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттиридим (*bıñ yilliq tümän künlik bitigimin belgümìn anta yası taşqa yaratütídım*)” дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторларига қаралсин).

Сунгги мисолда кечган *bıig-belgü* – “давлат тузуги; низоми” маъносини билдиради; *bıñ yilliq tümän künlik bitigimin belgümìn* дейилганда минг йиллик ёзувларга, ўтмисп анъаналари таъсирида шакланган тузукка ишора этилмакда.

*miñ yıl, tümän kün* биримаси қулни сотиш, ер-жойни бирор кимсага ўтказиш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда ҳам ишлатилади. Эндиғи ер ёки қул эгасининг хукуқини кафолатлаш, бундан бүёғига ўла-ўлгунча унга эгалик қила оловини таъкидлаш учун ана шу жумладан фойдаланилади. Мана бунинг мисоли: *Bu tört sicülig borluq üzä miñ yıl, tümän künkä tegi Basa Toğ[r]ıl erklig bolsun.* – *Бу түрт чегара оралигидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тұғрил эгалик қылсын* (№ 7.11–12).

### **Yasadaqı qinqa tegsünlär**

*yasadaqı qinqa tegsünlär* жумласидаги *yasa* – хукуққа тегишли атама, давлатнинг бош қонуни; *qin* – “қийин-қистов; жазо” маъносидадир. *Qin-* феъли ана шу сўздан ясалган бўлиб, “қийнамоқ; жазо бермоқ” маъноларини англатади. Маҳмуд Кошварий луғатида: *beg anı qinadı* – бек уни қийнади,

исканжасига солди; *teŋri anï qinadï* – Худо унга жазо берди (МК.283а).

*tegsünlär* – сұзма-сұз “тегсинлар; етишсингилар” (*teg-* феълидан), лекин бу ўринда “тортилсингилар; маҳкүм штисингилар” дегани, яғни ушбу жумладан “давлат қонуидаги жазога тортилсингилар” англашилади.

Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарз олиб, эвазига ўз боласини унга үғилликка топширганлиги тұғрисидаги васиқада келгусида тұланган қарзға ҳеч кимса дағво қила олмаслиги, битимни бузиб, дағво қылғудек бұлса, ўша кимса давлат қонуидаги жазога тортилажаги таъкидланган. Васиқадаги бу жумла үғил эвазига қарз берувчи Чинтсу Шиланинг тилидан берилади. Мана ўша сатрлар: *Men, Čintsu ayaqqa tegimlignij eçim, inim, oğlum, qam-qadaşım almasun, tartmasun. Aparam bir-ök ilgäli-tartgali saqınsar, sawları yorimasun. Yasadaqı qinqa tegsünlär.* – Мен, ҳурматтаға сазовор Чинтсунинг оғам, иним, ўғелим, қавм-қариндошим тортиб олмасин. Агар бирор кимса тортиб олишини хаёл қылса, сұzlари ўтмасин. Дағлат қонуидаги жазога тортилсингилар (№ 1.6–10).

### *Чинтсу аттың төрт үйлі бөш*

Ушбу бирикмадаги *tört yoli* – “борадиган тұртала йўли, тұрт тарафи” маъносида; *boş* – “бүш, очик; эркин” дегани; бу сұз “эркинлик; озодлик” англамиини таъминлайды; *tört yoli boş* – “тұртала йўли очик” / “тұрт тарафи очик”, яғни “истаган томонига кетиши мумкин; ўз истагича яшашы мумкин” деган маънода ишлатилади.

*Bu Tıtsu atl(i)ğ oğul Čintsu ayaqqa tegimligka bar ergincä könin pišigün tapınır, ayaqqa tegimligtä kin tört yoli boş, öz köjülinçä barsun.* – Бу Титсу отли ўғил хазрат Чинтсуга бор эканида [яғни унинг күзи тириклигіда] чин тишиг хизматини қилиб, ул хазратдан кейин тұрт үйли очик, ўз истагича кетсин (№ 1.4–6).

Қадимги туркий адабиётда томон билан боғлиқ бўлган *tört buluŋ* тушунчаси ҳам бор. Бу ўринда *buluŋ* – “тараф, томон” маъносида; *tört buluŋ* – “тўрт томон; тўрт кутб; ўраб турган тарафлар” дегани. Бу бирикма мамлакат танг ахволда эканлиги, халқ ёв куршовида қолганлиги таърифида ишлатилади. *Tört buluŋ qop yağı ermis, sü sūlapān, tört buluŋdaqī bodituğ qop almīs, qop baz qilmīs.* – Тўрт томон бутунлай ёв экан, қўшин тортиб, тўрт тарафдаги халқни бутунлай олибди, бутунлай бўсундирибди (К.2).

*boş* сўзи қадимги туркий тилда бир қанча маъноларда ишлатилган. Масалан, унинг “Девону лугати-т-турк” асарида келтирилган маънолари:

“озод, эркин”: *boş kisi* – озод киши;

“ажралган, эрдан чиқсан”: *boş uraǵut* – эридан ажрашган хотин;

“ишдан бўшаган”: *boş elig* – ишдан бўшаган кўл;

“юмшок, бўш”: *boş et* – юмшок гўшт; юмшоқ ерга ҳам шу сўз кўлланади;

“бўшатилган, бўш қўйиб юборилган”: *boş at* – бўш қўйиб юборилган от;

“холи қилинган, бўшатилган”: *boş ew* – бўшатилган уй. Шунингдек, нарсадан бўшатилган идиш ёки жилдларга ҳам *boş* сўзи кўлланади (МК.249а).

Ундан ясалган *boşı* феълининг эса қуйидаги маъноларини берган:

*anıŋ özi boşuđi* – унинг ичи бўшалди, равонлашди.

*tügın boşuđi* – тугун бўшаброқ қолди.

*at boşuđi* – от боғловидан ечишди, бўшалди.

*xan yalavacığ boşuđi* – хон мамлакатига қайтиш учун элчига рухсат берди.

*er uragutin bośudi* – эр хотинин талоқ қилди, ажрашди (аргуча). Бу феъл ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиздир. Бу феълининг келаси замон шакли *bośur*, масдари *bośumaq* бўлади (МК.281а).

Муаллиф *boś* сўзининг биринчи маъносидан ясалган *bośattı* феълинин “бўшатди, озод қилди” маъносида берган: *ol bulutıg bośattı* – у асири бўшатди. Банддан, бошқадан бирор нарсанинг кутқазилишига ҳам шу сўз қўлланади (МК.210а).

Ёки *boś* сўзининг иккинчи маъносидан ясалган *bośudi* феълинин “талоқ қилинди” англамида берган: *er uragutin bośudi* – ер хотинин талоқ қилди, ажрашди (аргуча) (МК.281а). Яна қиёсланг: *ol urağut bośattı* – у хотинни қўйди (аргучадир) (МК.210а). Ёки бошқа бир мисол: *urağut bośandi* – хотин талоқ қилинди (аргучадир). Муаллифнинг ёзишича, бу мўътабар эмас. Бу сўзининг келаси замон шакли *bośanır*, масдари *bośanmaq* дир (МК.169б-170а).

*boś* сўзи сифат вазифасида “бўш, лапашант” маъносида: *büy užil*; “юмшок” маъносида: *büy xamir*; феъл бўлиб келганда “эркин, озод” маъносида: *ishdan bўshmisän?* ҳозир ҳам ишлатилади.

*boşa-* феъли эса ҳозирги ўзбекчада “ишдан кетди”: *ishdan buşadi*, шунингдек, “озод бўлди; эркин бўлди”: *darsdan buşadi*; қўли *ishdan buşadi* шаклларида ишлатилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *boś* сўзи “талоқ” маъносида ишлатилмайди. Бу маънода хотинин қўйди, талоқ қилди, ажрашиди дейилади. Қадимги туркий тилдаги *boś urağut* ўрнида эса *tul хотин*, *бева хотин* ишлатилади.

مۇھىم، ئەنۋەتىرىنىڭ سەقلىقىسىدە مۇھىم دەنلىقىسىدە

### *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun*

Ушбу жумладаги *tapla-* феъли “истамок, ҳохламок; унамоқ” маңындарини билдиради. Махмуд Кошгарийнинг “Девону лутати-т-турк” асарыда: *ol tonuğ tapladi* – у түнни қабул қилди, унга унади. Муаллифнинг күрсатишича, унинг келаси замон шакли *taplar*, масдари *taplamaq* бўлади (МК.286б).

*özi tutsun* – “ўзи тутсин; ўзи ишлатсин”. Бу ўриндаги *tut-* “тутмоқ, ишлатмоқ” маңносидадир. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *tut-* феълининг “ишлатмоқ” маңноси бор, бу сўз кўпроқ нарса-буюмга нисбатан ишлатилади. Чоғиштиринг, чўмични тутди – “чўмични тутди / чўмични ишлатди” дегани.

*ötkürü satsun* – “ўткариб сотсин; сотиб юборсин” деган маңнодадир.

Шулардан келиб чиқиб, *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun* жумласи “Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин” деб ўгириласди.

Бу жумла ер-жой олди-бердиси, қўл остидаги қулини ўзга кимсага сотиб юбориш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда бундан буёнги эркинлик унинг янги эгасига ўтганлигини кафолатлаш учун ишлатилади. Мана мисоли: *Bu tört sicciliğ borluq üzä miň yil, tümän künkä tegi Basa Toğ[r]il erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kišikä ötkürü satsun.* – Бу тўрт чегара оралигидаги узумзорга минг йил, туман кунга қадар Баса Тўгрил эгалик қўлсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин (№ 7.11–14).

## ТҮРТИНЧИ БЎЛIM. МАТИЛАР

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Илк ўрта асрлардан қолган васиқалар матни ва уларнинг талқини. Туркологияда юзага келган илмий карашларга муносабат.

Матнларнинг ўқилиши, талқини билан боғлиқ жумбокли масалалар ва уларнинг ечими сари интилиш.

### 1

Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарз олиб, эвазига ўз ўғлини унга ўғилликка топширганлиги тўғрисидаги васиқа. Уни С.Ф. Ольденбург 1914–1915 йилларда Турфонга уюштирилган илмий экспедицияси чоғида Безаклик деган жойдан топиб келтирган эди. Ҳозирда Россия ФА Шарқ кўлёзмалари институтида SI 4735 (SI 0/55) кўрсаткичи остида сақланмоқда. Бир варак қоғознинг икки бетига ёзилган.

Хужжатни илк бор С.Е. Малов эски уйғурча терма харфларда, транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари билан чоп эттирган. Нашрга васиқанинг факсимили ҳам илова килинган (Малов 1932, 135–137, таблица III). Л.Ю. Тугушева ҳам ўз асарида матнни транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан келтирган (УДД.Ра42: 144–145,323).

Бу ва бундан кейинги хужжатнинг иккови Қайтсу тудунг билан боғлиқ ҳолда тузилган. Биринчи васиқада Қайтсу тудунг Чинтсу Шиладан кумуш қарз олиб, эвазига ўз ўғлини унга ўғилликка топширганлиги тўғрисида сўз боради. Иккинчи васиқа эса Чинтсу Шиладан қарз олиб, ўз ўғлини уч йилга ишлаш учун топширганлиги тўғрисидадир.

Ушбу васиқаларнинг тузилган куни аниқ: биринчиси, ит йил, ўн биринчи ойининг йигирма олтисида тузилган; иккинчиси тўнғиз йили, арам ойининг ўнинчисида, тўғрироғи, биринчи хужжат (ит йилининг охирларида), орадан икки ярим ойлар ўтиб (тўнғиз йилининг илк арам ойида) иккинчи хужжат тузилган.

Яна, биринчи васиқада кўрсатилувича, тилхат берувчи кимсанинг яқинлари аралашиб, битим шартлари бузилгудек бўлса, улар давлат қонунидаги жазога (*yasadaqī qīnqa*)

тортилажаги, шунингдек, Ўгудайхон қўшинига (*Ögündäy süsiniňdä*) қўшимча жарима тўлануви тўғрисида сўз боради (хужжатнинг 9-, 13- қаторлари). Ана шу кайдлар ушбу хужжатлар XIII юзийилликка, яъни Чингизхоннинг ўғли Ўгудайхон элга эгалик қилиб турган чоғларга тегишли эканлигини кўрсатади. У 1229–1241 йиллар орасида юртни бошқарган.

Афтидан, Қайтсу тудунг билан Чинтсу Шила ўргасида биринчи васиқа тузилгандан кейин, кўп ўтмай, орада можаро чиқкан. Қайтсу тудунгнинг яқинлари васиқадаги битимга кўнимаган ёки хужжат тузишда қонунсизликка йўл қўйилган чоғи. Эътибор беринг, сут ҳақининг ярим ястуқ кумушга баҳолануви, шунингдек, Чинтсу Шиланинг ўла-ўлгунича Титсуни унга бериб қўйилувида адолатсизлик бор. Давлат қонунида (ясада) бу нарсага йўл қўйилмаган бўлуви керак. Шу сабаб бўлиб, хужжат кучга кирмай қолган қўрилади. Орадан кўп ўтмай, иккинчи васиқани тузишга мажбур бўлганлар. Янги васиқада, ҳар иккала ёқнинг манфаати инобатта олинган ва унда қарз олинган кумуш эвазига Қайтсу тудунг ўғли Титсунинг уч йилга ишга ёлланажаги қайд этилган.

Бундай ҳолатларда, қонунга кўра, биринчи хужжат ўз-ўзидан юридик мавқеини йўқотади, иккинчи хужжат асосида иш қўрилади. Нима бўлганда ҳам, ҳар иккала васиқанинг кунимизгача сақланиб қолгани муҳим. Биз манбашунос-матншунос сифатида матнни тадқиқ этамиз. Шу жиҳатдан ҳар икковининг ўзига яраша ўрни бор.

### Матн транскрипцияси:

- (1) *İt yıl, bir y(i)g(i)rminč ay, alti otuzqa meňä, Qiytsu (Qaytsu?) tuden-*
- (2) *qa yuňlaqlıq tawar k(e)rgäk bolup, Tıtsu atl(i)ğ oğlumni Čıntsu*
- (3) *ayağqa tegimligkä süt sewinči yarım yastuq alıp, oğul-*
- (4) *luq berdim. Bu Tıtsu atl(i)ğ oğul Čıntsu ayağqa tegimlig-*
- (5) *kä bar ergincä könin pišigün tapinip, ayağqa tegimlig-*
- (6) *tä kin tört yoli boş, öz köhülinčä barsun. Men,*
- (7) *Čıntsu ayağqa tegimligniň inim, ečim, oğlum, qam-*
- (8) *qadaşım ilmäsün, tartmasun. Apam bir-ök ilgäli-tartgalı*

- (9) saqınsar, sawları yorımasun. Yasadaqı qınqa tegsün-
- (10) lär. Men, Qıytsu (Qaytsu?) tuduñnuj Tıtsunı men başlap inim, eçim,
- (11) qam-qadaşım erklig beg išin-küčin tutup
- (12v) öntürür-men, tesärlär, sawları yorımasunlar.
- (13v) Ögündäy süüsinqä iki örүү atan ötünüp, Ambi
- (14v) balıq daruğalarıja edärkä yaraşu at berip, Čıntsı
- (15v) ayağqa tegimligkä birkä iki berip, ağır qıńqa
- (16v) tegirbiz. Tanuq – Qutrulmış, tanuq – Buyan Toşa,
- (17v) tanuq – Ked Burxan. Men, Qıytsu (Qaytsu?) tuduñ öz eligim bitidim.
- (18v) Bu tamğa biz, ikägünüj-ol. Men, Tıtsı yemä baxsımqı
- (19v) köni tapıñmadıñ ketäyin tesär-men, bu bitigtäki qıńqa
- (20v) tegir-men. Bu tamğa men, Tıtsunıj-ol.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

1-, 10-, 17v- қаторларда: Қарз олувчининг оти матнда ~~мұхомма~~  
*Qıytsu* шаклида берилган, лекин биз № 2- васиқадаги ёзилишига қараб, уни *Qaytsu* деб бердик.

3- қаторда: *süt sewinci* – сут ҳақи, сут пули (*қаралсın*, УДД, Ра42: 145да: “средства, потраченные на вскормление ребёнка”). Бу нарса ҳозирги ўзбекларда ҳам бор. Ўғил уйлантиришда қиз томонга қалин пули билан бирга сут пули ҳам берилади. Бу онанинг ҳақи бўлиб, кўкракдан эмизган сути учун тўланадиган пул кўзда тутилади.

3- қаторда: *yarım yastıq* – ярим ястук кумуш; *yastıq* – кумушнинг ўлчов бирлиги (ДТС, 245).

3-4- қаторларда: *oğulluğ berdim* – “ўғил қилиб бердим / ўғилликка бердим” маъносидадир.

3-, 4-, 7-, 15v- қаторларда: *ayağqa tegimlig* бирикмасидаги *ayağ* – “унвон; лақаб; юқори даража”; Махмуд Кошгариининг ёзишича, *ayağ* – “лақаб, кейинчалик қўйилған от”. Бунинг мисоли учун қуйидаги шеърий узиндини ҳам келтирған:

*Qodgil meňä aqılıq,*

*Bolsun meňä ayağ-a.*

*İdgil meni toqişqa,*

*Yöwgil meňä ulağ-a.*

Мени ўз ҳолимга қўй, тўсқинлик қилма, токи бирвларга фойда берувчи саҳий номи менга қолсин. Мени жангга элтувчи от бер. У мени жангга элтсин (МК.260б).

“Девону лугати-т-турк” асарида бу сўзнинг феъл шакли ҳам берилган: *xan ayaq ayaq* – хон унга лақаб (унвон) берди (МК.70а).

*tegimlig* – “эришган, етишган”; *ayaqqa tegimlig* эса “унвонга сазовор; олий мартабали” деган маънони англатади. Васиқада Чинтсу Шила ана шу унвон билан тилга олинган (*Çintsu ayaqqa tegimlig*). Л.Ю. Тугушева матндан бу биримани русча таржимада “достойному почетания Чинтсо” деб берган (УДД.Ра42: 145).

Яна бир муҳим жиҳати, васиқа якунида қарз олинган кумуш эвазига ўғил тутинаётган Титсу бўлгуси хўжайини, ўғил қилиб олувчи Чинтсу Шилани *baxšīm*, яъни “устозим” деб тилга олади (vasiqanining 18v- қаторида). Ана шу далилларга қараганда, Чинтсу Шила юкори мартабали кимса эди. Матн талқинида васиқанинг мазмун-моҳияти, стилистик талаблардан келиб чиқкан ҳолда, *ayaqqa tegimlig* сифатини “хазрат” деб бердик.

Муҳими шундаки, “Олтун тусли ёруғ” асарининг U 0584 кўрсаткичли узиндисида бу сифат бурхонга қаратада айтилган: *At kötrülmış ayaqqa tegimlig t(ä)yrim* дейиллади унда (seite 2.11–12). Ушбу жумлани, матн моҳиятига кўра, “Шон-шавкатли, хурматга лойиқ тангрим” деб ўғирилгани маъқул.

9–10- қаторлар: *yasadaqī qinqa tegsünlär* жумласидаги *yasa* – давлат қонуни, *qinqa* – “қийин-қистов; жазо” маъносида, *tegsünlär* – “тортилсинлар; маҳкум этилсинлар” дегани, яъни ушбу жумладан “давлат қонунида белгиланган жазога тортилсинлар” англашилади.

13v- қаторда: *örüŋ atan* – оқ тuya; *atan* – “юқ ташувчи тuya” дегани (ДТС,66).

13v–14v- қаторларда: *Ambi baliq* – Амби шахри (қаралсин: ДТС,41).

14v- қаторда: *daruğa* – мансаб оти; бошлиқ; *Ambi baliq daruğalarıja edärkä yaraşı at berip* жумласидан “Амби шахри доругаларига ишлатишга яроқли от бериб” деган маъно англашилади.

Мазмуни:

- (1) Ит йили, ўн биринчи ойининг йигирма олтинчи куни менга, Қайтсу тудунг-
- (2) га чикимли тавар [яъни пул] керак бўлиб, Титсу отли ўғлимни
- (3) хазрат Чинтсуга сут ҳақига ярим ястук (кумуш) олиб, ўғил-
- (4) ликка бердим. Бу Титсу отли ўғил хазрат Чинтсу-
- (5) га бор эканида [яъни унинг кўзи тириклигига] чин пишиғ хизматини килиб, ул хазрат-
- (6) дан кейин тўрт йўли очик, ўз истагича кетсин. Мен,
- (7) хазрат Чинтсунинг иним, оғам, ўғлим, қавм-
- (8) қариндошим (мендан кейин уни) тортиб олмасин. Агар бирор кимса тортиб олишини
- (9) хаёл қилса, сўзи ўтмасин. Давлат қонунидаги жазога тортилсин.
- (10) Мен, Қайтсу тудунгнинг, (ўғлим) Титсуни, мендан бошлаб иним, оғам,
- (11) қавм-қариндошим хукумдор бекнинг кучига таяниб,
- (12v) тортиб оламан, десалар, сўзлари ўтмасин.
- (13v) Ўгудай қўшинига иккита оқ тия, Амби
- (14v) шахри доругаларига ишлатишга яроқли от бериб,
- (15v) хазрат Чинтсуга бирга икки бериб, оғир жазога [яъни жаримага]
- (16v) тортилурмиз. Гувоҳ – Қутрулмиш, гувоҳ – Буян Тўнга,
- (17v) гувоҳ – Кед Бурхан. Мен, Қайтсу тудунг ўз кўлим билан ёздим.
- (18v) Бу тамға биз, иккимизницидир. Мен, Титсу ҳам устозимга
- (19v) чин хизмат қилмай, кетаман десам, бу ҳужжатда белгиланган жазога
- (20v) тортилишга розиман. Бу тамға мен, Титсуницидир.

## 2

Қайтсу тудунгнинг Чинтсу Шиладан қарзга кумуш олиб, эвазига ўз ўғлини ишлаш учун топширганлиги тўғрисидаги васика. Буни ҳам С.Ф. Ольденбург Турфонга уюштирилган илмий экспедицияси чогида Безаклик деган жойдан топиб

келтирган. Ҳозирда Россия ФА Шарқ күләзмалари институтида SI 4716 (SI 0/54) күрсаткичи остида сақланмоқда. Бир варап қоғознинг икки бетига ёзилган. Ўтгиз қаторли: ўн беш қатори қоғознинг ўнг бетида, колган ўн беш қатори терс томонида.

Асосий матн йигирма олтинчи қаторда тугайди. 27v–30v-қаторлардаги матн қоғозга елимлаб ёпиштириб күйилган. У 1–4-қаторларнинг қайтариғидир.

Хати анча тартибли, эътибор билан ёзилган. Сүз боши ва биринчи бўғинда [ö] хамда [ü] унлилари [o]–[u] дан фарқланади: сўз бошида **ئ**, сўз ичидаги **ئ** шаклида ёзилган.

Масалан, **ئ** özüm, **ئ** күтүш сўзларидаги сингари.

Хужжатни С.Е. Малов эски уйғурча терма харфларда, транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари билан чоп эттирган. Нашрга васиқанинг факсимили ҳам илова қилинган (Малов 1932, 130–132, таблицы I–II). Л.Ю. Тугушева ҳам ўз асарида матнни транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан келтирган (УДД, Ра.41: 142–144, 322).

### Матн транскрипцияси:

- (1) Toŋuz yıl, aram ay, on yaŋıqa meňä, Qaytsu
- (2) tuduŋqa yuŋlaqlıq kümüs kergäk bolup,
- (3) özümtä tuğmiš Tıtsu atl(i)ğ oğlumnuň
- (4) Čıntsı Šilaqa üç yilliq tutquğ berdim.
- (5) Tutquğ kümüşin inča sözläst(i)miz: on satır
- (6) kümüşkä tutquğ berdim. Bu on satır kümüşni
- (7) bitig qılımış kün üzä men, Qaytsu tu(duŋ)
- (8) tūgäl tartıp aldım. Men, Čıntsı Šila, yemä
- (9) bir eksügsüz tūgäl berdim. Bu oğulq(i)yaqa bir
- (10) yulta bir üm, köküsmäk, bir qay, bir uyuq č(a)ruq,
- (11) iki yulta bir čäkräk, üç yulta bir börk
- (12) bilä berür-men. Oğulq(i)ya Čıntsı Šilanıň ewindäki-
- (13) lär bilä yorıp, oğrı-tew qılsar, tutğu qapğu,
- (14) yoq-itüg qılsar, men, Čıntsı Šila basıňa
- (15) bolur. Yalıñuz yorıp, oğrı tew qılsar, yoq
- (16v) itüg qılsar, men Qaytsu tu(duŋ) basımqä bolur.
- (17v) İgläsär, yeti künki mün-aş men, Čıntsı
- (18v) Šila berür-men. Yeti kündin keçsär, men, Qaytsu
- (19v) tu(duŋ) egäläp alıp, kün eksükön köni berür-men.

- (20v) İgläp ölsär, yarım tawarï ölüür, yarım  
 (21v) tawarï tiriltür. Tirildäči tawar yana men  
 (22v) Qaytsu tu(duň) üzä bolup, köni berür-men. Üç  
 (23v) yıl tügämäginčä, öntürmäz-men. Apam öntür[ür]-men,  
 (24v) tesär-men, bu kümüs-ök bermiš küntin berüki  
 (25v) asığı bilä köni berür-men. Tanuq – Qutadmiš Qaya, tanuq –  
 (26v) Sejičtin. Bu tamga men, Qaytsu tu(duň)nuň-ol. Buyan

Q(a)ya bitidim.

- \*(27v) Toňuz yıl, aram ay, on yaňjıqa meňä,  
 (28v) Qaytsu tuđuňqa yuňlaqlıq tawar  
 (29v) kergäk bolup, Tıtsu atl(i)ğ oğlumnni  
 (30v) Çıntsı Šilaqa üç yilliq tutuğ

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

1- қаторда: *aram ay* – турк-будда тақвими бўйича йилнинг биринчи ойи.

3–4- қаторларда: Бу ердаги özümtä tuğmiš Tıtsu atl(i)ğ oğlumnni Çıntsı Šilaqa üç yilliq tutuğ berdim жумласини С.Е. Малов рус тилига “я своего родного сына (у самого меня родившегося сына моего) по имени Титсу дал Чинтсу-сыле на три года в подержание (в качестве заложника, для работ)” деб таржима қилган (Малов 1932,132). Л.Ю. Тугушева эса бу жумлани “я отдал Чинтсо Шилем в залог на три года рожденного от меня сына по имени Титко” деб ўтирган (УДД, Ра.41).

Ушбу жумладаги özümtä tuğmiš – “ўзимнинг тукқан” дегани, яъни özümtä tuğmiš Tıtsu atl(i)ğ oğlumnni – “ўзимнинг тукқан Титсу отли ўғлимни” деган маънони беради. Чоғиштиринг, ҳозирги ўзбек тилида “уз ўғил-кизи”ни ўз тукқан ўғлим, ўз тукқан қизим дейилади. Ўгай болага нисбатан эса асранди ўғил, асранди қиз ёки тутунгган ўғил, тутунгган қиз сифати кўлланади.

Сўнгти tutuğ berdim бирикмасини С.Е. Малов рус тилида “дал в подержание (в качестве заложника, для работ)” деб берган. Л.Ю. Тугушева эса ушбу бирикмани “отдал в залог” (яъни “гаровга бердим”) деб ўгиримокда. Маҳмуд Кошварийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида: *tutuğ* – гаров (МК.94а). Бу сўз қадимги туркий тилда *tutuğ* хамда *tutuğ* варианларида қўлланган кўринади.

9- қаторда: *oǵıłq(i)yaqa* сўзидағи -*q(i)yaqa* – кичрайтириш кўшимчаси. Бу кўшимчанинг маъносини Махмуд Кошгариј яхши берган. У ёзади: -*qıya* – таркибида *ǵayn*, *qāf* ҳарфлари бўлган ва, умуман, тўйинтирилган (яъни йўғон) сўзларда қўлланувчи кичрайтириш кўшимчаси. Чунончи, *oǵıłqıya* – ўғилчам, *qızqıya* – қизчам каби.

-*kiyä* – таркибида *kāf* [k, g] ҳарфлари бўлган ва, умуман, ингичка, енгил ҳарфли сўзларда қўлланувчи кичрайтириш кўшимчаси. Чунончи, *erkiyä* – эргина, *yerkiyä* – ергина каби (МК.260а).

10- қаторда: *köküstmäk* сўзи <-s-> ҳарфи билан ~~бүйушчалық~~ шаклида ёзилган; *köküstmäk* – кўкракни қоплаб турувчи нимча; *köküz~köküs*, яъни “кўкрак” сўзидан ясалган (*köküs+mäk*). Чоғишириинг, ДТС,313 да: *köküzmäk* – куртка.

11- қаторда: *börk* – бош кийим, телпак.

13–16v- қаторларда: *oğrı-tew qilsar*, *yoq-itüg qilsar* жумласидаги *tew* – хийла, алдов; *oğrı-tew* – жуфт сўз, яъни “ўғрилик қилса, найранг қилса” дегани; *yoq-itüg* ҳам жуфт сўз, яъни “бирор нарсани йўқ қилса, ўғирласа”. Ушбу жумладан “(боланинг) найрангу ўғрилиги чиқса, бирор нарсани йўқотғудек бўлса” деган фикр англашилади.

17- қаторда: *mün-aš* – жуфт сўз; *mün* – шўрва, суюк овқат, *aš* – ош, қуюқ овқат, *mün-aš* – “қуюқ-суюқ” маъносида.

20v–21v- қаторларда: *yarım tawarı ölüür*, *yarım tawarı tirilür* – “яrim моли ўлади [яъни қарзнинг ярми ҳисобдан чиқади], яrim моли қолади [яъни қарзнинг ярми тўланади]” деган маънода.

\*Кўлёзмада 27v- қатордан бошлаб кейинги матн елимлаб қўйилган, шунинг учун 27v–30v қаторлар тескаридан ўқилади.

### Матннинг мазмуни:

- (1) Тўнғиз йили, арам ойининг ўнинчи куни менга, Қайтсу
- (2) тудунгга ишлатиш учун [яъни савдо-сотиққа] кумуш керак бўлиб,
- (3) ўзимнинг тукқан Титсу отли ўғлимни
- (4) Чинтсу Шилага уч йил муддатга ишлатиш учун бердим.
- (5) Эвазига тўланадиган кумушни шундай келишдик: (ўғлимни) ўн сатир
- (6) кумуш учун бердим. Бу ўн сатир кумушни

- (7) васика тузилган куни мен, Қайтсу тудунг  
 (8) тугал ўлчаб олдим. Мен, Чинтсу Шила ҳам  
 (9) ҳеч бир камчиликсиз тугал бердим. Бу ўғилчага бир  
 (10) йилда бир иштон, нимча, бир жуфт этик, бир жуфт  
 чорик;  
 (11) икки йилда бир пахта матоли қўйлак; уч йилда бир бўрк  
 (12) билан берурман. Агар ўғилча Чинтсу Шиланинг  
 уйидаги-
- (13) лар билан юриб, ўғрилик ва найранг қилса, тутиб туриш,  
 молдан юлиб,  
 (14) йўқ қилса, мен, Чинтсу Шиланинг гарданимга  
 (15) бўлади. Ёлғиз юриб, ўғрилик ва найранг қилса,  
 (16v) бирор нарсанни йўқ қилса, мен Қайтсу тудунгнинг  
 гарданимга бўлади.
- (17v) Касал бўлиб қолса, етти кунлик қуюқ-суюғини [сўзма-  
 сўз: шўрваси билан ошини] мен, Чинтсу
- (18v) Шила берурман. Етти кундан ўтса, мен, Қайтсу
- (19v) тудунг ҳар кунги чиқимини қоплаб, албатта тўлайман.
- (20v) Касал бўлиб ўлиб қолса, ярим моли ҳам ўлади  
 [қарзнинг ярми хисобдан чиқади], ярим
- (21v) моли қолади [қарзнинг ярми тўланади]. Сақланиб  
 колган моли яна мен,
- (22v) Қайтсу тудунгнинг елкамда бўлиб, (уни) аниқ  
 тўлайман. Уч
- (23v) йил тугамагунча, сўзимдан кечмайман. Агар сўзимдан  
 кефдим,
- (24v) дегудек бўлсам, бу кумуш берилган кундаги ҳужжат  
 бўйича
- (25v) фойдаси билан албатта қайтараман. Гувоҳ – Кутадмиш  
 Қая, гувоҳ –
- (26v) Сенгичун. Бу тамға мен, Қайтсу тудунгницидир. Буян  
 Қая ёздим.
- \*(27v) Тўнғиз йил, арам ойининг ўнинчи куни менга,  
 (28v) Қайтсу тудунгга ишлатиш учун тавар  
 (29v) керак бўлиб, Титсу отли ўглимни  
 (30v) Чинтсу Шилага уч йилга ишга

Титсу билан Анчук ўзаро келишиб ўз инилари Аңтсуни қариндошлари Тўйнақ Шилавантига ўғилликка берганликлари тўғрисида тузилган васиқа. Ҳозир Россия ФА Шарқ кўлёзмалари институтида SI 4717 (SI 0/70) кўрсаткичи остида сақланмоқда. Оддий югурик хат, бир вараг қоғознинг икки юзига битилган: ўн етти қатори ўнг бетида, сўнгти уч қатори эса орқа бетида, ҳошия қолдирмай ёзилган.

Хати нисбатан тартибли, бироқ ўнг бетидаги ёзувнинг сиёхи орқа бетига ҳам юқиб қолган. Сўз боши ва биринчи бўғинда [ö] ҳамда [ü] унлилари [o]–[u] дан фарқ қиласди: сўз бошида ~~күн~~, сўз ичида ~~күн~~ шаклида ёзилган. Масалан, ~~күн~~ *kün*, ~~кўмӯш~~ *kümüş*, ~~тўғал~~ *tügäl*, ~~ўз~~ *üzä* сўзларида сингари.

Айрим ўринларда [ş] ни ифодалаш учун ~~күн~~ ҳарфининг тагига икки нуқта қўйиб кетилган. Масалан, *aytışır*, *ağıssar* сўзларида.

Хужжатни С.Е. Малов эски уйгурча терма ҳарфларда, транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари билан чоп эттирган (Малов 1932, 138–140). Л.Ю. Тугушева ҳам ўз асарида матнни транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан келтирган (УДД, Ра43: 145–147, 324–325).

#### Матн транскрипцияси:

- (1) *Ud yıl, s(e)kizinč ay, beş y(i)g(i)rmikä men, Tıtsu ağam*
- (2) *Ančuq bilä aytışır, ağamniň boğuzın yigidg(ä)li*
- (3) *alp bolmışqa inim Antsunı tuğmışımız*
- (4) *Toynaq Şilavantıqa süt sewinči y(i)g(i)rmı s(a)tür*
- (5) *kümüş alıp, oğulluq berdimiz. Men, Toynaq Şilavantı*
- (6) *y(e)mä oğulum Sambudu bilä tüz ülüslüg qılıp,*
- (7) *oğul alnu aldım. Men, Tıtsu bitig qılımış kün*
- (8) *üzä y(i)g(i)rmı s(a)tür kümüş tügäl aldım. Men, Toynaq*
- (9) *Şıla y(e)mä tügäl berdim. Bükünki kün(din) başlap inim*
- (10) *Antsunı ilip-tartıp, čam-čarım qılmış-men. Men*
- (11) *Toynaq Şıla y(e)mä menidä soj püryanım taqī*
- (12) *nekü opraqım, telükim bar ersär, oğulum*
- (13) *Sambudu bilä tüz üläşip alsunlar. Qayusı*
- (14) *bu sawdin ağıssar, biz birär yastuq quwar –*
- (15) *berüşürbiz. Tanuq – Basa Yalawač, tanuq –*

(16) B(e)g Turmiš. Bu bitigni Yaqsıdu Toŋ, Bay Y(a)ŋa

(17) Šila, Tawlaydu Šılalarnıŋ üksindä qıldımız.

(18v) ....

(19v) Bu tamğa biz ikägünүң-ol. Men, Elgür Toŋ

(20v) ayitip bitidim.

Айрим сүз ва сүз бирикмаларининг изоҳлари:

1-2- қаторларда: *men, Tüsü ağam Ančuq bilä aytışır* – “мен, Титсу оғам Анчук билан келишиб, маслаҳатлашиб” деган маънода.

13- қаторда: *tüz üläşip alsunlar* – “тeng бўлишиб олсинлар” деган маънода.

16-17- қаторларда: *Bu bitigni ... larnıŋ üksindä qıldımız* – “Бу хужжатни ... (у)ларнинг иштирокида, улар билан бирга туздик” дегани.

20v- қаторда: *ayitip bitidim* – сўраб ёздим, дегани. Маҳмуд Кошигариининг ёзишича, *ayttı* сўзи “сўради” маъносида ишлатилган: *ol meňä söz ayttı* – у мендан сўз сўради. Ўғузлар *men ajar söz ayittim* (мен у билан сўзлашдим) дейдилар, лекин бу коида эмас [коидага хилоф] (МК.58а).

Матнинг мазмуни:

(1) Сигир йили, саккизинчи ойининг ўн бешинчи куни мен, Титсу оғам

(2) Анчук билан келишиб, оғамнинг тирикчилиги танг ахволда

(3) қолгани учун, иним Антсуни қариндошимиз

(4) Тўйнақ Шилавантига сут ҳаки учун [онанинг эмизган ҳаки учун] йигирма сатир

(5) кумуш олиб, ўғилликка бердик. Мен, Тўйнақ Шилаванти

(6) ҳам (уни ўз туккан) ўғлим Самбуду билан (ўзимдан коладиган меросга) тенг улушли қилиб,

(7) ўғилликка олдим. Мен, Титсу хужжат тузилган куни

(8) йигирма сатир кумушни тугал олдим. Мен, Тўйнақ

(9) Шила ҳам тугал бердим. Бугундан бошлаб иним

(10) Антсуни тортиб олиб, зўрлик қиласман. Мен

(11) Тўйнақ Шила ҳам (ургулайманки), мендан сўнг мол-мулким, яна

- (12) қандай уй-жойим, бойлигим бўлса, ўғлим  
 (13) Самбуду билан тенг бўлишиб олсинлар. (Битим тузаётганлардан) қай бири  
 (14) бу сўздан оғса [битимдан тонса], биз бир ястук кумушдан жарима  
 (15) берурмиз [тўлаймиз]. Гувоҳ – Баса Ялавач, гувоҳ –  
 (16) Бег Турмиш. Бу хужжатни Яқсиду Тўнг, Бай Янга  
 (17) Шила, Тавлайду Шилаларнинг иштирокида туздик.  
 (18v) ....  
 (19v) Бу тамға биз, иккимизницидир. Мен, Элгур Тўнг  
 (20v) сўраб [уларнинг айтганлари бўйича] ёздим.

#### 4

Тўлак Темурнинг Умардан қарзга хўқиз олгани тўғрисидаги васиқа. Ҳозирда Россия ФА Шарқ қўлламалари институтида SI 4820 (SI 0/73) кўрсаткичи остида сақланмоқда.

Матн ўн тўққиз қаторли, оддий югурук хат. Ёзувда *<q>*, *<g>* *<x>* ҳарфлари фарқланмайди. Лекин *bıqırç(a)q* сўзидағи *<q>* икки нуқгали ў билан ёзилган: *بۇقىرچا*.

Хужжатни С.Е. Малов эски уйгурча терма ҳарфларда, транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари билан чоп эттирган. Нашрга васиқанинг факсимили ҳам илова қилинган (Малов 1932,143, таблица VI). Л.Ю. Тугушева ҳам ўз асарида матнни транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан келтирган (УДД,Ра40: 141–142,321).

Матн транскрипцияси:

- (1) Yund yıl ekindi ay,
- (2) toquz y(a)ñıqa, meñä, Töläk
- (3) Temürkä terkän ud
- (4) kergäk bolup, Umar-
- (5) nïñ ala udin terkän
- (6) aldïm. Bu udnïñ
- (7) terijä kuz yanjida a
- (8) iki siğ tarfğ, üç siğ
- (9) yûr berür-men. Bu ud-
- (10) nïñ ölsär, idsär,
- (11) men, Umar berür-men, yoq

- (12) *bolsar, men bilür-men.*
- (13) *Bu udnř onunč ay*
- (14) *bïqirč(a)qqa teginč*
- (15) *išlätmäk boldum.*
- (16) *Tanuq – Nom Quli, tanuq –*
- (17) *Köküs Qaya. Bu nišan*
- (18) *menij-ol. Men, Töläk*
- (19) *Temür özüm bitidim.*

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изохлари:

9–12- қаторларда: *Bu udnř ölsär, idsär, men, Umar berür-men, yoq bolsar, men bilür-men* жумласини Л.Ю. Тугушева рус тилига “[Стоимость] этого вола, если он погибнет (*hend*), отдаю я, Умар. Если он потеряется (букв.: исчезнет), я буду в ответе” деб ўгирган (УДД, Ра.40: 141). Биринчи жумла тўғри талқин килинган. Лекин кейинги жумладаги *yoq bolsar* бирикмасини “если он потеряется (букв.: исчезнет)” дейилиши хато. Чунки бу ўринда иккинчи кимсанинг жавобгарлиги назарда тутилмоқда. Шунинг учун ушбу бирикмани “аксинча бўлса; аксинча бўлган тақдирда; ўлмай тирик қолса” деб тушунмоқ керак.

14- қаторда: Л.Ю. Тугушева *bïqirčaq* сўзини “седло”, *bïqirčaqqä teginč* ни “под седлом [для поклажи]” деб ўгирган. Ушбу сўз кечтан жумлани эса: “Этого вола я намерен использовать “под седлом” [для поклажи] в десятом месяце” деб таржима қилган (УДД, Ра.40: 141–142).

Матн мазмунига қараганда, *bïqirčaq* сўзи ўрим-теримнинг тугаши билан боғлиқ пайтни англатади; у жўналиин келишигидадир; *teginč* сўзи “қадар” деган тушунчани беради; *bïqirč(a)qqa teginč* деганда эса “ўрим-терим тутагунга қадар” деган мазмун англашилмоқда.

Мазмуни:

- (1) От йили, иккинчи ойининг
- (2) тўққизинчи куни, менга, Тўлак
- (3) Темурга ижарага хўқиз
- (4) керак булиб, Умар-
- (5) нинг ола хўқизини ижарага

- (6) олдим. Бу хўқизнинг
- (7) ижара ҳақига кузнинг бошида
- (8) икки сиф буғдой, уч сиф
- (9) тариқ берурман. Бу хўқиз-
- (10) нинг (ҳакини), ўлиб қолса,
- (11) мен, Умар берурман, аксинча
- (12) бўлса, мен (Тўлак Темур) жавоб бераман.
- (13) Бу хўқизни ўнинчи ой
- (14) ўрим-терим тугагунга қадар
- (15) ишлатмак бўлдим.
- (16) Гувоҳ – Нўм Қули, гувоҳ –
- (17) Кўкус Қая. Бу нишон
- (18) меникидир. Мен, Тўлак
- (19) Темур ўзим ёздим.

## 5

Ўн хил кичик тўловлар битими. Ҳозирда Россия ФА Шарқ кўллётмалари институтида ФВ 277/1, О.2 кўрсаткичи остида сақланмоқда.

Ёзуви тартибли, классик китобий услуг билан оддий югурик хатнинг бирикувидан келиб чиқкан (*яримкурсивли / полукурсивное*) хат услубида. Матн учи тўмтоқ йўнилган қамиш қаламда битилган. Ёзувда *<a>* ҳарфи *<ä>* дан фарқли ўлароқ кўшалоқ алиф (*ä*) билан ёзилган: масалан, *ay*, *ləwə* *ara*, *apit* сўзларида; *<q>* нинг устига чизиқчасифат бир нуқта кўйиб кетилган: масалан, *otuzqa*, *qor*, *qorqa*, *burxanqa*, *sijqur*, *qam(a)g* сўзларида.

Матнни Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан чоп эттирган (Тугушева 1975(1); УДД, Ра.23: 112–114, 298).

Матн транскрипцияси:

- (1) *Ud yil, üčünč ay, iki otuzqa biz, qam(a)g on*
  - (2) *kičig qor sewig köjülin, sečü biligin čojuğ qatim(i)z.*
  - (3) *Biz qam(a)g kičig qor yek(i)ml(ä)r, iigačl(a)rtin bulalim.*
- Qutluğ bolsun.*
- (4) *Sağuna Atsarï, Mejiči Vapdu, Yartımlıq Qulunčuq*
  - (5) *yanaql(i)g qutluğ apa ... Bilgä Sijqur,*

- (6) Sökti tözlug Vançor Tay, Yeg Sînjqur, İt Sînjqur,
- (7) Toğan Sînjqur, El Sînjqur, İnal Sînjqur, İtaçuq, Yüz K(e)rä,
- (8) İtsarı, Tiq(a)y, Qulunčuq, Yinčkä Vapdu, İti Sînjqur,
- (9) Qutluğ apa, at(a)m Sînjqur, qutluğ-qıwl(i)ğ bolsun.
- (10) Biz qam(a)ğ kičig qorqa tırkinim(i)z qan törüdä, yoruq
- (11) törüdä iki sığ bugday, on yeti tişürim böz berälim.
- (12) Kim qayu bu on kičig qorda ketäyin tesär, baliq begikä
- (13) başl(i)ğ et bersün, qam(a)ğ kičig qorqa bir sem(i)z qoyn,
- (14) bir qap edgü bor, Tso-so burxanqa bir yivak ton bersün.
- (15) Anin taplaşip, b(e)k bitig qıldımız.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

1-2-, 3- қаторларда: Кўлёzmада кечган ~~хон~~ ~~шакли~~ сўзини Л.Ю. Тугушева *on kičig qor* деб ўқиб, русчага “десять вид малых подношений (выплат?)” деб ўтирган (*қаралсин*, УДД, Ра23: 113–114).

11- қаторда: икки хонали сон *on yeti* шаклида келган. Бироқ, биринчи қаторда *iki otuz* шаклидадир. Бу нарса васиқа битилган даврларда ҳар иккала тартиб аралаш ишлатилганини кўрсатади.

13- қаторда: уйғур ёзуви матнда ~~хон~~ ~~шакли~~ шаклида ёзилган. Л.Ю. Тугушева ҳужжатнинг бир нашрида бу сўзни *başl(a)ğ at* деб ўқиб, русчага “лошадь вольного выпаса” деб ўтирган (Тугушева 1975(1), 94, 96), кейинги нашрида эса *başl(i)ğ et* деб ўқиб, русчага “туша (букв.: мясо) с головой” деб ўтирган. Бу ўринда у П. Займенинг талқинига таянади (УДД, Ра23: 112–114; 10- изоҳга *қаралсин*).

Ушбу бирикманинг *başl(a)ğ at* деб ўқилиб, “лошадь вольного выпаса” дея талқин килинуви тўғри эмас. Ундан бўлганида, *boşl(a)ğ at* деб ёзилган бўларди; ваҳоланки матнда у <a> ҳарфи билан *başl(...)*ğ шаклида ёзилган. Яна кейинги сўз *at* эмас, *et* ўқилади. Чунки кўлёzmада ~~хон~~ сўзи битта *alif* билан ёзилган, агар *at* бўлганида кўшалоқ *alif* билан ёзилган бўларди. Шунинг учун ушбу бирикманинг *başl(i)ğ et* деб ўқилгани тўғри.

Бироқ, юқоридаги талқинда озгина чалғиш бор назаримизда. Чунки ҳозирги ўзбек тилида *tüsh* деганда “кўй ё молнинг тўши; гўштининг бир бўлаги” тушунилади. Чалларида ёки бешик тўйида куда тарафга тўш, яъни тирик мол эмас, балки

гўштининг бир бўлаги берилади. Бундан ташқари, *tana* деган сўз ҳам бор: “қорамол; йирик ҳайвон”, кўпинча “буқа”, “гунажин”, баъзан “тую” англашилади бунинг билан; ўғил тўйида ёки йирик маросимда тана сўйилади. Вилоятларда, кўпинча, чорва билан шуғулланувчи жойларда қуёв томон қиз томонга тана (қорамол) беради. Қиз томон куёвлар келганда тананинг тўшини пишириб дастурхонга қўяди.

Шунинг учун, биз ўрганаётган васиқадаги *başl(i)ğ et* ни “бошли тўш”, яъни “хом гўшт” (“туша с головой”) эмас, балки “тана” (яъни “тирик қорамол”) деб олингани маъқул. Шунга мувофиқ ҳолда унинг сифатловчисини *başl(a)ğ* эмас, *başl(i)ğ* (яъни “бошли”) деб ўқиймиз. *Tana* деганда тирик қорамол (яъни буқа) тушунилади. Ҳозирги ўзбек тилидаги *tana* тушунчаси қадимги туркий тилдаги *başl(i)ğ et* билан бир нарсадир (*başl(i)ğ et=tana*). Шундай деб олингандан, матндан англашилган фикр ҳам изига тушади: шаҳар бекига тана берилади, қолганларга эса ундан кичикроқ бўлган қўй ва бошқа нарсалар берилади. Мана мисоли: *baliq begikä başl(i)ğ et bersün, qat(a)ğ kiçig qurqa bir sem(i)z quoyn, ... bersün* – шаҳар бекига бошли эт (яъни тана) берсин, барча кичик қурга бир семиз қўй, ... берсин.

14- категорда: Л.Ю. Тугушева *tso-so burxan* ни “извяние будды” деб талқин қилиб, *tso-so burxanqa bir yivak ton bersün* жумласини “(отдаст) для (извания) будды одно шелковое (?) одеяние (~халат)” деб таржима қилган (УДД.Ра23: 113). Бизнингча, бу ўринда *burxan* сўзини “бут” деб эмас, “роҳиб” деб олингани маъқул (яъни *Tсў-сў роҳиб*).

15- категорда: *bek bitig* – “таянч, ишончли ҳужжат”; *bek* – “маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам” сўзидан.

### Матнинг мазмуни:

- (1) Сигир йили, учинчи ойининг йигирма иккинчи куни биз, барчамиз ўн (хил)
- (2) кичик кўр[тўлов]ни очик кўнгил ва соғлом ақл билан белгилаб олдик.
- (3) Биз барча кичик кўр [тўлов] учун (маблағни) экинлар ва (мевали) дарахтлардан оламиз. Кутлуғ бўлсин!
- (4) Сағуна Атсари, Менгичи Вапду, Яртимлиғ Кулунчак,

- (5) ер эгаси кутлуғ бобом ... Билга Сингқур,  
 (6) Сүкти наасабли Ванчұр Тай, Ег Сингқур, Ит Сингқур,  
 (7) Тұған Сингқур, Эл Сингқур, Инал Сингқур, Итачук, Юз  
 Кера,  
 (8) Итсари, Тиқай, Қулунчук, Йинчка Вапду, Ити Сингқур,  
 (9) Кутлуғ бобо, отам Сингқур, кутли-саодатли бұлсын.  
 (10) Биз барча кичик құрга хукумдоримиз хон қонун-  
 қойдалари  
 (11) бүйіча икки сиғ буғдой, үн еті үрам бұз берайлик.  
 (12) Кимда-ким бу үн кичик құрдан кечаман деса, шаҳар  
 бекига  
 (13) бошли эт (яьни тана) берсин, барча кичик құрга бир  
 семиз күй,  
 (14) бир меш тоза май, Тсү-сү рохибга бир ипаклик кийим  
 берсин.  
 (15) Шунга келишиб, ишончли хужжатни туздик.

## 6

Мунгсуз Қаянинг Турмиш Темурга берган тилхати. Ҳозирда Россия ФА Шарқ құләзмалари институтида SI Kr IV/618 құрсаткичи остида сақланмоқда.

Езуви оддий югурик (курсивли) хат, учли қамиш қаламда шошиб ёзилгани билиниб турибди. Матннинг айрим жойлари ўчыб кеттган.

Матнни Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изохлари ва факсимили билан чоп эттирған (Тугушева 1975(1); УДД, Ра.39: 140–141, 320).

Матн транскрипцияси:

- (1) *İt yıl, s[ekɪ]zinč ay, y(i)g(i)rmi altıqa men,*
- (2) *Muñsuz Qa(y)a Turmîş Temürkä bitig berür-men.*
- (3) *Apamnij Öğürükçä Temürkä ülüs qıl(I)p qodmiš,*
- (4) *čuğ adırıp, Tiňażä borluqinqa ...*
- (5) *bitig ... čın tep. Čm üçün Tiňażädin*
- (6) *satqinq almıš baş bitigin berip, bu borluqqa*
- (7) *čamüm qarqaşä yoq tep bitig berdim. Mundin*
- (8) *soñgra men özüm, oğlarım (oğlanım?), ağa-inim,*
- (9) *onluğum, yüzlüğum (yüzlüğüm?), kim-kim mä čam*

- (10) qarqaşa qىلmasunlar. Čamlasarlar, söz-
- (11) lärimiz yorimasun. Bu sözkä Qora Qïdar tanuq,
- (12) Külç-Temür, Ač-Buqa, Tügäl Q(a)ya, Buyan Q(a)ya tanuq.
- (13) Bu nişan men, Mujsuz Q(a)yanış-ol. Men, Toqta
- (14) Mujsuz Qayaqa aydt(i)p bitidim.

Айрим сүз ва сүз бирикмаларининг изохлари:

8- қаторда: *sonğra* сўзи уйғур ёзувли матнда ~~سونقىرا~~ (*sonkğara*) шаклида ёзилган. Бундай хусусият имлода бор. Чунки бу сүз йүғон талаффузли бўлиб, [y] нинг йүғон вариантини бериш учун <n> ва <k> га <g> ҳарфи кўшиб кўйилади; <g> билан <r> ўртасидаги <-a-> эса иккала ҳарфни улаш учун ишлатилган. Мазмунига кўра “сұнг, сұнгра” сўзига тұғри келади: *Mundin sonğra men özüt* – бундан сұнг мен үзим.

8- қаторда: *oğlارım*; кўлёzmада бу сүз ~~اوچانىم~~ шаклида ёзилган. Бизнингча, ~~اوچانىم~~ *oğlanıım* бўлиши керак; афтидан, <n> нинг ўрнига янгишиб, кўпликдаги *oğullarıım* сўзини хаёл қилган шекилли, <r> ҳарфини ёзib юборган. Аслида *oğlanıım* сўзида ҳам кўплик бор: -an кўшимчаси билан берилган.

9- қаторда: *onluğım, yüzlüğım* – яқин кишилар, туғушганлар кўзда туттилмоқда.

9-, 10- қаторларда: уйғур ёзувли матнда ~~ئەنچە~~ шаклида ёзилган. Л.Ю. Туғушева хужжатнинг бир нашрида уни *qaraqş-a* (Туғушева 1975(1),95), кейинги нашрида эса *qaragş-a* (тяжба) деб ўқиган (УДД, Ра.39: 140).

Бизнингча, бу сўзни *qarqaşa* деб ўқилгани маъқул (*xarxaşa* бўлуви ҳам мумкин); “жанжал, хархаша” маъносида; *çat-qarqaşa* эса жуфт сўз. Чоғиширинг, ҳозирги ўзбек тилида: *хархаша, хархаша қилди*.

Матнинг мазмуни:

- (1) Ит йили, саккизинчи ойининг йигирма олтисида мен,
- (2) Мунгсуз Қая Турмиш Темурга хужжат берурман.
- (3) Бобомнинг Ўгурукча Темурга тақсимлаб қўйган,
- (4) бутунлай ажратиб, Тингаза узумзорига ...
- (5) хужжат ... чин деб. Асл (хужжат бўлгани) учун Тингазадан

- (6) сотиб олинган бош хужжатни бериб, бу узумзорга
- (7) даъвоим-зўрлигим йўқ деб хужжат бердим. Бундан
- (8) сўнгра мен ўзим, болаларим, оға-иним,
- (9) ўнлигим, юзлигим, кимда-ким бўлмасин, даъво-жанжал
- (10) қилмасинлар. Даъво килсалар, сўз-
- (11) ларимиз ўтмасин. Бу сўзга Кўра Қидар гувоҳ,
- (12) Куч-Темур, Ач-Бука, Тугал Қая, Буян Қая гувоҳ.
- (13) Бу нишон мен, Мунгсуз Қаяникидир. Мен, Тўқта
- (14) Мунгсуз Қаядан сўраб [унинг айтиб тургани бўйича] ёздим.

7

Ўзмиш Тўғрилга олди-бердида ишлатиш учун кумуш керак бўлиб, ўз узумзорини Баса Тўғрилга узил-кесил сотгани тўғрисидаги васиқа. Айни чоғда хужжатнинг оригинали йўқолган. Унинг бир пайтлар олинган фотонусхаси Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланмоқда, у ФВ 77,3Kr 36 кўрсаткичи остида рўйхатга олинган.

Матн яхши сақланган, узук-юлук ёки қофозининг чириб, узилиб тушган жойи йўқ. Анча тартибли ёзилган, оддий югурик хат. Тўрт жойга – бошланишда биринчи ва иккинчи каторлар устига, саккиз ва тўққизинчи каторларга эа икки жойга, сўнгти икки каторнинг охирига чўзиқроқ, усти эгиксимон тўртбурчакли муҳр-тамға урилган.

Хужжат фотонусхаси асосида Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимилини чоп эттирган (УДД, Прол: 17–18,225). Биз ҳам унинг факсимилига таяндик.

Матн транскрипцияси:

- (1) Kuskü yıl, üčünč ay, alfi yanjiqa meňä, Ozmiš Toğ[r]ıl-
- (2) qa yuŋlaqlig kümüs kergäk bolup, öz borluqumni
- (3) Basa Toğ[r]ılqa toğuru tumlitu satdim. Satig kümüşin
- (4) īncä sözläşdim(i)z: bir yastuq beş sütir kümüşkä
- (5) kesişdimiz. Bu bir yastuq beş sütir kümüşüg bitig
- (6) qılımış kün üzä <...> m(e)n, Basa Toğ[r]ıl tügäl berdim. M(e)n,
- (7) Ozmiš Toğ[r]ıl y(e)mä tügäl tartip aldäm. Bu borluqnuj

- (8) sičisi: öндүн yïňaq, Basa Toğ[r]ïlnïj borluq adırar;  
 (9) kündün yïňaq, uluğ yol adırar; tağdin yïňaq, Polat  
 (10) Buqaniň ögän adıfrar; kedin yïňaq, Qut aruqnuj  
 (11) vrx(a)rliq borluq adırar. Bu tört sičiliq borluq üzä  
 (12) miň yıl, tümän künkä tegi Basa Toğ[r]ïl erklig bolsun.  
 (13) Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adın kisikä ötkürü  
 (14) satsun. M(e)n, Ozmiš Toğ[r]ïlnïj inim, ečim, tuğmîšim,  
 (15) qadaşim, kim y(e)mä čam-čarım qılmasunlar. Apam  
 (16) čam-čarım qılgalı saqınsarlar, bu borluq teñinčä iki  
 (17) borluq Basa Toğ[r]ïlqa yaratu berip, yulup alsunlar. Tanuq –  
 Burxan
- (18) Quli, tanuq – Y(a)rp Toğ[r]ïl, tanuq – Vaptso. Bu tamğa  
 m(e)n, Ozmiš-
- (19) nüj-ol. Men, Esän tudur ayüütp bitidim.

Айрим сүз ва сүз бирикмаларининг изохлари:

1- қаторда: *Ozmiš Toğ[r]ïl* – киши оти. Маҳмуд Кошғарий бу отнинг маъноси тұғрисида шундай ёзади: *toğrïl* – йирткىч қүшлардан бири. Бу мингта ғозни ўлдириб, биттасинигина ейди. Бу сүз эркаклар оти ўрнида ҳам күлланади (МК.121b).

8- қаторда: *sičisi* – “чегараси” маъносида.

17–18- қаторларда: *Burxan Quli* – киши оти; маъноси “Будданинг қули” дегани, бу киши будда жамоасидан бўлгани учун ана шундай аталган. Бу ҳозирги тасаввуримиздаги *Худойқул*, *Тангриқул* отларига тұғри келади.

Матннинг мазмуни:

- (1) Сичқон йили, учинчи ойининг олтинчи куни менга, Үзмиш Тұғрил-
- (2) га (олди-бердида) ишлатиш учун кумуш керак бўлиб, ўз узумзоримни
- (3) Баса Тұғрилга узил-кесил сотдим. Тўланадиган кумуш (миқдори)ни
- (4) шундай сўзлашдик: бир ястук-у беш ситир кумушга
- (5) кесишпдик. Бу бир ястук-у беш ситир кумушни хужжат
- (6) тузилиган куни мен, Баса Тұғрил тугал бердим. Мен,
- (7) Үзмиш Тұғрил ҳам (унинг қўлидан) тўлик ўлчаб, санаб олдим. Бу узумзорнинг

(8) чегараси: шарқ тарафдан, Баса Тұғрилнинг узумзори айиради;

(9) жануб тарафдан, улуг йүл айиради; тоғ тарафдан [яъни шимолдан], Пұлат

(10) Бұқанинг үзани айиради; ғарб тарафдан, Күт аруқнинг

(11) ибодатхонага қарашли узумзори айиради. Бу түрт чегара оралиғидаги узумзорга

(12) минг йип, туман кунга қадар Баса Тұғрил әгалик қылсын.

(13) Истаса, ўзи тутсын, истамаса, бошқа кишига сотиб

(14) юборсин. Мен, Үзмиш Тұғрилнинг иним, оғам, туғышланларим,

(15) қариндошим, ким бұлмасин, жанжал құлмасынлар. Агар

(16) жанжал қилишни үйласалар, бу узумзорга тенг икки

(17) узумзорни Баса Тұғрилга топиб бериб, (сұнг) тортиб олсынлар. Гувоҳ – Бурхан

(18) Қули, гувоҳ – Ярп Тұғрил, гувоҳ – Ваптсұ. Бу тамға мен, Үзмиш-

(19) никидир. Мен, Эсан тудунг сұраб [яъни уларнинг айтиб туриши бүйича / уларнинг оғзидан] ёздим.

## 8

Солиқ тұланғанлигини тасдиқловчи тилхат. Айни чөдә хужжатнинг оригиналі йүқолған. Унинг бир пайтлар олинган фотонусхаси Россия ФА Шарқ құләзмалари институтида сақланмоқда, у ФВ 77, 3Кр31а күрсаткичи остида рүйхатта олинған.

Ёзуви оддий югурик хат, майда ҳарфларда битилған. Учта жойға – матннинг бошланиши, үртаси ва охирги қаторларининг устига доира бичимли мухр-тамға урилған.

Хужжатнинг фотонусхаси асосида Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изохлари ва факсимилини чоп эттирган (УДД, Раб: 94–95, 287). Биз ҳам унинг факсимилига таяндик.

Матн транскрипцияси:

(1) Qoyn yıl, č(a)qš(a)put ay, y(i)g(i)rmikä m(e)n, Yuqa

(2) Basa Togrılnıj Sewig Bürt bilä-

(3) ki č(a)mlığ, Edgü Qonturulmiš olar bilä

- (4) bitig qılıp bermiš asığlıq kümüş-
- (5) tin Basa Toğrılñij basıgqa teg-
- (6) miš sekiz sütür kümüşüg men, Yuqa
- (7) aldim. Ög bitigin tıd(i)p, Basa Tog[r]ıl-
- (8) qa čamüm yoq. Özkä onluqlarınta
- (9) čamüm üzülmäytükkä ög bitigin
- (10) bermädim. Tanuq – Tomu, tanuq – Polat.
- (11) Bu t(a)mğa m(e)n, Yuqanij-ol.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

1- қаторда: *č(a)qş(a)put ay* – турк-будда тақвими бўйича сўнгти ўн иккинчи ой, рўза ойи (*қаралсин*: ДТС, 140).

3- қаторда: *č(a)mliğ* – “жанжалли, жанжалга учраган” маъносida.

5–6- қаторларда: *basıgqa tegmiš* – босиб қолинадиган, чегириб қолинадиган.

7- қаторда: *tıd(i)p* – “тийиб, чеклаб” дегани. Чоғиширинг, Махмуд Кошгариј луғатида: *tidiş* – тийиш, ман қилиш (МК.103а). Ёки, ҳозирги ўзбек тилида *ўзини тийди* деймиз, маъносин “ўзини босди; ўзини чеклади” дегани.

Матннинг мазмуни:

- (1) Кўй йил, чаҳшапут ойининг йигирманчисида мен, Йуқа
- (2) Баса Тўгрилнинг Севиг Бурт билан
- (3) жанжал келтириб чиқарган, Эдгу Кўнтурулмиш улар билан
- (4) хужжатлаштириб берган, фойда учун кўйилган кумуш-
- (5) дан Баса Тўгрилнинг босиб қолинажак
- (6) саккиз ситир кумушини мен, Йуқа
- (7) олдим. Асл хужжатни олгач, (энди) Баса Тўгрилга
- (8) даъвоим йўқ. Ўзга тувишганларим билан
- (9) жанжалим тугамагани учун асл хужжатни
- (10) бermädim. Гувоҳ – Тўму, гувоҳ – Пўлат.
- (11) Бу тамға мен, Йуқаникидир.

## 9

Темур исмли кимсанинг уч киши учун тенг тақсимланган кумушни тутиб турганлиги тўгрисида берган тилхати. Айни

чогда хужжатнинг оригинали йўқолган. Унинг бир пайтлар олинган фотонусхаси Россия ФА Шарқ кўлёзмалари институтида сақланмоқда, у ФВ 277/7,49 кўрсаткичи остида рўйхатга олинган.

Ёзуви оддий югурик хат, қуюқ сиёҳда битилган. Шошиб ёзилгани билиниб турибди. Жами саккиз қатор, сўнгти қатори ярмига ҳам етмаган.

Хужжат фотонусхаси асосида Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимилини чоп эттирган (УДД, Ра7: 96,287). Биз ҳам унинг факсимилига таяндик.

Матн транскрипцияси:

- (1) Sekizinč [ay], sekiz yanji-
- (2) [qa] asīg üzä ... kä, Tolu-
- (3) qa, Bulmīšqa, bular, üčägükä
- (4) teküz bermiš bir yarım
- (5) s(a)tür kümüšni m(e)n, Temür ald(i)m.
- (6) Bitigni qačan bitilip alip
- (7) k(e)lsär, asīgin bir baqır kümüš-
- (8) ni berür-m(e)n.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

4- қаторда: *teküz bermiš* – “тeng taқsimlanғan” маъносида.

6-7- қаторлар: *Bitigni qačan bitilip alip k(e)lsär* – “Хужжатни қачон битиб олиб келсалар” дегани.

Матннинг мазмуни:

- (1) Саккизинчи ойнинг, саккизини куни-
- (2) да фойдаси билан ... га, Тўлу-
- (3) га, Булмишга, буларнинг учовига
- (4) teng taқsimlanмиш бир ярим
- (5) сатир кумушни мен, Темур олдим.
- (6) Хужжатни қачон битиб олиб
- (7) келсалар, фойдаси билан бир бақир кумуш-
- (8) ни берурмен.

Ара Темурнинг Тури бахшига йўллаган кўрсатмаси, ёрлиғи. Ёрликнинг мазмунига қараганда, Ара Темур беклардан эди. Ёрликда сотувга қўйилаётган узумзор тўғрисида сўз боради.

Хужжат ҳозирда Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида ФВ 277/6, 24 кўрсаткичи остида сақланмоқда. Ёрликни Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изохлари ва факсимили билан чоп эттирган (УДД, Ра.34: 134–135, 316).

Ёзуви оддий югурик хат, лекин тартибли. Айрим ўринларда бошқа товушлардан фарқлаш учун *<q>* нинг устига икки нуқта қўйиб кетилган: *борлуқ borluq*, *қуруқ quruq* сўзларидаги сингари. Ёки айрим ўринларда *<n>* нинг устига бир нуқта қўйиб кетилган.

Матн транскрипцияси:

- (1) Ara Temür sözüm Turı b(a)qšíqa.
- (2) Seniŋ borluquňi el ...
- (3) küčägip īnal [Q]očqa sats(i)di.
- (4) M(e)n bodun birlä tapışip, s(e)niň
- (5) satmisiň ... bulunup, m(e)ňä
- (6) ornünta borluq berm(ä)kči boldi.
- (7) Amtü s(e)ňä sözüm, borluquň-
- (8) niň ornünta borluq til(ä)sä-m(e)n,
- (9) borluq beräyin tep turur,
- (10) til(ä)m(ä)sä-m(e)n, bitip q(a)lip turur.
- (11) Töl(ä)č quruq q(a)lmay(i)n tesär-s(e)n,
- (12) s(e)ndäki idiş bitigni berip,
- (13) m(e)ňä čin baš bitig qiliп
- (14) idgil. Bitig kelmiştä ornün-
- (15) ta borluq tiläp alayin. Seňä
- (16) borluquňiň satığın kuzkäd(ä)ki
- (17) qiliп qodayin. Bolmasa, s(e)n quruq
- (18) qaldač(i)ň.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

4- қаторда: *tapişip* – “келишиб, бир фикрга келиб” дегани; *bodun* – сўзма-сўз “халқ, улус” дегани; бу ўринда “жамоа” маъносида келган. *M(e)n bodun birlä tapişip* деганда “мен жамоат билан кенгашиб” тушунилади.

12- қаторда: *idış bitig* – тўлов хужжати, тўлов қоғози; квитанция.

13- қаторда: *čin baš bitig* – чин бош хужжат; асл хужжат.

Матн мазмуни:

- (1) Ара Темур сўзим Турби бахшига!
- (2) Сенинг узумзорингни эл ...
- (3) Инал Кўчга сотишни истади.
- (4) Мен жамоат билан кенгашиб, сенинг
- (5) сотишинг чин топилгани учун, менга
- (6) (унинг) ўрнига (бошқа) узумзор бермакчи бўлди.
- (7) Энди сенга айтадиган сўзим, узумзоринг-
- (8) нинг ўрнига (жамоадан бошқа) узумзор сўрасам,
- (9) узумзор берайин деб турибди,
- (10) сўрамасам, битиб қолиб турибди.
- (11) (Узумзонинг) пулидан куруқ қолмайин десанг,
- (12) ўзингдаги тўлов хужжатини бериб,
- (13) менга чин бош хужжат қилиб
- (14) юборғил. Хужжат келгач, (сеникининг) ўрни-
- (15) га (бошқа) узумзор сўраб олайин. Сенга
- (16) узумзорингнинг хақини кузда
- (17) тўлаб берайин. Бўлмаса, сен куруғ
- (18) қолажаксан.

## 11

Хужжат ҳозирда Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида SI 1449 (SI Kr IV/329) кўрсаткичи остида сақланмоқда.

Хужжат хитойча матн битилган қоғознинг терс ёғига қиялатиб ёзилган. Хатининг жойлашишига қараганда, қоғозининг ўзи қиялатиб қирқилган. Қоғозининг тепаси, чап

ёғи ва таги чириб, айрим жойлари узилиб тушган. Биринчи қаторининг охирги сўзи ва сўнгти қаторидаги матн ҳам узилиб тушган. Хати оддий, шошиб ёзилгани билиниб турибди.

Матнда [q] ни ифодалаш учун **q** нинг устига қўшалоқ нукта кўйиб кетилган: **qipri**, **qudī** сўzlаридаги сингари.

Хужжатни Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изоҳлари ва факсимили билан чоп эттирган (УДД,За.4: 41,241).

Матн транскрипцияси:

- (1) Yılan yıl, b[ir] yigirmiň ay, alti o[tuz]qa
- (2) meňä ... layqa qunpu kergäk bolup, Bičm...
- (3) saňta yüz qunpu aldim. Qač ay tutsar-
- (4) men, ay sayi beşär qunpu berür-men.
- (5) Berginčä örü-qudī bolsar-men, inim
- (6) Bilär köni bersün. Tanuq – Ali
- (7) Qalunuq, tanuq – Semär.
- (8) ... biz Atsiz ...

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳлари:

5- қаторда: *Berginčä örü-qudī bolsar-men* – *Бергунча юқори-күйи бўлсам [яъни борим бор, йўғим бор / бой ёки қашишок бўларман /бирор кориҳол бўлса].*

Л.Ю. Тугушева ушбу жумлани русчага: “Если ко времени возвращения [долга] я буду отствовать (букв. буду наверху или внизу /// на юге или на севере)” деб таржима қилган (УДД,За.4: 41). Таржимада “на юге или на севере” деганда у П. Займенинг талқинига таянади. Чунки П. Займе *örü-qudī* ни кутбларга (Жануб ва Шимолга) нисбат берган, яъни матндағи *örü-qudī bolsar-men* бирикмасини “Жанубда бўламанми, Шимолда бўламанми, (катъи назар)” дея талқин қилган (*uşa erdagи икки юлдузли изоҳга қаралсин*).

Кўни Куз отли хўжайнинг Бурхан Қули отли қулига берган эрк ҳужжатида *örü* ва *qudī* билан боғлиқ қизиқ бир

жумла бор: *Bu kiintä mïnča Burxan Qulinij ya örü taǵqa, qudi qumtqa barsar, öz köŋülinčä bıuyan berip yorisun.* (Бугундан бошлиб Бурхан Күлиниң (эрки ўзида), юкори тоқقا (борадими), қуи күмга борадими, ўз күнглича йўл тутсин, савоб учун юраверсин) (QTH № 29.8–10).

Ушбу örü taǵqa, qudi qumtqa barsar жумласидаги örü taǵ – “юкори тоғ” ҳамда qudi qumt “куи күм; текислик” ўзаро қаршилантириш йўли билан бадиий ифода ҳосил қилинмоқда; “юкори тоқقا (борадими), қуи күмга борадими” деган маънода, яъни “истаган ерида; ҳамма ерда (эркин юраверсин)” англамида келган.

Юқорида тилга олинган васиқада эса бир оз фарқли: унда örü-qudi bol- бирикмаси олим-беримга нисбатан ишлатилган бўлиб, бойлик ва йўқчиликни англатади: örü bol – “юкори бўлмоқ; юкорига кўтаришмак”, яъни “тўкинчиликда яшамоқ; бойимоқ”; qudi bol – “куйиликка инмак”, яъни “қашшоқлашмок” дегани; örü-qudi bol – “юкори-куи бўлмоқ”, яъни “қашшоқлашмок; хеч нарсасиз қолмоқ” маъносидадир.

Сўзларни жуфтлаш орқали янги маъно ҳосил қилиш ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: дўст-душман бор деганда “душманлардан эҳтиёт бўлиш”, оқ-қорани таниди деганда “ҳаётда ҳар кандай кишиларни кўрди; ёмондан эҳтиёт бўлишини ўрганди” тушунилади ва б. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, örü-qudi bolsar-men жумласини “юкори-куи бўлсам; хеч нарсасиз қолсам; қашшоқлашиб қолсам” дея талқин қилингани маъқул.

Васиқада кечган örü-qudi bol- ифодасининг яъна бир маъноси бор, бу “ўлим” билан боғлиқ: örü bol – “юкорилашмок”, яъни “яшамоқ”; qudi bol – “куи бўлмоқ; инмоқ”, яъни “ўлмак”; örü-qudi bolsar-men – “(мабодо) ўлиб кетсам / борман-йўқман” дегани. Матн ҳам шунга яраша талқин қилинади.

Мулоҳазалар асосида висиқадаги Bergincä örü-qudi bolsar-men, intim Bilär könı bersün жумласини “Бергунча юкори-куи бўлсам [яъни борим бор, йўғим бор / бой ёки қашшоқ бўларман / бирор кориҳол бўлса], иним Билар уни албатта қайтарсан” дея ўгирамиз.

Матн мазмуни:

- (1) Илон йили, ўн биринчи ойининг йигирма олтинчи куни
- (2) менга, ... лайга кийимлик мато керак бўлиб, Бичм...
- (3) сангдан юз дона кийимлик мато олдим. Қанча ой ишлатсан,
- (4) ой сайин бештадан мато бераман.
- (5) Бергунча юқори-қуий бўлсам [ъяни борим бор, йўғим бор / бой ёки қашшоқ бўларман /бирор кориҳол бўлса], иним
- (6) Билар албатта қайтарсин. Гувоҳ – Али
- (7) Қалинуқ, гувоҳ – Семар.
- (8) ... биз Атсиз ...

## 12

Булмиш отли кишининг Кўсунчидан кумуш қарз олганлиги тўғрисидаги васиқа. Хужжат ҳозир Россия ФА Шарқ кўлёзмалари институтида SI Uig 16; ФВ 77,16 кўрсаткичи остида сақланмоқда.

Хати оддий, югурик хат; идора хизматчиси битганига қарамай, унчалик чиройли ҳам эмас. Баъзи ўринда *<q>* ҳарфининг устига икки нуқта қўйиб кетилган. Масалан, *Ayqt(a)sī*, *Bo[r]luqſī* сўзларида; *<n>* ҳарфининг устига эса бир нуқта қўйиб кетилган: *bolsar-men*, *inim* сўзларида.

Матннинг учта жойига – биринчи қаторнинг бошлиниши, 5–6- қаторларнинг ўртаси ва 8–9- қаторларнинг охирига чўзиқ тўртбурчак бичимли тамға босилган. Сўнгги *bitidim* сўзи 9- қаторнинг охирига битилиб, тамға унинг устига урилган.

Қоғозининг айрим жойлари чириб тушган. Чириган ва тамғанинг тагида қолган сўзларни ўқиб олиш қийин.

Хужжатни Л.Ю. Тугушева транскрипцияси, русча таржимаси, изохлари ва факсимили билан чоп эттирган (УДД.За.13: 48,248).

Матн транскрипцияси:

- (1) [Ta]qıǵu yıl, beşinč ay, sekiz yanjıqa meňä,
- (2) Bulmışqa kümüş ker[gä]k bolup, Kösünčitā
- (3) tört satır kümüş aldım. Bir ayda birär
- (4) baqır kümüş asığ birlä köni berür-m(e)n.
- (5) Berginčä ičtin-taštin bolsar-men, inim
- (6) Ayqt(a)čı (?) köni bersün. Tanuq – Polar (?)
- (7) Bo[r]luqčı, tanuq – Kesäčük. Bu tamğa m(e)n,
- (8) Bulmışnıň-ol. Men, Yam-čor Tu ayitiň
- (9) bitidim.

Айрим сүз ва сүз бирикмаларининг изоҳлари:

2–3- қаторларда: *Kösünčitā tört satır kümüş aldım*. – “Күсунчидан тўрут сатир кумуш олдим” дегани; *-tä* – чиқиши келишиги қўшимчаси.

5- қаторда: *Berginčä ičtin-taštin bolsar-men* – сўзма-сўз “Бергунча ичкарида ё ташқарида бўларман”, яъни “Бергунча ўз уюмда ё ташда – узок жойларда бўларман” деган маънодадир.

Матн мазмуни:

- (1) Товуқ йили, бешинчи ойининг саккизинчи куни менга,
- (2) Булмишга кумуш керак бўлиб, Күсунчидан
- (3) тўрут сатир кумуш олдим. Ҳар ойда бир
- (4) бакирдан кумуш фойдаси билан албатта тўлайман.
- (5) Бергунча ичкарида ё ташқарида [ўз уюмда ё ташда – узок жойларда] бўларман, иним
- (6) Айқтачи (?) албатта берсин. Гувоҳ – Пўлар (?)
- (7) Бўрлукчи, гувоҳ – Кесачук. Бу тамға мен,
- (8) Булмишникидир. Мен, Ям-чўр Ту сўраб [Булмишнинг айтганлари бўйича]
- (9) ёздим.

## ЯЛПИ ХУЛОСАЛАР

Илк ўрта асрларда яратилган туркий васиқаларни лингвистик ва текстологик жиҳатдан ўрганиш куйидаги хулосаларни айтишга имкон беради:

(1) Ёзув – кишилик тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири. Кишилик тарихидаги барча юсалишлар, улуг цивилизацияларнинг асосида ёзув ётади. Ёзув яратилмаганида жамият бундай юксалишларга эришмаган бўларди.

Илк ўрта асрлардан қолган васиқаларнинг катта бир қисми уйғур хатидадир. Ҳужжатчилик ишларининг уйғур ёзувда олиб борилгани, айниқса, васиқаларнинг ана шу ёзувда эканлиги, ўша замонларда унинг мавқеи ва қўлланиш доираси ниҳоятда кенг бўлганидан далолат беради.

(2) Уйғур алифбосида ҳарфлар сони оз бўлишига қарамай, ёзувнинг имло принциплари туркий тилнинг фонетик-фонологик, морфонологик хусусиятларига таянган ҳолда мукаммал бир даражада ишлаб чикилган эди. Шунинг учун ҳам, уйғур хати юзийиллеклар оша ишлатилди, аждодларимизнинг бебаҳо меросини, маънавий тафаккури маҳсулини кунимизга қадар етказиб келди. Илк ўрта асрлардан қолган васиқалар ҳам ана шундай обидалардандир.

(3) Васиқаларни олди-берди килиб турган кимсалар битадими, маҳсус баҳшилар ёки идора ходими битадими, бундан қатъи назар, саводхонликка алоҳида ургу берилган. Уларни битища матннинг имлоси, хатосиз, ёзма адабий тил ўлчовлари доирасида бўлишига эътибор берилган. Шунинг билан бирга, ҳужжатчиликда расмий матнлар учун ишлаб чиқилган стилистик ўлчов ва қолипларга амал қилиниши керак эди.

Васиқаларнинг тил ва услубий хусусиятлари илк ўрта асрларда турк жамиятида ҳужжатчилик ишлари ҳамда хукукий саводхонлик юқори даражада эканидан далолат беради.

(4) Васиқалар учун, уйғур ёзувининг уч хил услуби танланган: энг оммалашгани ёзувнинг югурек (яъни курсиевли ҳат) тури; ёзувнинг классик китобий услуби (яримквадрат /

*полуквадратное); классик китобий услугуб билан оддий югурек хатнинг бириквидан келиб чиқсан (яримкурсивли / полукурсивное) ёзув тури.*

(5) Кўлёзма манбаларда тиниш белгилари ишлатилган эмас. Ўтмишда матндан гап чегарасини аниқлаб олиш ўкувчининг билим ва тафаккурига, идрокига юклатилар эди. Матнни ўқиётган киши унинг мазмуни, фикр тугаллигига таяниб, гап чегарасини аниқлаган; матн шунга қараб тушунилади.

Ёзма манбаларда гап чегарасини аниқлашдаги бош ўлчов – мантиқ, фикр бутунлиги ва гапнинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир. Ёзма ёдгорликларни ўқиётганда фикр тугаллиги, матн мазмуни ва эски туркий тилнинг синтактик хусусиятларини инобатга олган ҳолда гапларни чегаралаб олиш мумкин.

(6) Васиқаларда гап тури хужжатнинг тури, мақсади, матн компонентларига қараб танланади. Жумладан, олди-берди васиқаларида унинг тузилган санаси, сабаби, олди-бердининг миқдори, битимнинг бошланғич шартлари, васиқа тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар, хужжат кимлар ўртасида тузилаётганини англатувчи маълумотлар дарак гап шаклида тузилади. Белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг қўшимча кафолатланувини англатувчи маълумотлар эса буйруқ гап шаклида тузилади.

Кулларга эркинлик берувчи ёки мулкни сотиш билан боғлиқ ҳолда тузилган васиқаларда эса хужжат тузилаётган сана, кимга эркинлик берилаётгани ёки мулк кимга сотилаётгани, хужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар, хужжатни тузувчи кимса ҳақидаги маълумотлар дарак гап шаклида тузилади. Кул ёки мол-мулкнинг бундан бўёнти эгасига берилаётган доимий эгаликнинг кафолатланувини англатувчи жумлалар эса буйруқ гап шаклида тузилади.

(7) Васиқаларда жумлалар содда ва қўшма гап шаклида келади. Гаплар, ўрни билан, мураккаб қўшма гап шаклида ҳам тузилади. Васиқаларнинг ilk компоненти мураккаб қўшма гап шаклида бўлиб, таркибида сабаб эргаш гапли қўшма гап катнашади. Бунда эргаш гап воқеа-ходисанинг юзага келишига

түрткі бўлган сабабни кўрсатса, бош гап айни сабабдан келиб чиққан натижани англатади.

Олди-берди васиқаларида белгиланган берим кечикса ёки тузилаётган битим бузилгудек бўлса, унинг кўшимча кафолатланувини англатувчи, шунингдек, кул ёки мол-мулк савдоси билан боғлиқ васиқаларда унинг бундан бўёнги эгасига берилаётган доимий эгаликнинг кафолатланувини англатувчи жумлалар шарт эргаш гапли қўшма гап шаклида тузилади.

Хужжат тузиш жараёнини кузатиб турган гувоҳлар тўғрисидаги маълумотлар боғловчисиз қўшма гап шаклида келади. Кўпинча бундай гапларда “гувоҳ” сўзи билан бирга ўша гувоҳнинг исми-шарифи кўрсатиб кўя қолинади. Бунда содда гапларнинг бош бўлаклари – эга ва кесими ўзаро тенг муносабатли бўлади.

(8) Ҳозирги тишлигуносликда расмий услуг учун белгиланган ўлчовларни ҳеч бир ўзгаришсиз қадимги туркий тилдаги расмий битигларга, қолаверса, илк ўрта асрлар хужжат-чилигига нисбатан кўллаш ўзини оқламайди. Сабаби, ўша давр хужжатларида, ҳозирги тишлигуносликда расмий услуг учун қатъийлаштириб кўйилган белгилардан ташқари, оғзаки услугуга, бадий матнларга хос воситалар ҳам учраб туради. Битувчи-котиблар фикрни теран англатиш, унинг таъсирини кучайтириш, висиқани мазмунли ва ширали баён қилиш, матн услугбининг силлиқ ва оҳангдор чиқиши учун, ўрни билан, бадий воситалардан ҳам фойдаланган. Хужжатлар услубига оғзаки, сўзлашув услуби билан бир қаторда, бадий тафаккурнинг, бадий услубнинг, қадимги туркий адабиётнинг таъсири бўлган. Шундай қилиб, висиқаларда оғзаки ва бадий услугуга хос бўлган стереотип жумлалар тизими амал қиласади. Улар расмий матнларга бадий бўёқ бериши билан бир қаторда, юридик кимсалар нутқининг таъсирили ва мазмунли чиқиши, ҳаққонийлигини таъмингашга хизмат қиласади. Бу нарсани қадимги туркий ёзма адабий тилидаги услублар синкетизми сифатида баҳоламоқ керак.

## ҚҰШИМЧАЛАР

### “ОЛТУН ТУСЛИ ЁРУФ” АСАРИНИНГ УЗИНДИ НУСХАСИ

Берлин Бранденбург Академиясининг күләзмалар фондида күхна Турфон харобаларидан топиб келтирилган күп сонли ёзма ёдгорликлар сақланмокда. Ушбу хазина Turfanforschung. Digitales Turfan-Archiv оти билан юритилади. Фонддаги битигларнинг муайян бўлаги кейинги чоғларда интернет сайтига ҳам жойлаштирила бошлади (*сайт адреси: turfan.bbaw.de/dta/index.html*).

Турфондан топиб келтирилган ёзма ёдгорликлар орасида U 0584 кўрсаткичли (эски кўрсаткичлари T III 56/3; U 584; 1010/10) узинди матн бор. Сақлангани потхи шаклидаги катта китобнинг бир вараги (потхи китоб қадимги хинд китобат санъатидан ўзлашган бўлиб, турк-будда мухитида кенг ёйилган). Унинг потхи китоб эканлигини ўргага чизилган қўш чизиқи айланаси ва айланга ўртасидаги тизимча ўтказиш учун мўлжалланган тешигидан билса бўлади. Қоғози ҳам яхши сақланган эмас: бир ёнбошининг тепаси ҳамда қоғознинг таги чириб, ёзувининг ҳам икки-уч қатори узилиб тушган. Қоғознинг иккала бетида ўн тўрт қатордан матн сақланиб қолган, холос. Ҳатто сўнгти қатордаги айрим ҳарфларнинг учучигина кўриниб турибди.

Узинди матн қадимги уйғур хатида. Ёзуви чиройли, уйғур хатининг классик услубида, қорада битилган. Лекин қоғознинг уринган ерларидағи ёзувни ўқиб олиш қийин.

Ёдгорликнинг электрон тавсифида матн бетлари *seite 1, 2* кўрсаткичлари билан берилган. *Seite 2* кўрсаткичли бетининг бошланишида *Sekizinč ülüš, toquz y(i)g(i)rmı*, яъни “Саккизинчи қисм, ўн тўқкизинчи (варак)” деган ёзуви бор. Бу ёзув асосий матндан айри ўлароқ, оддий югурук хатда майдароқ қилиб битилган. Одатда, потхи китобларда ҳар қайси варакнинг тепасига асар бўлими ҳамда варагининг тартиб кўрсаткичи ана шундай шаклда қўйиб борилган.

Юқоридаги кўрсаткичдан кейинги ilk satr *kötülmış nom eligi atıl(i)g nom ...* деб ўқилади; маъноси “юксак нўм тождори отли нўм” дегани. Қизиги шундаки, узуқ-юлуқ бу жумла табғач (яъни хитой) тилидан қадимги туркийга ўтирилган “Олтун

тусли ёруғ” асарининг отида келади. “Олтун тусли ёруғ”нинг тўлиқ оти “Altun öylüg yaruq yalträqlig qorta kötrülmış nom eligi” atlığ nom bitig”, яъни “Олтун тусли ёруғ ялтироқли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битиг” деб аталган (қаралсин: АY.673,5–8). Нима бўлганда ҳам, илк жумланинг ўзиданоқ, ушбу қофоз парчасидаги матн “Олтун тусли ёруғ” асаридан эканлигини тахмин қилса бўлади.

Қоғозининг чиригани боис, асарнинг отидан кейинги (2–3-қаторлардаги) жумла ҳам узук-юлук: ... *eliglär, qanlarnıň kö... tö... n aymaq atl(i)g y(i)g(i)rm(i)nč bölg*. Бу жумла “... элиглар, хонларнинг тўгри қонунларини айтмоқ отли йигирманчи бўлим” маъносида бўлиб, у асар бўлимининг отини билдиради. Китоб битиш анъана сига қўра, қадимги турк-будда асарларида ҳар қайси бўлимнинг бошланишида асарнинг ва бўлимининг оти қайд этиб борилган. “Олтун тусли ёруғ” сутрасида ҳам шундай: аввал асарнинг тўлиқ оти, кейин эса бўлим сарлавҳаси келтирилади. Мухими, турк-будда адабиётида бадиий асарлар ва асар бўлимларининг оти кенг қамровли бўларди. Адабиётдаги ушбу анъана кейинги даврларда ҳам давом этди (Киёс учун, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” маснавийсидаги боб сарлавҳаларини эсланг).

Англашилади, қоғоздаги битиг “Олтун тусли ёруғ” асарининг узиндисидир. Матннинг бошланишидаги қайдларга ҳамда юқорида тилга олинган узук-юлуқ жумлаларнинг мазмунига қараганда, ушбу узинди матн асарнинг саккизинчи қисми ва унинг йигирманчи бўлимидан олинганлиги англашилади: *seite 1* даги матн бундан аввалги, яъни ўн тўққизинчи бўлимнинг сўнгги сатрлари, *seite 2* даги матн эса йигирманчи бўлимнинг бошланиши бўлиб чиқади.

Яна бир жиҳати, “Олтун тусли ёруғ” сутрасининг тўлиқ, ҳозирда Санкт-Петербург Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзмаси XVII асрда кўчирилган. Ёзуви классик хат турининг кейинги даврига хос. Бироқ Берлин фондида сақланаётган узинди нусханинг хат услуби Санкт-Петербург қўлёзмасидан анча фарқ қилади: ёзув тури анча қадимий бўлиб, классик хат услубида; хат услуби монийлик мұхитида битилган “Хуастуанифт”нинг уйгур ёзувли қўлёзмаларига анча яқин. Ўз-ўзидан ҳалиги қўлёзма китобнинг анча эски эканини англаш мумкин.

Шунингдек, матнинг график ва имло хусусиятлари ҳам эски: ёзувда сўз боши ва сўз ичида йўғон ва ингичка унлилар фарқланади. Жумладан, сўз бошида *<a>* ҳарфи *<ä>* дан айри ўларок, кўшалоқ *alif* билан берилган. Яна сўз бошидаги *<ü>*, *<ö>* ҳамда сўз ичидаги *<-ü->*, *<-ö->* ёзувда *<i>*, *<o>*, *<-i->*, *<-o->* дан фарқли ўларок, *vāv-u* уй билан берилган: *مۇھىم kütüš*, *خۇلۇق sözläsär* сингари. Шунингдек, *<q>* ҳарфи устига кўйилган қўш нуктаси билан *<x>* ва *<ğ>* дан ажралиб туради:

*بۇرخانقا burxanqa, ئىي سەئىد ayağqa, ئەلتىنچە يەر yer altıñqï* сингари. [s] ва [ş] товушлари ёзувда фаркланмайди, улар бир хил ёзилган. Хат тури, график хусусиятлари ва китобат шаклига кўра, ушбу қўлёzmани X–XII юзийилларда, исломни қабул қилмаган турк-буддавий маданий муҳитида кўчирилган дейиш мумкин.

У 0584 кўрсаткичли узинди матнинг ўқилиши шундай.

Матн транскрипцияси:

### seite 1

- (1) ... ämišin menjä sözläsär, m(e)n
- (2) ... anij sawinča-küsüsincä qanturu
- (3) bergäy-m(e)n. ... k ol kişi altun-
- (4) (küm)üš küsäyür ersär, altun-kümüş
- (5) bergäy-m(e)n. Yer altıñqï
- (6) ağıllıqlarığ küsäyür ersär,
- (7) ağıllıqlarığ körgitkäy-m(e)n.
- (8) Učmaq-qalimaq edrǟm küsäyür ersär,
- (9) učmaq-qalimaq edrǟm bergäy-m(e)n.
- (10) T(ä)ñridäm köz küsäyür ersär, t(ä)ñridäm köz
- (11) bergäy-m(e)n. Adın kişi saqinçin bilmäkig
- (12) küsäyür ersär, adın kiśinij köňülin
- (13) ... edrǟmig bil...m(e)n, busušlarin
- (14) ...

### seite 2

*Sekizinc ülüš, toquz y(i)g(i)rmi*

- (1) kötrülmış nom eligi atl(i)ğ nom ...
- (2) eliglär, qanlarniñ kö... tö...n
- (3) aymaq atl(i)ğ y(i)g(i)rm(i)nč bölgüg.
- (4) Ol ödün yağız yer qatuniñ vasund...

- (5) ikiliyü yenä olurmiş orunïntin
- (6) örtü turup t(ä)ñri t(ä)ñrisi
- (7) burxanniij adaqïnta
- (8) yincürüü töpün yükünüp iki elgin
- (9) qawşurup, ağır ayamaqñn t(ä)ñri t(ä)ñrisi
- (10) burxanqa inçä tep ötünti:
- (11) Atï kötrülmüş ayaqqa tegimlig
- (12) t(ä)ñrim, bir-ök bu yi...nëüdä qayu el-
- (13) ulušdaqï elig(lär), qanlar ...
- (14) ... ...

Матн мазмуну:

### **seite 1**

- (1) ... (ним) керагини менга сүзласа, мен
- (2) ... унинг сўзича-истагича (айтганларини) қон-
- (3) дираман. ... у киши олтин-
- (4) кумуш тиласа, олтин-кумуш
- (5) бергаймен. Ер ости
- (6) бойликларини тиласа,
- (7) бойликларни унга кўрсатгаймен.
- (8) Учишга журъат тиласа,
- (9) учмоққа журъат бергаймен.
- (10) Илохий кўз тиласа, илохий кўз
- (11) бергаймен. Ўзга киши ўй-хаёлларини билмакни
- (12) истаса, ўзга киши кўнглини
- (13) ... фазилатини билдиргаймен, қайғуларини
- (14) ...

### **seite 2**

*Саккизинчи қисм, ўн тўққизинчи (варак)*

- (1) юксак нўм тождори отли нўм ...
- (2) элиглар, хонларнинг одил сиёсатини
- (3) айтмоқ отли йигирманчи бўлим.
- (4) Ўша чоғда кўнғир ер маликаси Вусанд(ари)
- (5) иккинчи бор ўтирган ўрнидан
- (6) тик туриб, тангри тангриси
- (7) бурхоннинг оёқларига
- (8) тиз чўкиб юкуниб, икки қўл бармоқларини

- (9) қовуштириб, юксак эхтиром ила тангри тангриси
- (10) бурхонга шундай дея ўтнди:
- (11) Шон-шавкатли, ҳурматта лойиқ
- (12) тангрим, биргина бу дунёда қайси эл-
- (13) юртдаги элиглар, хонлар ...
- (14) ... ...

У 0584 күрсаткичли матн билан асарнинг Санкт-Петербург қўлёзмаси ўзаро қиёслангандаги қўйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин (Санкт-Петербург нусхасидаги матн А. 545-546 дан олинди):

Санкт-Петербург қўлёзмасида	Seite 1 даги матн
... ne k(e)rgäklämišin menjä sözläsär, m(e)n ötrü anij sawinča küsüšin qanturu tegingäy-m(e)n. Bir-ök ol kişi altun-kümüs küsäyür ersär, altun-kümüs bergäy-m(e)n. Yer altınqı ağılıqlarıq küsäyür ersär, ağılıqlarıq körgitkäy-m(e)n. Učmaq-qalımaq edrǟm küsäyür ersär, učmaq-qalımaq edrǟm bergäy-m(e)n. T(ä)ŋridäm köz küsäyür ersär, t(ä)ŋridäm köz bergäy-m(e)n. Adin kişi saqinčin bilmäkig küsäyür ersär, adin kişi köňülin bilmäk edrǟmig biltürgäy-m(e)n. Busušlarin-qadğuların <alqu> tarqarğay-men.	... ämišin menjä sözläsär, m(e)n ... anij sawinča küsüšinčä qanturu bergäy-m(e)n. ...k ol kişi altun-(küm)üs küsäyür ersär, altun-kümüs bergäy-m(e)n. Yer altınqı ağılıqlarıq küsäyür ersär, ağılıqlarıq körgitkäy-m(e)n. Učmaq-qalımaq edrǟm küsäyür ersär, učmaq-qalımaq edrǟm bergäy-m(e)n. T(ä)ŋridäm köz küsäyür ersär, t(ä)ŋridäm köz bergäy-m(e)n. Adin kişi saqinčin bilmäkig küsäyür ersär, adin kiśinj köňülin ... edrǟmig bil...m(e)n, busušlarin ...

Санкт-Петербург құләмасыда	Seite 2 даги матн
Altun öplüg yaruq yaltriqlig qopta kötrülmis nom eligi atl(i)ğ nom bitigidä eliglär, qanlarnij köni törüsini aymaq atl(i)ğ y(i)g(i)rm(i)nč bolum. Ol ödün <yağız> yer qatuni vasundari ikiläyü yenä olurmiš orunintin öru turup t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxan adaqinta yincürü töpün yükünüp iki eligin qawşurup, ağır ayamaqin t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxanqa inča tep ötünti: Ati kötrülmis ayaqqa tegimlig t(ä)ñrim, bir-ök bu yirtinčda qayu qayu el-ulušdaqı elig(lär), qanlarnig köni törüsü yoq ersär, ...	Sekizinc ülüš, toquz y(i)g(i)rm(i) kötrülmis nom eligi atl(i)ğ nom ... eliglär, qanlarnij kö... tö...n aymaq atl(i)ğ y(i)g(i)rm(i)nč bolum. Ol ödün yağız yer qatuni vasund... ikiliyti yenä olurmiš orunintin öru turup t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxannij adaqinta yincürü töpün yükünüp iki elgin qawşurup, ağır ayamaqin t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxanqa inča tep ötünti: Ati kötrülmis ayaqqa tegimlig t(ä)ñrim, bir-ök bu yi...nčda qayu el-ulušdaqı elig(lär), qanlar ...

У 0584 күрсаткичли узинди текстологик жиҳатдан Санкт-Петербург құләмасидаги матндан бироз фарқли; унинг илkin матнга яқинлиги билиниб туради. Жумладан, Санкт-Петербург нусхасидаги *anıj sawinča küsüs̄in qanturu tegingäy-m(e)n* (унинг сұзича истаганларини қондирман) жумласи У 0584 күрсаткичли узинди нусхада *anıj sawinča-küsüs̄inča qanturu bergäy-m(e)n* (унинг сұзича-истагича (айтганларини) қондирман) шаклида келган (seite 1; 2-3- қаторлар).

Санкт-Петербург нусхасидаги *Ol ödün yer qatuni vasundari үша чогда ер маликаси Васундари*) бирикмасидаги *yer* сүзи узинди нусхада *yağız* сифати билан *Ol ödün yağız yer qatuni vasundari үша чогда қүнгир ер маликаси Васундари*) шаклида келган (seite 2; 4- қатор). Қадимги туркий адабиётта *yer* сүзининг *yağız* сифати билан бирга ишлатилганини күзде тутадиган бұлсак, илkin матнда узинди нусхадагидай бўлганига иккilanmasa ҳам бўлади.

Санкт-Петербург нусхасидаги *t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxan adaqinta* (*тангри тангриси Бурхон оёқларига*) бирикмасидаги *burxan* сүзи узинди нусхада қаратқич келишиги белгили холда *t(ä)ñri t(ä)ñrisi burxannij adaqinta* (*тангри тангриси Бурхоннинг*

оёкларига) шаклида келган (seite 2; 6–7- қаторлар). Бундай фарқлар асарнинг илмий-танкидий матнини яратишда қўл келади, асарнинг илкин вариантига йўл очади.

“Олтун тусли ёруғ” сутраси (бошқа бир оти “Суварнапрабҳаса” сутра) диний-фалсафий асар бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенгсиз ёдгорлигидир. Асар асли санскрит тилида яратилган эди. Ундан олиб хитой тилига таржима қилинган. Хитой тилидаги версиясидан эса X юзийилликда йирик таржимон ва адаб Сингқу Сели (=Шингқу Шели) тудунг уни қадимги туркий тилга ўтирган. Чунончи, асар якунида уни тавғаччадан турк-уйғур тилига ўтирган таржимоннинг оти ҳам қайд этилади: *Beşbalıqlıq Şin̄qu Ŝeli tudun tawğač tilintin türk iuğur tilimča ikiləyü ewirmiš nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldi*. – *Бешбалиқлик Шингқу Шели тудунг тавғач тилидан турк-уйғур тилига таржима қилинган нўм тоҷдори сутраси битилиб тўлиқ тугал бўлди* (AY.674,4–12). Сингқу Сели тудунг асарни гўзал бир услубда таржима қилинган.

Муҳими шундаки, “Олтун тусли ёруғ”нинг туркий версияси асарнинг бошқа тиллардаги версияларига қараганда тўлиқ ҳолда етиб келган. Туркий версиясининг бир қанча қўлёзмаси бор. Улардан тўлиғи Санкт-Петербург қўлёзмаси бўлиб, қолганлари эса асадан олинган узиндилардир. Янада эътиборлиси, хат турига қараганда, узиндиларнинг купи эскироқ даврларга тегишли. Биз кўриб чиқаётган U 0584 қўрсаткичли узинди матн ҳам ана шундай.

“Олтун тусли ёруғ” туркий тилга таржима қилинган даврдан бошлаб турк-будда адабиётида кенг шуҳрат қозонди, ўша даврлардан бошлаб асарнинг қўлёзмалари ҳам кенг ёйилди. Кунимизгача уларнинг айримлари сақланган, холос.

Афтидан, эҳтиёжга қараб, асар тўлиқ ҳолда ҳам, бўлимлари айри-айри ҳолда ҳам кўчирилган кўринади. Тўлиқ қўлёзмалари потхи китоб шаклида. Берлин фондида сақланаётган U 0584 қўрсаткичли матн ҳам ана шундай тўлиқ қўлёзма китобнинг бир варагидир. Лекин шунга қарамай, ушбу узинди матн ўзининг қадимийлиги, ёзув ва текстологик хусусиятлари билан аҳамиятли саналади.

## “ХУАСТУАНИВТ”НИНГ ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВЕРСИЯСИ

Марказий Осиё халқарининг ilk ўрта асрлардаги қалқынмаси (цивилизацияси) турли диний-фалсафий қарапшлар кесишган нүктада юз берди. Улуг боболаримизнинг исломга қадар сиғинган, фалсафий-маънавий қарапшлари тарихида сезиларли из қолдирган динларидан бири монийликдир. Монийлик III юзийлликда Бобилда яратилди. Сўнг бир ёғи Андалусга дайин, бошқа бир йўналишда Кунчикар ёқка ёйилди: бошлаб Эронга, ундан Ўрта Осиёга, бу ердан ўтиб Шарқий Туркистонга кириб борди.

Тарихнинг иши қизик: ўтмишда монийлик инончи кенг ёйилган бўлишига қарамай, бошқа халқларнинг ҳеч биридан шу динга тегишли ёзма мерос, ҳатто диннинг яратувчиси бўлмиш Монийнинг фалсафий қарапшлари баён этилган кутлуг китоблари ҳам сақланган эмас. Буни қарангки, булар орасидан қадимги турк ва сугд муҳитида яратилган битигларгина кунимизгача етиб келибди. Монийнинг ишлари, китоблари ва монийлик инончи тўғрисида Абу Райхон Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида ҳам яхши ёзib қолдирган. Биз монийлик фалсафасини, қарапшларини, ўша кезлардаги адабий жараённи ана шу битиглардан ўргансак бўлади.

Қадимги турклар монийликка сиғинган чоғлардан қолган ёзма ёдгорликлар учалик кўп эмас, лекин турларга бой: улар тангриларга ва Монийга бағищланган алқовлар, тангрига ёлборув битиглари (тавбаномалар), дуолар, турли мазмундаги шеърлар, ирқ битиги, эпиграфик матнлардан иборат. Ушбу асарлар кўк турк, моний ва эски уйғур ёзувларида битилган.

Кўхна турк-моний диний жамоасидан колган ёдгорликлардан бири туркшуносликда “Хуастуанивт” оти ила таникли. “Хуастуанивт” монийчиларнинг эркли-эрксиз, билиб-бильмай қилган ёзувларидан ўкинув битигидир (*наирларига қаралсин*: Малов 1951, 108–130; Дмитриева 1963; Хуаст.; Sodiqov 2009, 318–331).

Оти матнда *N(i)gošaklarniň suyin-yazuqin öküngü Huastuan(i)vt* деб берилган.

Ушбу жумладаги ۋەزىق *nigošak* – сүғдчадан ўзлашган бўлиб, “тингловчи” маъносини англатади, у монийлик жамоасида куйи даражадир; ۋەزىق *suy-uazuq* – жуфт сўз, “тunoхлар, ёзуклар” деган маънени билдиради; ۋەزىق *öküngü* эса ҳозирги “ўкинув, тавба қилув” англамида. Шунга кўра, асарнинг отидан “Ниғўшакларнинг ёзукларлардан ўкинувчи “Хуастуанивт” деган маъно келиб чиқади.

“Хуастуанивт” – таржима асар. У қадимги эроний тиллардан бирида яратилиб, кейин туркйга ўгирилган. Фанда унинг сүғдча, қадимги туркий тилдаги версиялари маълум. Туркий версиялари уйғур ва моний ёзувларида битилган. Кўлёзмалари ҳозир Санкт-Петербург, Лондон ва Берлин фондларида сакланмоқда.

Асар ўн беш бўлимли. Бўлимлари *bölük* дейилиб, ҳар қайсиси муайян масала ечимига бағишиланган. Матнда ҳар қайси бўлим ўзининг тартиб кўрсаткичи билан бошланади: *йсүнс*, *törtünč*, *bişinč*, *altinč*, *yitinč*, *säkizinč* ва б. Уйғур ёзувли матнда жумлалар қўш нуқта (..), бўлимлар эса икки жуфт нуқта (.. ..) билан ажратилган.

Кўлёзма сўнгида асарнинг тугаганлиги ва котибининг оти ёзиб қўйилиби: *Bütürmiš Tarxan. Tügädi n(i)gošaklarniň suyin-yazuqin öküngü Xuastuan(i)vt.* – “(Матнни) тугаллаган Тархан. Тугади ниғўшакларнинг ёзуклардан ўкинув (битиги) – “Хуастуанивт”.

Ўтмишда диний асарлар, хусусан, моний ёдгорликларини битишида ёзувнинг ўзига яраша сулув бир услуби танланган. Биз сўз юритаётган кўлёзманинг хати ҳам ўта сулув, классик услубда.

“Хуастуанивт” сифинувчилар ичida ёлғиз ҳолда ҳам, кўплашиб ҳам ўқилган.

Айтганча, асарнинг кунимизга қадар сақланиб қолган туркий версиялари орасида матний ва тил жиҳатдан катта ўзгариш йўқ. Бу нарса, асарни қадимги туркий тилга бир киши ўгиран, унинг мавжуд кўлёзмалари эса ўша илкин ўғирмадан олинган, деган мулоҳазага олиб келади. Бундайлигининг яна бир сабаби, асар кўлёзмаларининг бари айтарли бир замонда – турклар орасида монийлик дини кенг ёйилган кезларда кўчирилганида бўлса керак.

“Хуастуанивт” диний-фалсафий асаргина эмас, қадимги турк ёзма адабиётининг ажойиб ва менгзаги йўқ ёдгорлиги ҳамdir. Адабиёт ахли уни бадиий асар сифатида ўрганади. Топинувчилар кўнглидаги эзгу ўйлар, инжа туйғуларни, уларнинг тангрига илтижосини акс эттириш, матн таъсирини ошириш учун тилмоч ниҳоятда равон бир услубни қўллаган. Матн услуби тилмочнинг теран билимли, тил устаси, сўзга чечан, шоиртабиат киши ўтганидан белги бериб туради. Қолаверса, тангрига бўлган илтижоларда матннинг таъсиричалиги, топинувчи кўнглининг туб-тубидаги туйғуларнинг (қадимги туркийда буни *berk qatig saw* дейилган) баёнига айрича урғу берилган. Ана шу ҳодиса монийлик даври адабиётida, ёзма адабий тилда ўзига яраша “тангрига илтижо услуби”нинг юзага келувини таъминлаб берди. Ислом даврида яратилган муножотлар услубида ҳам қадимги туркий тил даврида яратилган ўша анъананинг элкинларини кузатиш мумкин.

Асарнинг бадиийлигини тасаввур этмаклик учун еттинчи бўлимдан олинган қуидаги узиндини ўқиб кўринг-а: *Näčä yaŋjılı yüküntümüz ärsär, näčä yaŋjılı buši birdimiz ärsär, yämä buyan bögtäg qılur-biz tip yaŋjılı, näčä ayiğ qilinç qiltimiz ärsär, yämä yakkä-ičkäkkä tājri tipän, tīnlīgağ-turalığaş ölürüp yüküntümüz ärsär, yämä burxan tipän igid nomqa tapintümiz-uduntumuz ärsär, qut qolu yüküntümüz ärsär, tājrikä yazınıp, yakkä tapintümiz ärsär, tājrim, amtı ökünpür-biz, yazuqda boşunu ötünür-biz* (“Қанча янглишиб, топинган бўлсак, қанча янглишиб эхсон қилган бўлсак, яна савоб ишлар қиласиз деб, янглишиб, қанча ёвуз ишлар қилган бўлсак, яна шайтону иблисларга тангри дебон (уларнинг ҳақига) тирик жониворларни ўлдириб, топинган бўлсак, яна бурхон деб сохта ақоидга топинган, инонган бўлсак, (улардан) қут тилаб юкунган бўлсак, тангрига ёзук қилиб, шайтонга топинган бўлсак, тангрим, энди ўқинурмиз, ёзукдан халос этгин дея ўтирумиз”).

Жумлаларнинг тузилиши равон, ўқиганда кулоққа ёқади. Бунинг аломатини ҳатто ёзув хусусиятида ҳам кузатамиз; жумлалар орасидаги қўшалоқ нуқталар ҳам бежиз қўйилган эмас, матн қироати учун ишлайди. Шунингдек, уюшиқ бўлакли гаплар, кесимларнинг бир қолипдаги қайтариги, синтактик

параллелизмлар, аллетеरация, ҳатто бадий стереотип жумлалар – күйингки, бутунича матн ана шу ритмни, асарнинг ёқимли ўқилишини таъминлайди.

Матн бадийлигини таъминлаш, асарни ўқишли қилиш, таъсир кучини ошириш мақсадида ёзма адабий тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланилган. Бири – сўзларни жуфт ҳолда кўллаш усулидир. Бу нарса сўз маъносини кучайтириш, янги сўз ясашгагина эмас, матн бадийлигини оширишга ҳам хизмат килади. Сўзларнинг бунингдек жуфт ҳолатда кенг ишлатилганини қадимги туркӣ адабиётнинг бошқа асарларида учратмаймиз. Айниқса, кишилар ҳаракати ва ҳолати баёнида бу усулнинг ўрни ва аҳамияти яққол сезилиб туради: кишиларнинг ёруғ дунёдаги қилмишлари, эзгу ва ёвуз ишлари таърифланар экан, феъллар *qorqütdimiz-ürkitdimiz* (кўркитиб хуркитдимиз), *urtumuz-yontumuz* (урниб азобладимиз), *açitdimiz-agritdimiz* (ранжитдимиз), *yazintimiz-yağıltimiz* (ёзук қилдимиз, янглишдимиз), *tapintimiz-uduntumuz* (топиндимиз, иондимиз), *äksüttümüz-kärgätimiz* (зиён етказдимиз), *töktümüz-sacitimiz* (тўкиб сочдимиз) дея баён қилинади.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати, белгиси равиш туркимидағи сўзларни жуфт кўллаш билан берилади: *ädgüti-tükäti* (яхши ва тугал), *ädgüti-ariti* (эзгулик, покизалик билан), *ärinip-ärmägürüp* (эрениб), *ärkligin-ärksizin* (билиб-билмайин) сингари.

От туркумига кирувчи сўзлар ҳам баъзан жуфт ҳолда берилади. Бу усул, ўз ўрнида, янги маъно ифодалашга ҳам хизмат қилган. Масалан, *äw* – “уй”, *barq* ҳам ўша англамда. Лекин *barq* ёлғиз ишлатилмайди, *äw* билан бирга кўлланади: *äwkä-barqqa* дейди, бу “уй-жойга” деган маънони беради. Ёки яна: *yilqiqa-baritmqa* (мол-мулкка), *işkä-ködükä* (юмушга), *köymülümzni-saqincitmizni* (кўнглимизни, ўй-фикримизни) сингари.

Матнда ҳатто иш-ҳаракат ва ҳолатнинг узлуксизлиги таърифланганда-да, бадийлик талабидан келиб чиккан ҳолда, *näčä* олмошидан фойдаланилади (*näčä siđimiz* (неча синдиридимиз), *näčä yazintimiz* (неча гуноҳ қилдимиз), *näčä qorqütdimiz-ürkitdimiz* (неча кўркитдимиз) сингари).

Жумлаларнинг тузилиши ҳам асар мөхиятига мос. Масалан, билиб-бильмайин йўл қўйилган гуноҳлар бирма-бир саналганда, жумлалар қўпинча сабаб эргаш гапли қўшма гаплардан тузилади. Бунда эргаш гапнинг кесими (-dimiz, -dimiz / -timiz, -timiz / -dumuz, -dümüz / -tumuz, -tümüz) ärsär, бош гап кесими эса -dimiz, -dimiz / -timiz, -timiz / -dumuz, -dümüz / -tumuz, -tümüz қўшимчаси билан қўлланилади. Масалан: *Bu biš türlüg tınlığağ-turalığağ, uluğqa-kicigä tägi näčä qorqütämiz-ürkütämiz ärsär, näčä urtumuz-yontumuz ärsär, näčä acitämiz-agritämiz ärsär, näčä olürdümüz ärsär, tuncä tınlığa-turalığa öz ötagci boltumuz* (“Бу беш хил мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб хуркитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган бўлсак, қанча ўлдирган бўлсак, шунча жонзодга қарздор бўлдик”).

Асар бўлимлари билан боғлиқ ҳолда баъзи жумлалар пайт ёки натижа эргаш гапли қўшма гап кўринишида. Бундай ҳолларда эргаш гап кесими пайт ёки сабаб муносабатини англатувчи сўзлардан, бош гап эса ана шу чоғда ёки шунинг натижасида юз берган воқеа-ходисани англатади; унинг кесими -dimiz, / -timiz, -timiz / -tumuz қўшимчаси билан қўлланилади: *Kirtü täñrig, arığ nomuğ biltügümüzdä, baru: iki yiltizig, üc ödkı nomuğ biltimiz, yaruq yiltizin, täñri yirin, tünärig yiltizin, tamu yirin biltimiz* (“Ҳақиқий тантрини, чин қонунларни англаб етганимизда икки асосни, учала замонга тегишли қонунни билдик. Ёруғликнинг асосини, тангри ерини, зимистоннинг асосини, дўзах ерини билдик”).

Асарда изчил қўлланувчи, қолипга тушган жумлалар ҳам бор. Улар турли синтактик-стилистик вариацияларда. Чунончи, асар бўлимлари *Täñrim, yazuqda boşitu ötünür-biz* (“Тангрим, ёзуқдан кутқарғил дея ўтинурмиз”), *Täñrim, amtü yazuqda boşitu ötünür-biz* (“Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея ўтинурмиз”), *Amtü, täñrim, yazuqda boşitu ötünür-biz* (“Энди, тангрим, ёзугимизни кечиргин дея ўтинурмиз”), *Täñrim, amtü öküñür-biz, yazuqda boşitu ötünür-biz* (“Тангрим, энди ўкинурмиз, ёзуқдан кутқарғил дея ўтинурмиз”) ёки *Ani üçin, täñrim, qop yazuqda boşitu ötünür-biz* (“Шунинг учун, тангрим, бутунлай ёзуқдан куттилайлик дея ўтинурмиз”) жумлалари билан охирлайди. Шундан сўнг *Manastar qırza* ёки *Manastar*

*xirza* [моний ёзуви нусхаларида *Manastar xirza~Manastar xirz*] дуоси келади. Ушбу дуо күриниши ўртанча эроний тиллардан ўзлашган бўлиб, тангридан “Ёзугимизни кечиргайсан!” [*Mnastar hirz-a*] дея килинган илтижони англатади. Уни таржима қилмай, аслидай қўллаш турк-моний жамоаларида русум бўлган.

Яна бир жиҳати, асарда ёзма адабий тилнинг эски, классик ўлчовлари тўла-тўқис, яхши сақланган. Сўзларнинг имлосидан тортиб, жумлаларнинг тузилишигача шунга бўйсунади. Мухими, ўша кезларда туркий матнчиликда диний-фалсафий асарлар услуби, унинг ўлчовлари ишлаб чиқилди. Кейинчалик, ҳатто бошқа эътиқодларга ўтилганда ҳам диний-фалсафий мазмундаги асарларни битишда қадимги туркий тилда ишлаб чиқилган ўша ўлчовларга, анъанага таянилган.

Куйида келтираётган матнимиз асарнинг Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган уйғур ёзуви қўлёзмаси асосида тайёрланди. Матн чиройли хат билан ўрама коғозга битилган. Коғознинг бош қисми чириб, титилиб кетган. Матндан 160 қатор сақланган.

### Матн транскрипцияси

- (1) ... [bošu]ǵalı (?) y(a)ruqu[ǵ]
- (2) ... [t]ägzinür : tört bulun[uǵ]
- (3) ... [bi]lmätin kün ay t(ä)ñrikä iki
- (4) ... [t(ä)ñr]ilärkä näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär
- (5) ... [t(ä)ñri] tipän kirtgümäd(i)m(i)z ärsär :
- (6) ... [čul]vu saw sözläd(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kün ay
- (7) ... [är]ksizin tuğar batar ärki ...
- (8) ... [ärs]är : k(ä)ntü özümüzni küntä ayda
- (9) [öñi]biz tidim(i)z ärsär : bu ikinti bilmätin yaz(i)nmüs ...
- (10) ... M(a)na[star xir]za :: Üçünč y(ä)mä biš
- (11) [t(ä)ñr]ikä : X[ormuzta] ... a : bir tintura t(ä)ñri :
- (12) ikinti yil t(ä)ñri ... ya[ruq] t(ä)ñri : törtünč suw t(ä)ñri :
- (13) bişinč oot t(ä)ñri : suin yäglükün sünjüşüp bal(i)qduqin
- (14) üçün q(a)raqa qafiltugin üçün t(ä)ñri yiringärü baru
- (15) umatın bu yirdä ärür : üzä on qat kök asra

- (16) səkiz qat yir biş t(ä)ñri üçün turur : qamağ yir üzäki-i  
 (17) niŋ q[utʃ] q[ʃw] öni mänjiz]i : özi özüti kuchi y(a)rugi  
 (18) tözi yiltzı bi[ʃ] t(ä)ñri-ol (?) : t(ä)ñrim suyda baru biş t(ä)ñrig  
 (19) bilmätin aniğ y(a)wlaq biligin näčä südim(i)z b(i)rtd(i)m(i)z  
 ärsär :  
 (20) tört y(i)girmi türlüg baş qılt(i)m(i)z ärsär : on yilan basl(i)g  
 (21) ärmäkin iki qırq tişin tirig özüg aš ičkü  
 (22) t(ä)ñrig näčä ačitd(i)m(i)z ağırtid(i)m(i)z ärsär : quruğ öl yirkä  
 (23) biş türlüg tınl(i)gqa : biş türlüg otqa iğacqa  
 (24) näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär: ... [t(ä)]ñrim yazuqda boşunu  
 ötüür-  
 (25) biz: M(a)nastar xirza :: Törtünç söki t(ä)ñri  
 (26) y(a)lawacı burxanlarqa buyançı bögtägçi arığ dintarlarqa  
 (27) bilmätin näčä yaz(i)nt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä kirtü t(ä)ñri  
 yalawačı burxan[qa?]  
 (28) tipän ädgü qılıncı(i)g arığ dintar tip kirtgünwäd(i)m(i)z ärsär  
 : t(ä)ñri  
 (29) nomün sözläsär biligsizin ötrü üzänd(i)m(i)z ärsär : nomuğ  
 (30) törög yadturmatın tidt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim ainti öküür-  
 biz  
 (31) yazuqda boşunu öt[ünür]-biz : M(a)nastar xirza :: Bişinç  
 (32) biş türlüg tınl(i)gqa : bir y(ä)mä iki adaql(i)g kişikä ikinti  
 (33) tört butluğ tınl(i)gqa : üçünç ucuğma tınl(i)gqa :  
 (34) törtünç suw ičräki tınl(i)gqa : bişinç yirdäki bağrıñ  
 (35) yoriğma tınl(i)gqa : suyda baru t(ä)ñrim bu biş türlüg  
 (36) tınl(i)gäg tural(i)gäg uluğqa kičikä tägi näčä qorqitd(i)m(i)z  
 (37) ürkitd(i)m(i)z ärsär : näčä urtumuz yontumuz ärsär : näčä  
 ačitd(i)m(i)z  
 (38) ağırtid(i)m(i)z ärsär : näčä ölürdümüz ärsär : munča tınl(i)gqa  
 (39) tural(i)gqa öz ötägçi boltumuz : t(ä)ñrim ainti yazuqda  
 (40) boşunu ötüür-biz : M(a)nastar xirza :: Altıñç y(ä)mä  
 (41) t(ä)ñrim suyda baru : saqinçin sözin qılıncın on  
 (42) türlüg suy yazuq qılt(i)m(i)z ärsär : näčä igid igdäd(i)m(i)z  
 (43) ärsär : y(ä)mä näčä igdäyü antıqd(i)m(i)z ärsär : näčä igid  
 (44) kişi tanuqi boltumuz ärsär : y(ä)mä yazuqsuz kişiğ näčä  
 (45) quvlad(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä saw älitip saw k(ä)lürüp kişiğ  
 näčä

- (46) kikşürü sözlädim(i)z ärsär : köñülin biligin artatd(i)m(i)z  
ärsär
- (47) näčä yilvi yilviläd(i)m(i)z ärsär : yämä näčä öküš tınl(i)ğag  
 (48) tural(i)ğag olürdümüz ärsär : näčä t(ä)wläd(i)m(i)z  
kürläd(i)m(i)z ärsär :
- (49) näčä äwiň kiši urunčaqin yidim(i)z ärsär : kün ay t(ä)ñri  
 (50) taplamaz išig näčä išläd(i)m(i)z ärsär : yämä ilki özün  
 (51) bu özün : uzuntonluğ urilar öz bolup näčä yaz(i)nt(i)m(i)z  
 (52) yanjilt(i)m(i)z ärsär : munča öküš tınl(i)ğqa näčä üz buz  
 (53) qilt(i)m(i)z ärsär : t(ä)grim amti bu on türlüg yazuǵda  
 (54) boşunu ötüürür-biz : M(a)nastar xirza :: Yitinč  
 (55) y(ä)mä suyda baru iki ağuluğ yol başıňa (!) tamu qapgiňa (!)  
 (56) azğuruğlı yolqa kim tisär bir igid nomuğ törüg  
 (57) tutuğma ikinti y(ä)mä yakkä ičkäkkä t(ä)ñri tipän yükünč  
 (58) yükünügmä suyda baru t(ä)ñrim kirtü t(ä)ñrig arığ nomuğ  
 (59) bilmätin uqmaſın burxanlar arığ dintarlar nomlasar  
 (60) kirtgünmädin tätrü yana igdäyü t(ä)ñriči-m(ä)n nomči-m(ä)n  
 (61) tigmäkkä artızip anlı sawin alıp näčä yanjılı bačaǵ  
 (62) bačad(i)m(i)z ärsär : näčä yanjılı yüküntümüz ärsär : näčä  
yanjılı
- (63) bušı bird(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä buyan bögtäg qılur-biz tip  
yanjılı
- (64) näčä ay(i)ğ qılınc qilt(i)m(i)z ärsär : yämä yakkä ičkäkkä  
 (65) t(ä)ñri tipän tınl(i)ğag tural(i)ğag olürüp yüküntümüz ärsär :  
y(ä)mä
- (66) burxan tipän igid nomqa tapınt(i)m(i)z uduntumuz ärsär  
 (67) qut qolu yüküntümüz ärsär : t(ä)ñrikä yazinip yakkä  
 (68) tapınt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amti ökünür-biz : yazuqda  
boşunu
- (69) ötüürür-biz : M(a)nastar qırza :: S(ä)kizinc kirtü  
 (70) t(ä)ñrig arığ nomuğ biltügümüzdä baru : iki yiltizig üç  
 (71) üç ödki nomuğ bilt(i)m(i)z : y(a)ruq yiltizin t(ä)ñri yirin  
 (72) tünarıg yiltizin tamu yirin bilt(i)m(i)z : yir t(ä)ñri yoq  
 (73) ärkän öyrä nä bar ärmiş tipän bilt(i)m(i)z : t(ä)ñrili yaklı  
 (74) nädä ötrü sünüşmiş y(a)ruqlı q(a)ralı q(a)ltı qaſilmış yirig  
 (75) t(ä)ñrig kim y(a)ratmış tipän bilt(i)m(i)z : y(ä)mä arqon yir  
 (76) t(ä)ñri nädä ötrü yoq bolğay : y(a)ruqlı q(a)ralı q(a)ltı  
adr(i)lgay

- (77) antada kisrä nä bolgay tipän bilt(i)m(i)z : azrua t(ä)ñrikä  
 (78) kün ay t(ä)ñrikä : küclüg t(ä)ñrikä : burxanlarqa :  
 (79) īnānt(i)m(i)z tayant(i)m(i)z n(i)gošak boltumuz : tört y(a)ruq tamga  
 (80) köñülüümüzdä tamqalad(i)m(i)z : bir amranmaq azrua t(ä)ñri  
 (81) tamqası : ikinti kirtgünmäk kün ay t(ä)ñri tamqası üçünç  
 (82) qorqmaq biş t(ä)ñri tamqası : törtünç bilgä bilig  
 (83) burxanlar tamqası : t(ä)ñrim biligimizni köñülüümüzni bu tört  
 (84) türlüg t(ä)ñrilärdä ağıtd(i)m(i)z ärsär : orninta qamşatd(i)m(i)z  
 (85) ärsär : t(ä)ñri tamqası buzultı ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda  
 (86) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Toquzunç  
 (87) on č(a)xsap(a)t tutduqumuzta baru : üç ažzin üç  
 (88) köñjülün üç älgin : bir qamağ özin tükätı tutmaq  
 (89) k(ä)rgæk ärti : t(ä)ñrim bilip bilmätin ät öz säwigincä  
 (90) yorıp y(a)wlaq iš tuš adaš qudaš sawin alip köñjulin  
 (91) körüp : yilgiqa bar(i)mqa bulup : azu muñumuz taqim(i)z  
 (92) tägip bu on č(a)xsap(a)t(i)ğ sidiim(i)z ärsär : näčä äksütümüz  
 (93) k(ä)rgät(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñrim amtı yazuqda boşunu ötünür-biz  
 (94) M(a)nastar xirza : : Onunč künkä tört alqiš  
 (95) azrua t(ä)ñrikä : kün ay t(ä)ñrikä küclüg t(ä)ñrikä  
 (96) burxanlarqa bir biligin arığ köñjülün alqansiq  
 (97) törfü bar ärti : y(ä)mä qorqmatın ärmägürüp ädgüti tükätı  
 (98) alqanmad(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä alqanur ärkän köñülüümüzni  
 (99) saqincim(i)zni t(ä)ñrigärü tutmad(i)m(i)z ärsär : alqisim(i)z  
 ötüğümüz  
 (100) t(ä)ñrikä arığın tägmädi ärsär : nä yirdä fidinti tutuntı  
 (101) ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar  
 (102) xirza : : Bir y(i)g(i)rminç y(ä)mä yiti türlüg busı arığ  
 (103) nomqa ançulasıq törfü bar ärti : y(ä)mä biş t(ä)ñri y(a)ruqin  
 (104) quwrat(i)gli b(a)riştilar xrostag p(a)duaxtag t(ä)ñri : t(ä)ñrigärü  
 (105) bardačı boşuntačı biş t(ä)ñri y(a)ruqin biziňärü k(ä)lürdi  
 ärsär :  
 (106) biz adruq adruq itip y(a)ratip nomqa kigürsük törfü  
 (107) bar ärti : azu muñ üçün azu busı birgäli qızganıp

- (108) yiti türlüg buşı arıq nomqa tükäti birü umad(i)m(i)z ärsär :
- (109) t(ä)ñrigäriü bardači boşuntači biš t(ä)ñri y(a)ruqin äwkä barqqa
- (110) badim(i)z ärsär : ay(i)ğ qilinčl(i)ğ kišikä y(a)wlaq tınl(i)ğqa
- (111) tural(i)ğqa bird(i)m(i)z ärsär : töktümüz sačt(i)m(i)z ärsär : t(ä)ñri
- (112) y(a)ruqin y(a)wlaq yirgäriü idt(i)m(i)z ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda
- (113) boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : İki y(i)g(i)rminč
- (114) bir yılqa älig kün arıq dintarča vusanti olursuq
- (115) törü bar ärti : arıq bačaq bačap t(ä)ñrikä ančulasıq
- (116) k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä äw barq tutduq üçün yılqıqa
- (117) bar(i)mqa bulup : azu muŋumuz taqım(i)z tägip : y(ä)mä todunčsuz
- (118) uwutsuz suq yäk üçün : y(ä)mä qorqunčsuz köňülümüz
- (119) üçün ärinip ärmägürüp ärkligin ärksizin bačaq sidiṁ(i)z
- (120) ärsär : y(ä)mä bačaq olurup ädgüti nomča törüčä bačamad(i)m(i)z
- (121) ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar
- (122) qirza :: Üč y(i)girminč ay t(ä)ñri künin sayu
- (123) t(ä)ñrikä nomqa arıq dintarlarqa suyumuznii yazuqumuznii
- (124) boşuyu ötünmäk k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä ärkligin ärksizin
- (125) ärinip ärmägürüp iškä ködükä tiltanıp : yazuqda
- (126) boşunǵalı barmad(i)m(i)z ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuqda boşunu
- (127) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Tört y(i)g(i)rminč
- (128) bir yılqa yiti yimki olursuq törü bar ärti : bir ay
- (129) č(a)xsap(a)t tutmaq k(ä)rgäk ärti : y(ä)mä čaydanta yimki olurup
- (130) bačaq bačap t(ä)ñri burxanqa bir biligin köňültä baru
- (131) bir yılqı yazuqumuznii boşuyu qolmağ k(ä)rgäk ärti : t(ä)ñrim
- (132) yiti yimki tükäti oluru umad(i)m(i)z ärsär : bir ayqı č(a)xsap(a)t(i)ğ
- (133) ädgüti arıti tutu umad(i)m(i)z ärsär : bir yılqı yazuqumuznii
- (134) bir biligin köňültä baru boşuyu qolmad(i)m(i)z ärsär : näčä
- (135) äksük k(ä)rgäk boltı ärsär : amtı t(ä)ñrim yazuğda boşunu

- (136) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : Biš y(i)g(i)rminč kün  
 (137) sayu näčä y(a)wlaq saqinč saqinur-biz : näčä sözlämäsig  
 (138) irinčülig söz : sözläyür-biz : näčä išlämäsig irinčülig  
 (139) iš išläyür-biz : ay(i)ğ qılıńčqa irinčükä k(ä)ntü özümüznı  
 (140) ämgätir-biz : y(ä)mä künkä ašaduğumuz biš t(ä)ŋri y(a)ruqı  
 k(ä)ntü  
 (141) özümüz özütümüz todunčsuz uwutsuz suq yäk säwigincä  
 (142) yoriduq üçün y(a)wlaq yirgäřü barır : anı üçün t(ä)ŋrim  
 (143) qop yazuqda boşunu ötünür-biz : M(a)nastar xirza : :  
 (144) t(ä)ŋrim äksüklüg yazuqluğ-biz : ötägči birimči-biz  
 todunčsuz  
 (145) uwutsuz suq yäk üçün saqinčin sözin qılıńčin  
 (146) y(ä)mä közin körüp qulqaqın aşidip tilin sözläp äl(i)gin  
 (147) sunup : adaqin yorip : ürkä üzüksüz ämgätir-biz :  
 (148) biš t(ä)ŋri y(a)ruqın quruğ Öl yirkä biš türlüg tınl(i)ğag  
 (149) biš türlüg otug iğacığ : y(ä)mä äksüklüg yazuqluğ-biz :  
 (150) on č(a)xsap(a)tqa : yiti bušqa üç tamğaqa n(i)gošak  
 (151) atın tutar-biz : qılıńčin qılı umaz-biz : y(ä)mä y(a)ruq  
 (152) t(ä)ŋrilärkä arığ nomqa t(ä)ŋriči nomči arığ dintarlarqa  
 (153) näčä yaz(i)nt(i)m(i)z yanjilt(i)m(i)z ärsär : y(ä)mä t(ä)ŋri  
 aymış ötčä  
 (154) bilingčä yorimad(i)m(i)z ärsär : t(ä)ŋrilär köňulin  
 b(i)rtd(i)m(i)z ärsär :  
 (155) y(ä)mä yimki vusanti alqış č(a)xsap(a)t nomča törlüčä tutu  
 (156) umad(i)m(i)z ärsär : näčä äksütümüz k(ä)rgätt(i)m(i)z ärsär :  
 kün sayu  
 (157) ay sayu suy yazuq qılur-biz : y(a)ruq t(ä)ŋrilärkä nom  
 (158) qutṭja(!) arığ dintarlarqa suyda yazuqda boşunu  
 (159) ötünür-biz : M(a)nastar xirza : : bütürmiš Tarxan  
 (160) tügädi n(i)gošaklarnıň suyin yazuqın öküngü Xuastuan(i).vt.

## Мазмуни

(1) ... қутылмоқ учун ёруғни (2) ... эврилур. Түрт ёкни (3) ... билмайин Кун-ой тангрига, икки (4) ... тангриларга қанча ёзук қилган бұлсак, (5) ... тангри деб топинмаган бұлсак, (6) ... ёңғон сұзларни айтган бұлсак, яна Кун-ой (7) ... эрксиз ҳолда тугар ва ботар [яъни Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ... (8)

... эса, ўз ўзимизни Кундан, Ойдан (9) юкори қўйган бўлсак, бу иккисини билмай, ёзук килган ... (10) ... Ёзугимизни кечиргайсан!

**Учинчи (бўлим).** Яна беш (11) тангрига, Хўрмузта ... а: биринчиси – Ҳаво-тангри; (12) иккинчиси – Ел-тангри; (учинчиси) – Ёруғ-тангри; тўртингчиси – Сув-тангри; (13) бешинчиси – Ўт-тангри қабоҳат билан тўқнашиб, жароҳатлангани (14) учун, қоронгуликка қоришгани учун тангри ерига бора (15) олмай, бу ерда эрур. Юкорида ўн қат кўк, пастида (16) саккиз кат ер беш тангри туфайли турур. Ер юзидағи борлик – (17) нинг баҳту саодати, ранг-туси, руҳи, вужуди, кучи, ёруғи, (18) асоси беш тангридандир. Тангirim, ёзук қилиб, беш тангрини (19) билмай, ёвуз, бўлмағур ўйлар билан уларни қанча вайрон қилган, шикаст етказган бўлсак, (20) ўн тўрт хил жароҳат етказган бўлсак, ўнта илон бошли (21) бармоқларимиз билан, ўттиз икки тиши билан тирик жонни емиш қилиб, (22) тангрини қанча ранжитган бўлсак, куруғ-хўл ерга, (23) беш хил жонзодга, беш хил ўсимликка (24) қанча озор етказган бўлсак, ... тангirim, ёзукдан кутқарғил дея ўтинур- (25) миз. Ёзугимизни кечиргайсан!

**Тўртингчи (бўлим).** Бурунги тангрининг (26) элчиси бурхонларга, такводор, покроҳибларга (27) билмай туриб қанча ёзук қилган бўлсак, яна тангрининг садоқатли элчиси бурхонга (28) деб, эзгу қилмишли покроҳиб деб эътиқод қилмаган бўлсак, тангрининг (29) қонунларини [яъни кутлуғ китобдан] сўзлаганда, билимсизлик билан унга қарши чиқсан бўлсак, қонун- (30) қоидаларни ёйиш ўрнига уларни тийган бўлсак, тангirim, энди ўқинурмиз, (31) ёзукдан кутқарғил дея ўтинурмиз. Ёзугимизни кечиргайсан!

**Бешинчи (бўлим).** (32) Беш хил жонзодга: биринчидан, яна икки оёқли инсонга, иккинчидан, (33) тўрт оёқли ҳайвонга, учинчидан, учувчи жонзодларга, (34) тўртингчидан, сув ичидағи жонзодларга, бешинчидан, ердаги судралиб (35) юрувчи жонзодларга озор етказиб, тангirim, бу беш хил (36) мавжудотни, улуғидан кичигига қадар қанча қўрқитиб (37) хуркитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча

ранжитган (38) бүлсак, қанча ўлдирган бүлсак, шунча жонзодга (39) карздор бүлдик. Тангрим, энди ёзуқдан халос этгин дея (40) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

**Олтинчи (бүлим).** Яна (41) тангрим, ёзуқ қилиб ёмон хаёллар билан, сўз билан, иш билан ўн (42) хил ёзуқ қилган бүлсак, қанча сохта ишлар қилган (43) бүлсак, яна қанча ёлғон сўзлаб, онт ичган бүлсак, қанча ёлғончи (44) кишига қўл тутган бүлсак, яна ёзуқсиз кишини қанча (45) гийбат қилган бүлсак, яна гап тарқатиб, кишини қанча (46) ёмонлаган бүлсак, кўнглини, билимини ерга қорган бүлсак, (47) қанча жоду-афсун қилган бүлсак, яна қанчадан-қанча жониворларни (48) ўлдирган бүлсак, қанча алдаган бүлсак, (49) қанча бола-чақали кишининг омонатини еб кетган бүлсак, Кун-ой тангри (50) маъқул кўрмаган ишни қанчалар қилган бүлсак, яна илк чоғлардан (51) шу кезга қадар роҳиб ўғлонлар яралгандан буён, қанча ёзуқ қилган, (52) янглишган бүлсак, бунча кўп жонзодга қанчалик қаҳр-газаб (53) қилган бүлсак, тангрим энди бу ўн хил ёзуқдан (54) қутқаргин дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

**Еттинчи (бүлим).** (55) Яна ёзуқ қилиб икки оғули йўл бошига, дўзах эшигига, (56) оздирувчи йўлга, ким деса: биринчи – ёлғон қонуну одатларни (57) тутувчи, иккинчи – яна шайтону иблисларга тангри деб сифинувчи (58) ёзуқ қилиб, тангрим, ҳақиқий тангрини, чин қонунларни (59) билмай, англамай, бурхонлар, пок руҳонийлар даъват қиссалар, (60) тоинимай, аксинча, қайта ёзуқ қилиб художўман, уламоман деб (61) ҳар кимсага эргашиб, унинг сўзини олиб, қанча янглишиб, рўза (62) тутган бүлсак, қанча янглишиб, топинган бүлсак, қанча янглишиб (63) эҳсон қилган бүлсак, яна савоб ишлар қиласиз деб, янглишиб, (64) қанча ёвуз ишлар қилган бүлсак, яна шайтону иблисларга (65) тангри дебон (уларнинг ҳақига) тирик жониворларни ўлдириб, топинган бүлсак, яна (66) бурхон деб сохта ақоидга топинган, инонган бүлсак, (67) (улардан) кут тилаб юқунган бүлсак, тангрига ёзуқ қилиб, шайтонга (68) топинган бүлсак, тангрим энди ўқинурмиз,

ёзукдан халос этгин дея (69) ўтинурмиз. Ёзугимизни кечиргайсан!

**Саккизинчи (бўлим).** Ҳақиқий (70) тангрини, чин қонунларни англаб етганимизда икки асосни, (71) учала замонга тегишли қонунни билдик. Ёруғликнинг асосини, тангири ерини, (72) зимистоннинг асосини, дўзах ерини билдик. Ер ва осмон йўқ (73) эканидан бурун нима бўлганлигини билдик. Тангири ва иблис (74) нимадан кейин урушдишлар, ёруғлик билан қоронгулик қандай қилиб аралашдилар, ерни, (75) осмонни ким яратганини билдик. Яна илк зулмат, еру (76) осмон нимадан сўнг йўқолғай, ёруғлик ва қоронгулик қандай қилиб ажралғай, (77) шундан кейин нима бўлишини билдик. Азруа тангрига (78) Кун-ой тангрига, кучли тангрига, бурхонларга (79) инондик, таяндик, нигӯшак бўлдик. Тўрт ёруғ тамғани (80) кўнглимизда тамғаладик: биринчиси – севги – Азруа тангри (81) тамғаси; иккинчиси – эътиқод – Кун-ой тангри тамғаси; учинчиси – (82) кўркув – беш тангри тамғаси; тўртинчиси – доно фикр – (83) бурхонлар тамғаси. Тангрим, ақлимишни, кўнглимизни бу тўрт (84) хил тангрилардан қайтарган бўлсак, ўрнидан қўзғатган (85) бўлсак, тангри тамғаси бузилган бўлса, энди тангрим, ёзугимизни (86) кечиргин деб ўтинурмиз. Ёзугимизни кечиргайсан.

**Тўққизинчи (бўлим).** (87) Ўнта диний ақоидни тутганимизда: учтаси оғиз билан боғлиқ, учтаси (88) кўнгил билан, учтаси қўл билан, бири бутун ўзлик билан боғлиқ (ақоидларни) тугал тутмоқ (89) керак эди. Тангрим, билиб-билмай вужуд фарогатига (90) берилиб, ёмон йўлдош, ўртоқларнинг сўзига кириб, кўнгил билан (91) кўриб, мол-мулкка ҳирс кўйиб ёки ҳожатимизни (92) кўзлаб бу ўнта диний ақоидни бузган бўлсак, қанча зарап (93) етказган бўлсак, тангрим, энди ёзукдан қутқарғил дея ўтинурмиз. (94) Ёзугимизни кечиргайсан!

**Ўнинчи (бўлим).** Кунда тўрт олқиши – (95) Азруа тангрига, Кун-ой тангрига, кучли тангрига, (96) бурхонларга, ихлос билан, чин кўнгил билан олқиши айтиш (97) фарзи бор эди. Яна кўрқмасдан, эриниб, яхши ва тугал (98) алқамаган бўлсак, яна

алқов айтганда күнглимиизни, (99) үй-фикримизни тангрига тутмаган бұлсак, дуоларимиз (100) тангрига поклик билан етмаган бұлса, қай ерда тишилиб-тутилиб қолган (101) бұлса, энди тангрим, ёзуқдан қутқарғыл дея үтінурмиз. Ёзугимизни (102) кечиргайсан!

**Үн бириңчи (бұлым).** Яна етти хил эхсон чин (103) ақоидга тортиқ қилиш фарзи бор эди. Яна беш тангри ёруғини (104) үйгувчи фаришталар Хрўштаг, Падуахтаг тангри тангрига (105) борувчи, қутқарғучи беш тангри ёруғини бизларга келтирганды, (106) биз уларни шархлаб қонунга тортиқ қилиш фарзи (107) бор эди. Ёки қайғу-мусибатта аatab эхсон бергани қызғаниб (108) етти хил эхсон, чин ақоидга буткул бера олмаган бұлсак, (109) тангрига борувчи, (ёзуқлардан) қутқарғучи беш тангри ёруғини үй-жойга (110) боғлаган бұлсак, ёвуз ишлар қылғучи кишига, ифлос жониворларға (111) берган бұлсак, түкиб-сочған бұлсак, тангри (112) ёруғини ножоиз ерга ташлаган бұлсак, энди тангрим, ёзуқдан (113) қутилайлык дея үтінурмиз. Ёзугимизни кечиргайсан.

**Үн иккінчі (бұлым).** (114) Бир йилда эллик кун пок рохибларча фарзни бажариш (115) керак эди. Чин рұза тутиб, тангрига эхсон қилиш (116) керак эди. Яна үй-жойни тутиш учун, мол- (117) мулкка хирс қўйиб ёки ҳожатимизни қўзлаб, яна тўймас, (118) андишасиз, сук шайтон учун, яна қўрқмайдиган күнглимииз (119) учун эриниб, билиб-билмай рўзани бузган (120) бұлсак, рўза тутиб, эзгулик билан қонун-коидаларга мос ҳолда рўза тутмаган (121) бұлсак, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлык дея үтінурмиз. Ёзугимизни (122) кечиргайсан!

**Үн учинчи (бұлым).** Ой тангрининг куни сайин (123) тангрига, қонунга, пок руҳонийлар олдида ёзуқларимиздан (124) қутилишни сўраб, үтінмак керак эди. Яна билиб-билмай, (125) парвосизлик билан, юмушни баҳона қилиб, ёзуқдан (126) қутилишни истамаган бұлсак, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлык дея (127) үтінурмиз. Ёзугимизни кечиргайсан.

**Үн тўртинчи (бұлым).** (128) Бир йилда еттита диний маросим ўтказиш фарзи бор эди. Бир ой (129) дин

күрсатмаларини тутмоқ керак эди. Яна ибодатхонада топиниб, (130) рұза тутиб, тангри бурхонга чин иймон билан күнгил күйиб (131) бир йилги ёзуғимиздан тавба қылмоқ керак эди. Тангрим (132) етти маросимни тугал адо эта олмаган бұлсақ, бир ойлик дин күрсатмаларини (133) әзгулик билан, покизалик билан тута олмаган бұлсақ, бир йилги ёзуғимизни (134) чин иймон билан күнгил күйиб халос бұлишни тилаі олмаган бұлсақ, қанча (135) нұқсонлар бүлган бўлса, энди тангрим, ёзуқдан қутилайлик дея (136) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан.

**Ўи бешинчи (бўлим).** Кун (137) сайин қанча ёмон хаёлларга бериламиз, қанча беадаб (138) сўзларни айтамиз, қанча ножўя (139) ишларни қиласми, ёвуз ишларга, ёзуққа ўз-ўзимизни (140) тутиб, азобланамиз. Яна кунлик ризқимизни деб, беш тангри тангри ёруғи, ўз (141) вужудимиз, тўймас, уятсиз, сук, шайтон истагича (142) юрганимиз учун ёмон ерга боради. Шунинг учун тангрим (143) бутунлай ёзуқдан қутилайлик дея ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан! (144) Тангрим, ёзуқлимиз, қарздормиз, тўймас, (145) уятсиз, сук иблис учун хаёл қилиб, сўз билан, иш билан, (146) яна кўз билан кўриб, қулоқ билан эшишиб, тил билан сўзлаб, кўл билан (147) сунуб, оёқда юриб, (беш тангри ёруғини) узлуксиз қийнаймиз. (148) Беш тангри ёруғини қуруг хўл ерга (ташлаб), беш хил жонзодни (149) беш хил ўсимликни (қийнаймиз). Яна ёзуқлимиз. (150) Ўнта диний ақоидга, етти хил эҳсонга, уч тамғага нифӯшак (151) отини тутамиз, амалда эса бажара олмаймиз. Яна ёруғ (152) тангриларга, чин қоидага, художўй, уламо, пок руҳонийларга (153) қанча ёзуқлар қилиб, янгишган бұлсақ, яна тангри айтган ўгут (154) билимларга амал қилиб юрмаган бұлсақ, тангрилар күнглини синдирган бұлсақ, (155) яна маросиму фарзларни, олқишлиаримизни диний қоидалар, ақоидга мос ҳолда тута (156) олмаган бұлсақ, қанча зарар етказган бўлсақ, кун сайин, (157) ой сайин ёзуқ қиласми. Ёруғ тангриларга, кутлуғ қонун (158) шаънига, пок роҳиблар олдида, ёзуқлардан қутилайлик дея (159) ўтинурмиз. Ёзуғимизни кечиргайсан!

(Матнни) тугаллаган Тархон. (160) Тугади нифӯшакларнинг ёзуклардан ўкинув битиги – “Хуастуанифт”.

### “Хуастуанифт”нинг Берлинда сақлананаётган узиндилари

Берлин Бранденбург Академиясининг қўлёзмалар фондида Турфондан топиб келтирилган сонсиз-саноқсиз битиглар орасида “Хуастуанифт”нинг узиндилари ҳам сакланмоқда (Ушбу узиндиларнинг фотонусхалари [turfan.bbaw.de/dta/index.html](http://turfan.bbaw.de/dta/index.html). вебсайтида берилган). Узиндилар икки хил – моний ва уйғур ёзувларида битилган. Куйида уларнинг уйғур ёзувидағилари бўйича сўз юритамиз.

Узиндилар алоҳида варакларда; қофознинг бир ёки иккала бетига битилган. Қофоз бичими ва матн ўлчамлари ҳар турли.

Сақланган битиглар асарнинг бирор бўлумидан олинган; баъзиларига асарнинг кетма-кет икки бўлуми битилган. Уларнинг айримлари (айникса, икки бўлумлilари) асарнинг йирик қўлёзмаларидан қолган узиндилар бўлуви-да мумкин. Лекин, моний топинувчилари орасида асарнинг тўлиқ қўлёзмалари билан бирга, бўлумлари айри-айри, дуо кўринишида ҳам кенг тарқалган деган эҳтимоли кучли. Табиийки, топинувчилар (ёки дуоларни уларга кўчириб берган битигчилар) ушбу узиндиларни асарнинг тўлиқ қўлёзмаларидан олган.

Қофозларининг кўпи пароканда, титилиб йиртилиб тушган ерлари бор. Уларнинг матни ҳам узук-юлуқ. Узиндиларнинг барига тегишли бўлган белгиларидан бири, ҳаммасининг хати тартибли, кўпи классик хат услубида. Кўринадики, моний жамоаларида тавбаномаларнинг тилигагина эмас, ёзув услубига ҳам айрича эътибор қаратилган.

Узиндилар матни билан асарнинг тўлиқ нусхаси ўртасида кескин фарқ йўқ. Шунга қарамай, уларнинг юқорида келтирилган тўлиқ қўлёзма нусхадан фарқ қилувчи белгилари ҳам бор. Масалан, “ёзугимизни кечиргайсан” мазмунидаги дуо формуласи асарнинг уйғур ёзувли Санкт-Петербург нусхасида

*Manastar xırza*, ушбу матнларда эса икки хил – *Manastar xırza* ёки *Manastar xırz* күринишиларида күлланган.

Битигларда [ň~n]дан [y]га силжиш ҳодисаси қучли: Санкт-Петербург нусхасидаги *atığ yawlaq* (ёвуз, бўлмағур) жуфт сўзи ушбу узиндиларда *ayığ yawlaq* кўринишида учрайди.

Энди узиндиларнинг ўқилиши ва мазмунини бирма-бир кўриб чикамиз.

**U 0012 (TM343 ёки M12) кўрсаткичи остида сакланаётган узинди.** Бир варакли қоғозда, ҳар икки ёғида ўн беш қаторли матн битилган. Матни қорада, иккинчи бет еттинчи сатрдаги бўлим кўрсаткичи (*üç yigirmiç*) ҳамда жумлалар орасидаги икки нуқталари қизилда. Хати оддий югурук хат, лекин тартибли. Қоғозининг тевараги титилиб, йиртилиб тушган. Матн ораларида ҳам титилган ерлари бор.

Матн нисбатан яхши сақланган. Асар ўн иккинчи бўлимининг катта бир қисми, ўн учинчи бўлимининг бошланишидан иборат.

Ўқилиши шундай:

**U 0012 recto:**

- (1) ... ariğ bačaq bačap
- (2) ... [tāñrı]kä ančulasıq
- (3) kärgäk ärti : y(ä)mä äw
- (4) barq tutdiq üçün
- (5) : yılqıqa bar(ı)mqa bul(u)p
- (6) : azu muñumuz taqumuz
- (7) tägip : y(ä)mä todunčsuz
- (8) uw[ut]suz suq yäk
- (9) säwigincä y[or]iduq
- (10) üçün : y(a)wlaq qorqinc-
- (11) sız köñülümüz üçün
- (12) : är(i)nip ärmägürüp
- (13) : ärkligin ärksizin
- (14) : bačaq sidimüz ärsär
- (15) ... [ba]čaq o[lur]up

### Мазмуни:

(1) ... эътиқод билан рўза тутиб (2) ... тангрига эҳсон қилиш  
(3) керак эди. Яна уй- (4) жойни тутгани учун, (5) мол-мулкка  
хирс кўйиб (6) ёки ҳожатимизни (7) кўзлаб, яна тўймас, (8)  
андишиласиз, сук шайтон (9) измида юрганимиз (10) учун, ёвуз,  
кўрқмас (11) кўнглимиз учун, (12) эриниб, ялқовлик қилиб, (13)  
билиб-бilmайин (14) рўзани бузган бўлсак, (15) ... рўза тутиб

### U 0012 verso:

- (1) : ädgüti nomčä [törüčä]
- (2) bačamadimiz är[sär]
- (3) amtī tänrim ökünür-
- (4) biz yazuqda boşunu
- (5) ötünür-biz : Man-
- (6) astar xirza :
- (7) Üç yigirmiň Ay tänri
- (8) kün[in] say[u] : tänrikä
- (9) nomqa asığ (arığ?) dintarlar-
- (10) qa : suyumuznī yazuqu-
- (11) muznī boşuyu qor(u)maq (?)
- (12) kärgäk ärti : y(ä)mä
- (13) ärkligin ärksizin
- (14) ärinip ärmägürüp
- (15) [išk]ä ködü[gkä]

### Мазмуни:

(1) эзгулик-ла қонун-қоидаси билан (2) рўза тутмаган бўлсак,  
(3) энди тангрим, ўқинур- (4) миз, ёзуқдан қутилайлик дея (5)  
ўтинурмиз. Ёзуғи- (6) мизни кечиргайсан! (7) Ўн учинчи  
(бўлим). Ой тангрининг (8) куни сайин тангрига, (9) қонунга,  
пок руҳонийлар- (10) га ёзуқлари- (11) мизни кечиришни сўраб,  
сақланмоқ (12) керак эди. Яна (13) билиб-бilmайин, (14)  
эриниб, ялқовлик қилиб, (15) юмушларни (баҳона қилиб) ...

**U 0014 (TM289 ёки M14) кўрсаткичли узинди.** Бир варақ  
қофознинг икки бетида. Варақнинг ўнг бетида ўн етти, терс

ёғида эса ўн олти қатор матн битилган. Ўнг бетидаги матннинг остига ва ўнг томонига қиялатиб қўшимча матн битиб қўйилган. Унинг хати асосий матндан ажралиб туради, югурук хат.

Қоғози анча титилиб, матннинг каттагина бўлаги ҳам йиргилиб тушган. Ёзуви чиройли, классик хат услубида. Асарнинг бешинчи ва олтинчи бўлимлари.

Ўқилиши шундай:

**U 0014 recto:**

- (1) ... ... qa
- (2) ... ... [adaqlı]ğ kişikä
- (3) ... ... [bu]tlug tīnlīğ
- (4) ... ... uğma
- (5) ... suw
- (6) ... ...
- (7) ... ...
- (8) tīnl(i)ğ ... [bar]u täjrim
- (9) bu biš ... ...qa
- (10) tural(i)ğqa uluğqa kičigkä
- (11) tägi näčä qorqı(t)t(i)m(i)z ürki(t)t(i)m(i)z
- (12) ärsär näčä urtumuz yontumuz
- (13) ärsär näčä ölürdümüz
- (14) ärsär munča tīnl(i)ğqa öz
- (15) ötägči [bolt]umuz : amtı täjrim
- (16) yazuqda [boşu]nu ötüñur-biz
- (17) manastar [xırz] : Altınč

Мазмуни:

- (1) ... ... ga (2) ... ... oёкли кишига (3) ... ... бутли жонзод-
- (4) ... ...ган (5) ... сув (6) ... ... (7) ... ... (8) жонзод ... (озор бер)иб, тангрим (9) бу беш ... ...га (10) мавжудотга, улуғидан кичигига (11) қадар қанча қўрқитиб ҳуркитган (12) бўлсак, қанча уриб азоблаған (13) бўлсак, (уларни) қанча ўлдирган (14)

бүлсак, шунча жонзодга қарз- (15) дор бүлдик. Энди тангрим, (16) ёзуқ(лар)дан халос этгин дея ўтинурмиз. (17) Ёзғимизни кечиргайсан. Олтингчи (бүлім)

### U 0014 verso:

- (1) on ...
- (2) qilt(i)miz ärs[är] ...
- (3) igdädimiz är[sär] ...
- (4) antiqd(i)m(l)z är[sär] ...
- (5) kişi tanu[qı] ...
- (6) yazuq ... ...
- (7) ärsär ... ...
- (8) kälürü[p] ... [näč]ä
- (9) kikşü[rü] ... [ä]rsär : köjlin
- (10) bilingin artat... ärsär näčä
- (11) yilvi yilvilädimiz ärsär : yämä näčä
- (12) öküs tınlığağ turalığağ olur-
- (13) dümüz ärsär : näčä t(ä)wlädimiz :
- (14) [kürlädimiz ärsär : näčä äwiŋ]
- (15) kişi urunčaqın ...[yidi]miz ärsär
- (16) [küln ay tähri ... miz ärsär :

### Мазмұны:

(1) ўн ... (2) қилған бүлсак ... (3) сохта ишлар қилған бүлсак ... (4) онт ичған бүлсак ... (5) кишининг гувоҳи ... (6) ёзуқ ... ... (7) бүлсак ... ... (8) тарқатиб ... қанча (9) ёмонлаб ... бүлсак, кўнглини, (10) билимини ерга қор(ган) бүлсак, қанча (11) жоду-афсун қилған бүлсак, яна қанчадан (12) қанча жониворларни ўлдир- (13) ган бүлсак, қанча алдаб- (14) сұлдаган бүлсак, қанча бола-чақали (15) кишининг омонатини (еган) бүлсак, (16) Кун-Ой тангри ... миз эрса

**U 0015 (Т.П.К ёки М15) күрсаткычли узинди.** Дафтар күринишидаги икки варақнинг биринчи варағига (В1.П г, в күрсаткычли матн) “Хуастуанифт”, иккинчи варағига эса бошқа бир асар битилган. Иккала варақдаги асарларнинг хат услуби ҳам ажралиб туради. “Хуастуанифт”нинг хати йирик, лекин оддий югуруқ хат.

Қоғози титилиб йиртилиб тушгани учун матннинг бўйламасига бир йўлигина сақланган.

Ушбу матн асарнинг ўн тўрттинчи ва ўн бешинчи бўлимларидан олинган.

Ўқилиши:

**U 0015 seite 2:**

- (1) ... ...
- (2) ötünmäk ...
- (3) täljrim yiti ...
- (4) umad(i)m(i)z är[sär] ...
- (5) ädgüti arïti ...
- (6) čaydanta ...
- (7) törüčä ...
- (8) bir yïlq[i] ...
- (9) köñültä ...
- (10) ärsär : ...
- (11) bolti ä[rsär] ...
- (12) boşunu ö[tünür-biz] ...
- (13) sayu näč[ä] ...
- (14) saqinur...
- (15) irinčü...
- (16) biz : ay[iğ] ...

Мазмуни:

- (1) ... ... (2) ўтинмак ... (3) тангрим, етти ... (4) қила олмаган бўлсак ... (5) эзгулик-поклик билан ... (6) ибодатхонада ... (7) қоида бўйича ... (8) бир йилги ... (9) кўнгилдан ... (10) эрса ...

- (11) бўлган бўлса ... (12) ёзукдан қутилайлик дея ўтинурмиз ...  
(13) сайин неча ... (14) ҳаёлларга бериламиз... (15) ёзук... (16)  
миз, ёмон ...

**U 0015 seite 1:**

- (1) ... [ašadu]ğum(u)z ...
- (2) ... őzümüz őz-
- (3) ... uwūtsuz suq
- (4) ... yoriduq
- (5) ... yirgärü
- (6) ... täjrim
- (7) ... ötünür
- (8) ... ...
- (9) ... todunčsuz
- (10) ... üčün
- (11) ... in
- (12) ... [qu]lqaqin
- (13) ... äl(i)gin
- (14) ... ürkä
- (15) ... täjri

Мазмуни:

- (1) ... ризқимиз ... (2) ... вужудимиз (3) ... уятсиз, сук (4) ... юрган (5) ... ерга (6) ... тангри (7) ... ўтинур- (8) ... ... (9) ... тўймас (10) ... учун (11) ...ин (12) ... қулоқ билан (13) ... қўл билан (14) ... узлуксиз (15) ... тангри

**U 0016 (T.I.D29 ёки M16) кўрсаткичли узинди.** Варақнинг ўнг ва терс ёғида тўққиз катордан матни сакланган. Лекин биринчи қатори йиртилиб, айрим ҳарфларининг элементларигина қолган, ўқиб бўлмайди (иккинчи бетидаги матннинг узилишига караганда, юқориги икки-уч қатори йиртилган). Қоғози анча титилиб, матннинг айрим ўринлари

ҳам йиртилиб тушган. Шунга қарамай, ёзуви чиройли, классик хат услубида. Ёзуви қорада, жумлалар орасидаги күш нұқталари қирмизи рангда.

Сакланған матн асарнинг учинчи бўлимидир.

Ўқилиши шундай:

**U 0016 recto:**

- (1) [küč]i y(a)r[uqı] ...
- (2) [bi]š tājri-ol : tājrim
- (3) [su]yda baru biš tājrig
- (4) [b]ilmätin, ay(i)ğ y(a)wlaq
- (5) [b]iligin näčä sidi(m)iż
- (6) b(i)rtt(i)miz ärsär : tört
- (7) [yi]girmi türlüğ baş
- (8) [q]iltümiz ärsär : on
- (9) yılan başlığ ärñäkin

Мазмуни:

(1) кучи, ёруғи ... (2) беш тангриданdir. Тангрим, (3) ёзук қилиб, беш тангрини (4) билмайин, ёвуз, бўлмағур (5) ўйлар билан (уларни) қанча вайрон қилган, (6) шикаст етказган бўлсак, ўн тўрт (7) хил жароҳат (8) етказган бўлсак, ўнта (9) илон бошли бармоқлар(имиз) билан

**U 0016 verso:**

- (1) ... ...
- (2) näčä ağrlı(t)im(i)z ä[rsär]
- (3) quruğ öł yirkä [biš]
- (4) türlüğ tınl(i)ğqa biš
- (5) türlüğ otqa iğac[qa]
- (6) näčä yazuntüm(i)z ärsär
- (7) amti tājrim yazuqda
- (8) boşunu ötüñür-b[iz]
- (9) Manastar xirz :

**Мазмуни:**

(1) ... ... (2) қанча ранжитган бўлсак, (3) қурук-хул ерга, беш (4) турли жонзодга, беш (5) турли ўсимликка (6) қанча озор етказган бўлсак, (7) энди тангри, ёзуқдан (8) қутқарғил дея ўтинурмиз. (9) Ёзугимизни кечиргайсан!

**U 0018 (Т.I.D ёки M18) кўрсаткичли узинди.** Варакнинг бир бетида. Ўта пароканда қоғозда, узуқ-юлуқ олти қаторли матн қолган, холос.

Асарнинг ўн тўртинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

**U 0018 recto:**

- (1) ärti : b[ir] ...
- (2) kärgäk ärt[i] ...
- (3) olurup : ...
- (4) burxanqa ...
- (5) baru : bir yılq[i] ...
- (6) boşuyu [ö]tünm[äk] ...

**Мазмуни:**

(1) эрди. Бир ... (2) керак эрди ... (3) ўтириб ... (4) бурхонга ... (5) (кўнгил) қўйиб, бир йилги ... (6) тавба қилиб ўтинмак ...

**U 0021 (5.П.9.530 ёки M21) кўрсаткичли узинди.** Кичик қофоз парчаси. Нихоятда титилиб кетган. Ёзуви қофознинг бир бетида, орқаси бўш. Биринчи сатри йиртилиб, қандайдир ҳарфнинг элементи қолган, англаб бўлмайди. Охирги қаторидан бир сўзнинг бир-икки ҳарфигина қолган. Саклангани уч қатор, у ҳам бўлса узуқ-юлуқ.

Матн асарнинг учинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

### **U 0021 recto:**

- (1) ... ...
- (2) ...ikä bir tün[tura] ...
- (3) ... tänřri : üčüňc y[aruq] ...
- (4) ...[tänř]ri : bišinč o[t] ...
- (5) ...duq...

Мазмуну:

(1) ... ... (2) ...ига, биринчи ел ... (3) ... тангри, учинчи ёргүр ... (4) ...тангри, бешинчи ўт[яньи олов] ... (5) ...ган...

**U 0022(TIDx21 ёки M22) күрсаткичли узинди.** Қоғознинг бир бетида хитойча ёзув, туркийси эса унинг орқа бетида. Қоғоз тахчиллигидан бўлиши керак. Кичик матн парчаси. Тўрт қаторли матн, лекин биринчи қатори йиртилган, ўқиб бўлмайди. Хати классик услубда, қорада битилган.

Матн узиндиси асарнинг иккинчи бўлимига тўғри келади.

Ўқилиши шундай:

### **U 0022 verso:**

- (1) ... ...
- (2) ... [čul]vu saw sözlä ...
- (3) ... ölürdimiz ...
- (4) [tuğ]ar batar : ärki b...

Мазмуни:

(1) ... ... (2) ... ёлғон сўзларни сўзла... (3) ... ўлдирдимиз ... (4) тугар ва ботар [яньи Куннинг туғиши ва ботиши] истаги ...

**U 0023 (T.I.619 ёки M23) күрсаткичли узинди.** Ёзуви қоғознинг бир томонида, орқаси бўш. Матни олти қатор, олтинчи қаторининг изи бор, бироқ йиртилиб тушгани учун ўқиб бўлмайди. Хати қорада, жумла орасидаги икки нуқтаси қорада қўйилиб, қизилга олинган.

Матн асарнинг ўн тўртинчи бўлимидан.

Үқилиши шундай:

**U 0023 recto:**

- (1) [är]sär : ...
- (2) ... ultu (tutu?) uma[d...]
- (3) köňültä bar[u]...
- (4) ... [kär]gæk boltı ärs[är] ...
- (5) ... man(a)star [xirz] ...
- (6) ... ...

Мазмуни:

(1) эрса ... (2) ... тута олмаган... (3) күнгил қўйиб... (4) ...  
керак бўлди эрса ... (5) ... Ёзумизни кечиргайсан ... (6) ... ...

**U 0024 (M24) кўрсаткичли узинди.** Ёзуви қоғознинг бир  
бетида, орқаси бўш. Қоғози ўта пароканда, четлари йиртилиб,  
бир парчаси қолган. Саккиз қаторли матн, лекин биринчи  
қатори йиртилиб тушганидан уни ўқиб бўлмайди. Қолган етти  
қатори ҳам узук-юлук жумлалар.

Матн асарнинг учинчи бўлимидан олинган.

Үқилиши шундай:

**U 0024 recto:**

- (1) ... ...
- (2) -ol : tänrim ...
- (3) ayığ y(a)wlaq [bi]lligin ...
- (4) tört yigirmi türlüg ...
- (5) [yila]n başlığ ärjäkin ...
- (6) ... aş ičkü täŋ[rig] ...
- (7) ... [är]sär : quruğ öl yir ...
- (8) ... [tü]rlüg ... qa...

Мазмуни:

(1) ... ... (2) -дир. Тангрим, ... (3) ёвуз, бўлмағур ўйлар билан  
... (4) ўн тўрт хил ... (5) илон бошли бармоқ(ларимиз) билан ...  
(6) ... емиш қилиб, тангрини ... (7) ... эрса, куруқ-хўл ер ... (8)  
... турли ... га...

**U 0025 (T.I.D51.500 ёки U25) күрсаткычли узинди.** Кичик қоғоз парчаси. Ўнг бетидаги матннинг биринчи сатри йиртилиб тушган, изи бор, ўқиб бўлмайди. Саклангани икки сатр, у ҳам бўлса узуқ-юлуқ. Қоғознинг орқа бети бўш. Хати ўта чиройли, классик услубда.

Матн асарнинг олтинчи бўлимидан.

Ўқилиши шундай:

**U 0025 recto:**

- (1) ... ...
- (2) ... yaz(i)nt(i)m(i)z yan(i)lt[imiz] ...
- (3) ... tñl(i)gqa ...

Мазмуни:

- (1) ... ... (2) ... (йўлдан) оздиқ ... (3) ... жонзод(лар)га ...

**U 0026 (T.I.D51.514 ёки U26) күрсаткычли узинди.** Кичик қоғоз парчаси. Ўнг бетида икки сатригина сакланган, у ҳам бўлса узуқ-юлуқ. Хати чиройли, классик услубда.

Қоғознинг орқа бетида ҳам бир қатор матн. Лекин йиртилиб тушганидан ўқиб бўлмайди.

Матн асарнинг ўн тўртинчи бўлимидан.

Ўқилиши шундай:

**U 0026 recto:**

- (1) ... [biligi]n köňültä b[aru] ...
- (2) ... äksü[k] k(a)rgä[k] ...

Мазмуни:

(1) ... иймон билан кўнгил қўйиб ... (2) ... нуқсонлар бўлган (бўлса) ...

## ҮЙГУР АЛИФБОСИ

Т/к	Сүз охирида	Сүз ичида	Сүз бошида	Англатган товуш
1	ا	ا	ا	а
2	ى	ى	ى	ا~e
3	ئ	ئ	ئ	i, i, e
4	و	و	و	o, u
5	ۈ	ۈ	ۈ	ö, ü
6	ۋ	ۋ	ۋ	b, p
7	ۋە	ۋە	ۋە	w, v
8	ك	ك	ك	k, g
9	ۇ	ۇ	ۇ	q
10	ڭ	ڭ	ڭ	q, ڭ, x
11	ڭە	ڭە	ڭە	t, d
12	ڭى	ڭى	ڭى	d (~δ), t
13	ڭۈ	ڭۈ	ڭۈ	s, z
14	ڭۈڭ	ڭۈڭ	ڭۈڭ	š
15	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	z, s
16	ڭۈڭى	ڭۈڭى	ڭۈڭى	ž
17	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	y
18	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	l
19	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	m
20	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	n
21	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ŋ
22	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	r
23	ڭۈڭە	ڭۈڭە	ڭۈڭە	č

## ЁЗМА МАНБАЛАР

*AY – Ceval Kaya.* Uygurca Altun Yaruq. Giriş, Metin ve Dizin. Ankara, 1994.

*ДТС* – Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969.

*MK – Kaşgarlı Mahmud.* Dīvānū Lūgati't-Türk. Tipkibasım / Facsimile. Ankara, 1990.

*УДД* – Уйгурские деловые документы X–XIV вв. из Восточного Туркестана. Предисловие, транскрипция, перевод с древнеуйгурского Л.Ю. Тугушевой. Факсимиле рукописей. М., 2013.

*THT* – Содиков 2014, 130–149.

*QBN* – Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг араб ёзувли Наманган (Фарғона) нусхаси: Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, 1809- кўрсаткичли қўлёзма; Kutadgu Bilig (Nemengan/Fergana/ Özbekistan nüshası). Tipkibasım. Hazırlayan E. Üşenmez. Ankara, 2013.

*QTH* – уйғур хатида битилган қадимги туркий васиқалар: Содиков, Омонов 2012, 127–193- б.

*Хуаст.* – Хуастванифт (Манихейское покаяние в грехах). Предисловие, транскрипция уйгурского текста, перевод Л.Ю. Тугушевой. Комментарий А.Л. Хосроева. Факсимиле текста. Санкт-Петербург, 2008.

## ИЛМИЙ АСАРЛАР

*Дмитриева 1963* – Дмитриева Л.В. Хуаствуанифт (введение, текст, перевод). – Тюркологические исследования. М.–Л., 1963. С. 214–232.

*Малов 1932* – Малов С.Е. Уйгурские рукописные документы экспедиции С.Ф. Ольденбурга. Записки института востоковедения Академии наук СССР. I. Ленинград, 1932. С. 129–149 (таблицы I–VI).

*Малов 1951* – Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.

*Тугушева 1975(1) – Тугушева Л.Ю.* Два уйгурских документа из рукописного собрания Ленинградского отделения института востоковедения Академии наук СССР. // “Советская тюркология”, №4, Баку, 1975. С. 92–101.

*Тугушева 1975(2) – Тугушева Л.Ю.* Языковые и внеязыковые значения в дешифровке памятников древнеуйгурской письменности. // “Советская тюркология”, №5. Баку, 1975. С. 27–32.

*Sodiqov 2009 – Sodiqov Q.* Turkiy til tarixi. Toshkent, 2009.

*Содиқов 2011 – Содиқов Қ.* “Мұхқамату-л-лугатайн”ни ўқиб ўрганиш. Тошкент, 2011.

*Содиқов 2014 – Содиқов Қ.* Туркий хужжатчилик тарихидан. Тошкент, 2014.

*Содиқов, Омонов 2012 – Содиқов Қ., Омонов Қ.* Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. Тошкент, 2012.

*Стеблева 2012 – Стеблева И.В.* Тюркская поэтика. Этапы развития: VIII–XX вв. М., 2012.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>Биринчи бўлим. Ҳужжатшунослик .....</b>	<b>8</b>
<b>Иккинчи бўлим. Матн лингвистикаси .....</b>	<b>19</b>
Васиқалар тилининг фонетик трансформацияси .....	19
Васиқалар тилининг морфологик интерпретацияси .....	26
Васиқалар тилининг синтактик интерпретацияси .....	31
<b>Учинчи бўлим. Матн стилистикаси .....</b>	<b>43</b>
Васиқаларда компонентларнинг берилиш усули .....	44
Васиқаларда сўзловчи нутқи ва унинг берилиши .....	51
Васиқаларда расмий ва бадиий услублар синкремтизми .....	58
Васиқаларда ишлатилган стереотип бирликлар ва уларнинг интерпретацияси .....	61
<b>Тўртинчи бўлим. Матилар .....</b>	<b>73</b>
<b>Ялпиги хуносалар .....</b>	<b>102</b>
<b>Қўшимчалар .....</b>	<b>105</b>
“Олтун тусли ёруғ” асарининг узинди нусхаси .....	105
“Хуастуанивт”нинг қадимги туркий версияси .....	112
Уйгур алифбоси .....	140
Фойдаланилган манбалар ва илмий асарлар .....	141

**Косимжон Содиков**

**ЭСКИ ТУРКИЙ ХУЖЖАТЛАР:  
МАТН ИНТЕРПРЕТАСИЯСИ ВА СТИЛИСТИКАСИ**

Саҳифаловчи:                           3.Убайдуллаев

Бичими 60x84<sup>1/8</sup>.  
«Times New Roman» Шартли б.т. 18.  
Нашр т.17,1. Сони 100 та.

«Extremum press» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. 100053,  
Тошкент ш. Боғишамол кӯчаси Зуй.

Тел:234-44-05.  
E-mail: Extremum-press@mail.ru

